

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

38-сон
(1214)
2025 йил
сентябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

546. «Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 сентябрдаги ПФ–173-сон Фармони
547. «Енгил саноат соҳасида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 сентябрдаги ПФ–174-сон Фармони [Кўчирма]
548. «Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 сентябрдаги ПҚ–282-сон қарори
549. «Республиканинг ҳудуд, соҳа ва тармоқларида рақамли технологиялар жорий этилишини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 16 сентябрдаги ПҚ–286-сон қарори

550. «Ерга оид муносабатларда коррупциявий омилларни бартараф этиш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 сентябрдаги ПҚ–287-сон қарори
551. «Коррупцияга қарши курашиш соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини янада кенгайтириш ва илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 сентябрдаги ПҚ–288-сон қарори
552. «Ўзбекистон Республикаси миллий инвестиция жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 сентябрдаги ПҚ–289-сон қарори
553. «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида ислохотларни жадаллаштириш ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 сентябрдаги ПҚ–290-сон қарори

Учинчи бўлим

554. «Худудларнинг инвестициявий жозибадорлиги рейтингини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 15 сентябрдаги 580-сон қарори
555. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 15 сентябрдаги 583-сон қарори
556. «Маҳалла фуқаролар йиғини ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 15 сентябрдаги 586-сон қарори
557. «Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни етиштириш бўйича питомник ва плантацияларнинг давлат ҳисобини юритиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 16 сентябрдаги 588-сон қарори
558. «Умумий овқатланиш корхоналарида ҳосил бўладиган озиқ-овқат чиқиндиларидан самарали фойдаланиш ва уларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш ҳамда ортиқча исрофгарчиликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 16 сентябрдаги 589-сон қарори
559. «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш

хақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 17 сентябрдаги 590-сон қарори

560. «Телекоммуникация бозорини босқичма-босқич либераллаштириш ҳамда рақобат бозорини шакллантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 сентябрдаги 592-сон қарори

Бешинчи бўлим

561. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 12-avgustdagi 278-son "Budjet tashkilotlarida ishlovchi ayollarga homiladorlik va tug'ish bo'yicha nafaqa, fuqarolarning ayrim toifalariga uy-joy-kommunal xizmatlar haqini to'lash bo'yicha imtiyozlar o'rniga qonunchilik hujjatlarida nazarda tutilgan oylik kompensatsiya pul to'lovlari hamda bola tug'ilganida beriladigan bir yo'la nafaqani to'lash bo'yicha xarajatlarni moliyalashtirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyruqqa o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i. (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 18-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2080-1*)
562. O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi qo'mondonining 2025-yil 9-sentabrda 268-son "O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi bo'linmalariga kontrakt bo'yicha harbiy xizmatga nomzodlarni saralash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 18-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3210-5*)
563. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2025 йил 12 сентябрдаги 10-сон "Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахслар даволанадиган касалликлар рўйхатига қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3632-1*)
564. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлиги директорининг 2025 йил 15 сентябрдаги 4-2025-сон "Республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3676*)
565. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasining 2025-yil 27-avgustdagi 10-son, Qishloq xo'jaligi vazirligining 2025-yil 27-avgustdagi 36-son, Suv xo'jaligi vazirligining 2025-yil 25-avgustdagi 25-4546-son, Transport vazirligining 2025-yil 26-avgustdagi 12-son

- “Ruxsatnomalar, tarqatish vedomostlari va limit kitobchalari bo‘yicha avtotransport vositalariga yonilg‘i quyish uchun neft mahsulotlari, suyultirilgan va siqilgan tabiiy gazni berish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 18-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2072-2*)
566. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 21-avgustdagi 280-son hamda Soliq qo‘mitasining 2025-yil 14-avgustdagi 2025-17-son “Budjet tizimi budjetlari daromadlarining kassa ijrosi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 18-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2771-6*)
567. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 15-avgustdagi 279-son “O‘zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (2-sonli BHS) “Yagona schyotlar rejasi”ga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 18-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3078-6*)
568. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2025 йил 8 сентябрдаги 474-сон “Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод этиш ва идентификация ID-кارتасини расмийлаштиришда давлат бојини қоплаш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда судларга ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3168-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

546 Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги ва «Расмий статистика тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, шунингдек, аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари, яшаш даражаси ва фаровонлиги, қишлоқ хўжалиги ҳолати, таркиби ҳамда аҳолини ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш истиқболларини баҳолаш тизимини яратиш учун зарур маълумотлар базаларини шакллантириш мақсадида **қарор қиламан:**

І. Мақсадлар

1. Қуйидагилар аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш учун 38 миллион аҳолининг таркиби ва миграцияси, оилавий ҳолати, фаолият тури, даромад манбалари тўғрисида Европа статистиклари конференциясининг 2020 йилдаги тавсиялари асосида ягона маълумотлар базасини шакллантириш;

(б) 26 миллион гектар қишлоқ хўжалиги ерларининг фойдаланиш ҳолатини ўрганиш, чорва моллари ва паррандалар сонини аниқлаш орқали қишлоқ хўжалигига йўналтирилаётган йиллик 25,6 триллион сўм, жумладан, 2,2 триллион сўм бюджет маблағлари самарали сарфланишини, соҳадаги хизматлар ҳажминини аниқлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур маълумотлар тўпламини яратиш;

(в) аҳоли ва қишлоқ хўжалигининг ўсиш тенденцияларини ҳудудлар кесимида аниқ ҳисоб-китоб қилган ҳолда ижтимоий соҳа объектларини кенгайтиришга йўналтирилаётган йиллик 25,2 триллион сўм маблағнинг манзилли сарфланишини таъминлаш;

(г) республиканинг ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлиги ва маҳаллалар кесимида аҳолининг турли тавсифлари тўғрисида ягона статистик услубиёт асосида халқаро даражада таққослаш мумкин бўлган маълумотларни шакллантириш орқали мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлигини ва халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 20 сентябрда эълон қилинган.

II. Рўйхатга олиш тадбирини ташкил этиш

2. Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш (кейинги ўринларда — рўйхатга олиш тадбири) 2026 йил 15 январь ҳолатига кўра 2026 йил 15 январдан 28 февралга қадар ўтказилсин.

3. Ўзбекистон Республикасида 2026 йилда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишни ташкил этиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) тузилсин ва унинг таркиби 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин. Бунда Миллий статистика қўмитаси Республика комиссиясининг ишчи органи этиб белгилансин.

4. Республика комиссияси зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

(а) рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли амалга оширилишини таъминлаш;

(б) рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш, рўйхатга олиш материалларига ишлов беришни ташкил этиш ҳамда унинг якуний натижаларини эълон қилиш масалаларига доир таклифларни кўриб чиқиш;

(в) рўйхатга олиш тадбирида иштирок этиш учун жисмоний ва юридик шахсларни уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш масалаларини ҳал қилган ҳолда жалб этиш ишларини ташкил этиш;

(г) рўйхатга олиш тадбири доирасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

5. Ўзбекистон Республикасида 2026 йилда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишни ташкил этиш бўйича ҳудудий комиссияларнинг (кейинги ўринларда — ҳудудий комиссиялар) намунавий таркиби 1а- ва 1б-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Белгилансинки:

(а) рўйхатга олиш тадбири «маҳалла еттилиги» тизимида ишловчи ходимларни 2025 йил 15 декабрдан 2026 йил 1 мартгача бўлган даврда жалб этиш орқали ўтказилади. Бунда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Миллий статистика қўмитаси ҳамда масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда «маҳалла еттилиги» тизимида ишловчи ходимлар планшет қурилмаларидан фойдаланган ҳолда рўйхатга олиш тадбири ўтказилишини таъминлайди;

(б) рўйхатга олиш тадбирида рўйхатга олувчи сифатида иштирок этадиган «маҳалла еттилиги» тизимида ишловчи ходимлар ва бошқа жалб этиладиган ходимлар Жаҳон банки иштирокида амалга оширилаётган «Ўзбекистонда статистика тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир ярим баравари миқдоридан (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни инобатга олган ҳолда) бир марталик рағбатлантирилади. Рағбатлантириш тўловлари тегишли вазирлик, идора ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сўровномасига асосан Миллий статистика қўмитаси томонидан молиялаштирилади;

* 1 — 1б-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(в) рўйхатга олиш тадбирига жалб этиладиган ходимлар учун уларнинг асосий иш жойи, лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

7. Қуйидаги ташкилотлар 2025 йил 10 октябрга қадар Миллий статистика қўмитасига:

(а) Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳар бир маҳалла кесимида кўчалар бўйича хонадонлар ва аҳоли сони тўғрисидаги электрон маълумотларни;

(б) Кадастр агентлиги қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланаётган ташкилотлар рўйхатини электрон шаклда тақдим этсин.

8. Рўйхатга олиш тадбири доирасида қуйидагилар:

(а) давлат органлари ва ташкилотлари 2026 йил 15 январдан 31 январга қадар ўз тизимида фаолият юритаётган барча ходимларнинг census.stat.uz порталида рўйхатдан ўтишини;

(б) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги республикадаги барча ўрта махсус ва касбий таълим ташкилотлари, шунингдек, давлат, нодавлат ва хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиалларида таҳсил олаётган талабаларнинг census.stat.uz порталида рўйхатдан ўтишини;

(в) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон фермерлари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимликлари билан биргаликда фермер хўжаликлари, юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ва асосий фаолияти қишлоқ хўжалиги бўлмаган қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланаётган корхона ва ташкилотларнинг Интернет тармоғи орқали рўйхатдан ўтишини;

(г) Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Дин ишлари бўйича қўмита 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб аҳолининг айрим тоифаларини рўйхатга олиш ишлари 2-иловага* мувофиқ ташкил этилишини таъминласин.

9. Вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган шахсга ва қишлоқ хўжалиги фаолиятига доир маълумотлар рўйхати 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин. Бунда тегишли маълумотлар 2026 йил 15 февралга қадар «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали Миллий статистика қўмитасига тақдим этилади.

10. Рўйхатга олиш тадбири доирасида вазирлик, идора ва тижорат банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳудуд, туман ва шаҳарларга 4-иловага* мувофиқ бириктирилсин, улар зиммасига туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда қуйидаги вазифалар юклатилсин:

(а) туман (шаҳар)ларда рўйхатга олиш штабларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш;

(б) ҳар бир маҳаллада «маҳалла еттилиги» тизимида ишловчи ходимлар томонидан рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишларини ташкил этиш;

(в) туман (шаҳар)ларни рўйхатга олиш ва ҳисоб участкаларига бўлиш

* 2 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бўйича ишлаб чиқилган ташкилий режа асосида рўйхатга олиш тадбирини ташкил этиш ва назорат қилиш;

(г) рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш учун зарур бўладиган бинолар ёки хоналар ажратиш, шунингдек, уларни тегишли моддий-техника базаси ва транспорт воситалари билан таъминлаш;

(д) аҳолининг айрим тоифаларини рўйхатга олиш ишларини тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошириш.

11. Рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича услубий, ташкилий ҳамда маълумотларни қайта ишлаш ва эълон қилиш ишларини амалга ошириш мақсадида:

(а) вазирлик ва идораларда мақбуллаштирилган штат бирликлари ҳисобидан Миллий статистика қўмитаси марказий аппарати бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 14 та штат бирлигига оширилсин;

(б) 2025 йил 1 октябрдан 2026 йил 1 майга қадар ҳудудий статистика бошқармаларининг ҳар бирида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида Миллий статистика қўмитасига 2026 йилда рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан 5 нафардан мутахассис жалб этилсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимликлари:

(а) 2025 йил 10 октябрга қадар ҳудудий комиссиялар таркибини тасдиқласин;

(б) 2025 йил 20 октябрга қадар ҳудудий комиссияларнинг чора-тадбирлар режасини тасдиқласин;

(в) 2025 йил 1 ноябрга қадар:

(i) туман (шаҳар)ларда рўйхатга олиш штаби фаолиятини ташкил этсин ҳамда рўйхатга олиш тадбирида иштирок этадиган асосий ва захира ходимлар рўйхатини шакллантирсин ва тасдиқласин;

(ii) рўйхатга олиш тадбирини ўтказишга жалб этиладиган ходимларни ўқитиш учун мебеллар ва алоқа воситалари билан жиҳозланган вақтинча бино ёки хоналарни ажратсин;

(г) 2025 йил 15 ноябрга қадар ҳудуд, туман (шаҳар)ларни рўйхатга олиш ва ҳисоб участкаларига бўлган ҳолда ташкилий режаларни тасдиқласин;

(д) доимий равишда рўйхатга олиш тадбирининг аҳоли ўртасида кенг ёритилишини ташкил этсин;

(ж) рўйхатга олиш тадбирининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминласин ҳамда бунинг учун амалга оширилаётган ишлар бўйича кунлик назоратни ўрнатсин.

III. Рўйхатга олиш тадбири давомида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпания, Рақамли технологиялар вазирлиги рўйхатга олиш тадбирининг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий

тармоқларда қуйидагиларни инобатга олган ҳолда кенг ёритилишини таъминласин:

(а) республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида махсус кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этиш;

(б) видеороликлар ва ижтимоий рекламаларни телевидениеда намойиш этиш ва ижтимоий тармоқларга жойлаштириш;

(в) СМС-хабарнома юборишни ташкил этиш.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

14. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасида 2026 йилда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишни ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 25 декабрдаги ПҚ–455-сон қарори билан тасдиқланган Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг 2025 — 2027 йиллар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторларига 5-иловага* мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари 6-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

17. Рўйхатга олиш тадбирининг тўғри ташкил этилиши ва самарали ўтказилишига масъул ва шахсий жавобгар этиб Миллий статистика қўмитаси раиси Б.С. Ҳамраев ва қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов белги-лансин.

18. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 сентябрь,
ПФ–173-сон

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 сентябрдаги
ПФ–173-сон Фармонига
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисобланаётган айрим фармонлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–5655-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ–5853-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг 58-позицияси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

547 **Енгил саноат соҳасида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш тўғрисида***

[Кўчирма]

Енгил саноат соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва сифатли амалга ошириш, шу жумладан, тўқимачилик, чарм-пойабзал, ипакчилик ва гиламчилик йўналишида амалга оширилаётган ислохотларни янада жадаллаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Давлат бошқарувини такомиллаштириш

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилсин ва Агентликнинг асосий вазифалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Агентлик тўқимачилик, чарм-пойабзал, ипакчилик ва гиламчилик саноати (кейинги ўринларда — енгил саноат) соҳаларида устувор йўналишларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади.

3. Агентликка юклатилган вазифалар ижросини самарали таъминлаш мақсадида:

(а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат», «Ўзчармсаноат» ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмаларининг Агентлик қошида тажрибали тадбиркорлардан иборат Енгил саноат соҳасида жамоатчилик кенгашини 2-иловага** мувофиқ таркибда тузиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин;

(б) Ўзбекистон — Корея ўқув-амалий тўқимачилик технопарки, Ипакчилик илмий-тадқиқот институти ва Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институтлари амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда Агентлик тизимига ўтказилсин.

4. Агентликка мазкур Фармоннинг 3-банди «б» кичик бандида назарда тутилган ўқув-амалий ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш ваколати берилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, енгил саноат соҳасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда «Ўзтўқимачиликсаноат», «Ўзчармсаноат» ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмалари ҳамда кадрларни тайёрлаш, таълим йўналишлари ва дастурларини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 сентябрда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ўз фаолиятини Агентлик билан ҳамкорликда олиб боради.

6. Агентлик қошида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда бюджетдан ташқари Енгил саноатни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин ва Жамғарма даромадларини шакллантириш манбалари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Агентлик томонидан енгил саноат соҳасидаги корхоналарга Жамғарма маблағлари ҳисобидан 2025 йил 1 октябрдан бошлаб қуйидаги молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари қўлланилиши белгилаб қўйилсин:

(а) халқаро брендларни жалб қилиш, стандартлаштириш ва сертификатлашнинг халқаро тизимларини, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини жорий этиш, экспорт шартномалари бўйича суғурталашни молиялаштириш харажатларини қоплаш ҳамда мутахассисларни ўқитиш учун грантлар ажратиш;

(б) хорижий давлатларда савдо уйлари очиш ва сақлаш, офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш, реклама кампанияларини ташкил этиш билан боғлиқ чет элдаги харажатларининг бир қисмини қоплаш;

(в) хорижий консалтинг компанияларни ва малакали мутахассисларни жалб қилиш, кўргазма стендларини ташкил этиш ва халқаро кўргазма-ярмаркалар, тренинглар ва бизнес-форумларда иштирок этиш харажатларини қоплаб бериш, хорижий ахборот ресурсларида маълумотларни жойлаштиришда молиявий ёрдам кўрсатиш;

(г) енгил саноат корхоналарини, шу жумладан, тайёр тикув-трикотаж, табиий ва сунъий чармдан тайёр пойабзал ва чарм атторлик маҳсулотлари, ипак мато ишлаб чиқарувчи корхоналарни белгиланган тартибда молиявий қўллаб-қувватлаш;

(д) Жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳудудларда ташкил этиладиган енгил саноат корхоналарига қўмаклашиш лойиҳа офисларини сақлаш, жалб қилинадиган хорижий маслаҳатчилар ва консалтинг компаниялари харажатларини қоплаш, Агентлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ҳамкор уюшмалар ҳамда илмий муассасаларни ўрнатилган тартибда молиялаштириш.

8. Агентлик Жамғарма маблағлари ҳисобидан Ўзбек-Корея ўқув-амалий тўқимачилик технопарки негизда:

(а) 2026 йил 1 июлга қадар 24 турдаги текширувлар ўтказиладиган замонавий тўқимачилик лабораториясини ташкил этиш ҳамда уни жиҳозлаш ва халқаро аккредитациядан ўтказишни таъминласин;

(б) уч ой муддатда «Fashion business incubator» лойиҳасини амалга ошириш ҳамда уни молиялаштириш учун дастлабки босқичда 5 млрд сўм ажратиш чораларини кўрсин.

9. Белгилансинки, Жамғарманинг йиллик харажатлари чорақлар кесимида Агентлик томонидан Кенгаш тавсиялари асосида ишлаб чиқилиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилгандан кейин тасдиқланади. Агентлик директорида йиллик харажатлар сметасининг 10 фоизигача миқдорда кейинчалик Кенгашга маълумот киритиш шarti билан ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, олис туманларда саноатни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида 3 — 5 тоифадаги туманларда ишлаб чиқариш филиалини очадиган тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарига филиалда 200 та иш ўрни яратиш ва ойлик ўртача иш ҳақини 2,5 миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда тўлаш шарти билан Жамғармадан:

(а) беш йилга 10 миллиард сўмгача Марказий банк асосий ставкасида кредит берилади;

(б) хориждан жалб қиладиган дизайнер, технолог, конструктор ва маркетинглар ойлигининг бир қисми қоплаб берилади.

II. Молиялаштириш манбалари

11. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Жамғармага 2030 йил 1 январга қадар қайтариш шарти билан йиллик 4 фоиз ставкада 200 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни 2025-2026 йилларда мутаносиб равишда, Жамғарма буюртманомалари асосида босқичма-босқич ажратилишини таъминласин. Бунда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан корхоналарни айланма маблағ билан таъминлаш учун Агентлик томонидан тижорат банкларига молиявий ресурслар ажратилади.

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

(а) мазкур Фармоннинг 7-бандида назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чоралари учун Савдога кўмаклашиш жамғармасига 2025 йилда ажратилган маблағлар ҳисобидан 20 миллиард сўмни бир ҳафта муддатда Жамғармага ўтказсин, келгуси йилларда бюджет параметрларини шакллантиришда ушбу харажатларни назарда тутсин;

(б) Енгил саноат соҳаларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда корхоналарни рақамлаштириш тадбирларини молиялаштириш учун Жамғармага 2026 йилда 50 миллиард сўм, 2027 йилда 100 миллиард сўм миқдорида маблағлар ажратилишини таъминласин.

III. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

13. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Агентлик фаолиятини ташкил этиш ва Енгил саноатни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ҳамда ундан фойдаланиш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тасдиқласин.

14. Агентлик бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Бош вазир ўринбосарлари Ж. Қўчқоров ва Ж. Ходжаев:

(а) икки ой муддатда енгил саноат соҳасини чуқур таҳлил қилган ҳолда юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспортни ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин;

(б) уч ой муддатда:

(i) халқаро консултантларни жалб қилган ҳолда Енгил саноат соҳала-

рини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишларини ишлаб чиқсин;

(ii) чарм-пойабзал, ипакчилик ва гиламчилик саноатини ривожлантириш бўйича қарор лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Агентлик бошқарув ходимларининг чекланган штатлари сони 60 та этиб белгилансин ҳамда мазкур штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 июндаги ПФ–105-сон Фармони 7-банди ижроси доирасида қисқартирилиши белгиланган штат бирликлари ҳисобидан шакллантирилсин.

17. Белгилаб қўйилсинки:

(а) Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

(б) Агентлик директори, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари мақоми, тиббий ва транспорт хизмат кўрсатиш шартлари бўйича тегишли равишда вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

(в) Агентлик ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш қонунчиликда белгиланган разрядларга асосан бошқарув ходимларининг лавозим машини аниқлашда тариф коэффициентлари 1,8 бараварга оширилган ҳолда қўлланилади.

18. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

(а) икки ҳафта муддатда Агентлик фаолиятини ташкил қилиш учун талаб қилинадиган маблағларни 2025 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг тасдиқланган параметрлари доирасида ажратсин ҳамда Агентликнинг 2025 йилга мўлжалланган харажатлар сметасини тасдиқласин;

(б) Жамғарма маблағлари ҳисобидан Агентлик томонидан тақдим этилган ҳисоб-китобларга асосан Агентликни хизмат автомашинаси, мебель, компьютер ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш учун маблағ ажратсин;

(в) 2026 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Агентлик фаолиятини молиялаштириш учун зарур маблағларни кўзда тутсин.

19. Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Мустақиллик шоҳ кўчаси 109-уй манзилидаги бино моддий-техник базаси билан биргаликда Агентликка оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилсин.

20. Миллий статистика қўмитаси ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш ва маҳсулотлар балансини ишлаб чиқиш мақсадида корхоналар ва маҳсулотлар кесимида статистик маълумотларни Агентликка тақдим этиб борсин.

21. Ташқи ишлар вазирлиги Агентлик буюртманомаларига асосан жалб этиладиган чет эллик мутахассислар ва халқаро консультантларнинг кириш визалари консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 4-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

23. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ж.А. Ходжаев белгилансин.

24. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 сентябрь,
ПФ–174-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 сентябрдаги
ПФ–174-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

Енгил саноатни ривожлантириш агентлигининг АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

1. Юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш йўналишида:

(а) бўяш, мато ва газлама тўқиш, тўкув, бўёк ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватларини оширишга шарт-шароит яратиш, ўзаро кооперация тизимини рағбатлантириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни ошириш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш;

(б) тўқимачилик, чарм-пойабзал, ипакчилик ва гиламчилик соҳаларида, шу жумладан, ривожланаётган туман ва шаҳарларда, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва саноат кооперацияси учун шарт-шароит яратиш;

(в) соҳада илмий ёндашувларни жорий этиш ва малакали мутахассисларни (технолог, инженер, дизайнер, дастурчи ва бошқалар) жалб қилишда ташкилий ва молиявий кўмак кўрсатиш.

2. Экспортни оширишни рағбатлантириш йўналишида:

(а) маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, халқаро кўرғазмаларда иштирок этиш, истиқболли тайёр маҳсулотлар билан янги бозорларга чиқиш;

(б) енгил саноат соҳасига хорижий сорсинг компаниялар ва халқаро брендларни жалб қилиш, миллий брендларни ривожлантириш, шу жумладан, «Made in Uzbekistan» бренди шаклланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

(в) халқаро сифат, экологик, бошқарув ва ижтимоий сертификатларни корхоналарга жорий этиш, замонавий лабораторияларни ташкил этиш, жиҳозлаш ва халқаро аккредитациядан ўтказишга кўмаклашиш чораларини кўриш;

(г) логистикага қўмаклашиш ва етказиб бериш харажатларини мақбуллаштириш бўйича хорижий ташкилотлар билан ишларни ташкил этиш, истиқболли бозорларда (Европа Иттифоқи, АҚШ ва бошқалар) экспорт ташқи инфратузилмаси, жумладан, савдо уйлари, дўконлар ва омборхона ташкил этиш ва электрон савдо платформалари орқали экспортни оширишга қўмаклашиш;

(д) халқаро жамоат ташкилотлари ва брендларни Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатнинг бартараф этилгани ҳақида кенг хабардор қилиш, «Better work», «FWF» ва «BCI» каби дастурлар ҳамда стандартларни жорий этишни кенгайтириш.

3. Инвестицияларни жалб қилиш йўналишида:

(а) ишлаб чиқариш занжиридаги бўшлиқларни тўлдириш (тўқимачиликда тўқув ва бўёқ-пардозлаш, чарм-пойабзал ва ипак саноатида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш)га қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш;

(б) сунъий ва аралаш хомашёдан маҳсулотлар, аксессуар ва фурнитура, бўёқ ва кимёвий воситалар ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаларга инвесторларни жалб қилиш;

(в) Европа, Туркия, Хитой ва бошқа хорижий давлатлар корхоналари ҳамда бренд компанияларининг ишлаб чиқариш қувватларини релокация қилиш бўйича инвесторлар билан ишлаш.

4. Соҳа корхоналарининг молиявий ҳолатини яхшилаш ва замонавий бошқарув усулларини жорий этиш йўналишида:

(а) соҳада узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатаётган, молиявий барқарор ва доимий иш ўринларини яратган корхоналарни доимий қўллаб-қувватлаб бориш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

(б) маҳсулот таннархини тушириш, жумладан, ишлаб чиқаришни рақамлаштириш, ахборот тизимларини кенг жорий қилиш, энергия самарадорлигини оширишни қўллаб-қувватлаш;

(в) молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини (IFRS) жорий қилиш, амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларига халқаро молия институтлари ва хорижий банклардан тўғридан-тўғри кредитлар ҳамда инвестицияларни жалб қилишга қўмаклашиш;

(г) соҳада экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) принципларини жорий этиш орқали маҳсулот сифатини ҳамда меҳнат шароитларини яхшилашга шароитлар яратиш.

5. Маҳаллий ва хорижий бозорларнинг ҳолати ҳамда ривожланиш тенденцияларини ўз ичига қамраб олган таҳлилий материалларни доимий эълон қилиб бориш асосида соҳа корхоналарига қўмаклашиш.

6. Агентлик тасарруфига ўтказилаётган ўқув-амалий ва илмий-тадқиқот муассасаларини «Ўзтўқимачиликсаноат», «Ўзчармсаноат» ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмалари ҳамда тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал, ипакчилик ва гиламчилик саноати корхоналари билан манфаатли ҳамкорлигини ва ўзаро тажриба алмашувини йўлга қўйиш.

7. Енгил саноат соҳасида грант, ижтимоий буюртма ва бошқа қонунчи-

ликда тақиқланмаган молиялаштириш механизмлари орқали дастурлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга жамоат бирлашмаларини уларнинг розилигига кўра жалб этиш.

8. Енгил саноат соҳасида Агентликка юклатилган вазифаларни «Ўзтўқимачиликсаноат», «Ўзчармсаноат» ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмалари ҳамда кадрларни тайёрлаш, таълим йўналишлари ва дастурларини ишлаб чиқиш, илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти билан ҳамкорликда амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 сентябрдаги
ПФ–174-сон Фармониغا
3-ИЛОВА

Енгил саноатни қўллаб-қувватлаш жамғармаси даромадларини шакллантириш манбалари

1. Тижорат банклари орқали корхоналарни айланма маблағ билан таъминлаш учун молиявий ресурслар ажратиш мақсадида Жамғарма буюртма-номалари асосида Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан босқичма-босқич ажратиладиган 200 миллион АҚШ доллари.*

2. Давлат бюджетидан белгиланган тартибда ўтказиб бериладиган, жумладан, корхоналарни қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар.

3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг грантлари.

4. Қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

* Ушбу маблағларни банк депозитларига жойлаштириш тақиқланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**548 Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда молиявий ҳисоб тизимига халқаро стандартларни кенг жорий қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ–16-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Молиявий ҳисоботларни тузишда аниқлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича кўрилган чоралар натижасида йирик корхоналарнинг молиявий ҳисоботлари Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (International Financial Reporting Standards (IFRS), кейинги ўринларда — МҲХС) асосида тузишга ўтилгани, молиявий ҳисобнинг миллий тизимини халқаро талабларга уйғунлаштиришга эришилгани, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича тизимли чоралар кўриляётгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг молиявий ҳисоб тизимига халқаро талаб ва стандартларни жорий этишга қаратилган ислохотларни давом эттиришнинг навбатдаги босқичи сифатида жамият ва иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбиркорлик субъектларига нисбатан уларнинг молиявий ҳисоботлари, аудити ва бошқарувига алоҳида талаблар белгиланган Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар (Public interest entities — PIE) ҳуқуқий мақомини жорий қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий қилиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) 1-иловага** мувофиқ таркибда тузилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) мамлакатимизда МҲХСни сифатли жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларига мазкур жараёнда услубий кўмак кўрсатиш бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

(б) миллий қонунчилик ҳужжатларини МҲХСга мослаштириш бўйича манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ҳамкорлигини таъминлаш ва зарур ҳуқуқий механизмларни шакллантириш;

(в) халқаро таълим стандартлари асосида МҲХС бўйича кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва уларни амалиётга жалб этишнинг тизимли чораларини белгилаш;

(г) молиявий ҳисобот сифатини ошириш, унинг халқаро даражада тан олинишини таъминлаш ва мамлакат инвестициявий жозибдорлигини кучайтириш.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Республика комиссияси (Ж. Қўчқоров) мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб ўн кун муддатда:

(а) мамлакатимиз молиявий ҳисоб тизимига халқаро талаб ва стандартларни жорий этишни янада кенгайтириш бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг вазифаларини белгилаб берсин;

(б) Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар тоифасига кирувчи тадбиркорлик субъектлари билан тизимли ишлаш бўйича аниқ режаларни ишлаб чиқсин ва амалга ошириш чораларини кўрсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

(а) фаолият тури ва (ёки) активлари миқдори туфайли юқори ижтимоий ва иқтисодий таъсирга, шунингдек, кенг доирадаги манфаатдор томонларга эга бўлиш каби мезонларга жавоб берадиган тадбиркорлик субъектлари Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар тоифасига киритилади. Бунда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар тоифасига киритиш мезонларини белгилаб беради;

(б) белгиланган мезонларга жавоб берадиган тадбиркорлик субъектлари ҳар йили 1 июлга қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан, Марказий банк назорати остидаги ташкилотлар эса Марказий банк тарафидан Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар реестрига (кейинги ўринларда — Реестр) киритилади;

(в) 2026 йил 1 январдан бошлаб Реестр Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан электрон шаклда юритилади ва ҳар йили 1 июлга қадар Ҳукумат портали ягона платформаси ҳамда Очик маълумотлар порталига жойлаштирилади;

(г) Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар Реестрга киритилган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ҳамда навбатдаги (иккинчи) йил якунига кўра молиявий ҳисоботларни тузиш ва уларни аудиторлик хулосалари билан бирга эълон қилишни МҲХСга мувофиқ амалга оширади, қонунчилик ҳужжатларида МҲХСга ўтишнинг эртaroқ муддатлари назарда тутилган юридик шахслар бундан мустасно;

(д) 2026 — 2028 йиллар давомида бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасидаги тегишли фан бўйича имтиҳонни муваффақиятли топширган фуқароларнинг дастлабки рўйхатдан ўтиш ва имтиҳон топшириш харажатлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан қоплаб берилади.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) ҳисобот йилида ихтиёрий равишда МҲХСга ўтишга қарор қилган юридик шахслар кейинги ҳисобот йилининг 1 мартига қадар солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали солиқ органларига МҲХСга ўтиш санасини кўрсатган ҳолда тегишли хабарнома юборади;

(б) МҲХС талаби асосида консолидациялашган молиявий ҳисоботни шакллантираётган юридик шахслар МҲХСга мувофиқ ўзининг алоҳида молиявий ҳисоботини ҳам тузади.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Марказий банк, Солиқ қўмитаси,

Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги билан биргаликда:

(а) МХХСни биринчи марта қўллаётган тадбиркорлик субъектларига услубий ёрдам кўрсатишни, ўзларининг расмий веб-сайтларида бу борада зарур ахборот мунтазам жойлаштириб борилишини таъминласин;

(б) Жамоат аҳамиятига эга ташкилотларда аудит қўмитасини ташкил этиш бўйича услубий кўмак бериб борсин.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

(а) уч ой муддатда:

(i) Реестрни шакллантириш ва юритиш тартибини;

(ii) Марказий банк билан биргаликда Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар тоифасига киритиш мезонларини, шунингдек, уларнинг молиявий ҳисоботлари ва аудитига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

(б) Реестрнинг сифатли юритилишини ва унга зарур ўзгартиришлар ўз вақтида киритиб борилишини таъминласин. Бунда Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан МХХС асосида ҳисоб юритувчи давлат иштирокидаги ташкилотлар рўйхати Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этиб борилади.

9. Молиявий ҳисоб тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

(а) 2025 йил 31 декабрга қадар:

(i) «Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тўғрисида»ги қонун лойиҳасини;

(ii) бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасидаги фанлар бўйича имтиҳонни муваффақиятли топширган фуқароларнинг дастлабки рўйхатдан ўтиш ва имтиҳон топшириш харажатларини Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан қоплаш бўйича вақтинчалик тартиб лойиҳасини;

(б) 2026 йил 1 мартга қадар:

(i) Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини Кичик ва ўрта бизнес учун МХХСга уйғунлаштирган ҳолда Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларини жорий этиш бўйича таклифларни;

(ii) Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини 2026 — 2030 йилларда ривожлантириш концепциясини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4611-сон қарорига 3-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Белгилансинки, мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

15. Қарор ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 15 сентябрь,
ПҚ–282-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

549 Республиканинг ҳудуд, соҳа ва тармоқларида рақамли технологиялар жорий этилишини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

«Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясига мувофиқ, шунингдек, давлат органлари ва иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг фаолиятини рақамли трансформациялаш, кўрсатилаётган электрон хизматлар кўламини кенгайтириш, ҳудудларда рақамли технологияларни янада ривожлантириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Устувор йўналишлар

1. Қуйидагилар «Рақамли ҳукумат» тизимини 2025-2026 йилларда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

(а) «Рақамли ҳукумат» дастури доирасида 41 та устувор лойиҳани ишга тушириш, электрон давлат хизматлари улушини 70 фоизга етказиш ҳамда маҳаллаларда 30 турдан ортиқ давлат хизматларини кўрсатиш;

(б) ҳудудларда телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, жумладан 66 минг км оптик толали алоқа линиясини ўтказиш, 2 284 та таянч станцияни ишга тушириш, 100 дан ортиқ ахборот тизимини жорий этиш;

(в) аҳоли ва тадбиркорлар учун 100 дан ортиқ турдаги электрон хизматларни жорий этиш, шу жумладан 10 турдаги давлат хизматини проактив ва композит шаклга ўтказиш, 19 та ҳаётий вазиятда фуқароларга автоматик тарзда хабар юбориш.

II. Ҳудудларда аҳолига электрон хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш

2. Белгилаб қўйилсинки:

(а) 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб киберхавфсизлик талабларига риоя этган ҳолда мобил алоқа операторлари, тижорат банклари, тўлов ташкилотларига мобил иловалар орқали Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги (кейинги ўринларда — Ягона портал) пулли электрон давлат хизматларини кўрсатиш имконияти яратилади;

(б) 2025 йил 1 декабрдан бошлаб нодавлат нотижорат ташкилотларига «Рақамли ҳукумат» тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали белгиланган тартибда электрон идоралараро ҳамкорликни амалга оширишга рухсат берилади;

(в) 2026 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича мурожаати, маҳаллалардаги оилалар ва аҳоли маълумотларини юритиш ҳамда маҳаллаларда аҳоли билан ишлаш жараёнлари «Рақамли маҳалла» платформаси орқали амалга оширилади.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 17 сентябрда эълон қилинган.

3. Худудларда маҳалла ва манзиллар бўйича маълумотларни юритишда ягона ёндашувни йўлга қўйиш мақсадида:

(а) Рақамли технологиялар вазирлиги Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан биргаликда:

(i) 2025 йил 15 октябрга қадар маҳалла фуқаролари йиғинининг ягона идентификатори сифатида кадастр рақамини қўллаган ҳолда «Рақамли ҳукумат» тизимининг Маҳаллаларнинг марказлашган реестри ишга туширилишини;

(ii) 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб Маҳаллаларнинг марказлашган реестри давлат органлари ва ташкилотларининг «Рақамли ҳукумат» тизими билан интеграциялашган ахборот тизимлари ва ресурсларида мажбурий тарзда қўлланилишини;

(б) Кадастр агентлиги 2026 йил 31 декабрга қадар кўчмас мулк объектларининг барча маълумотлари «UZKAD» ахборот тизимига ўтказилишини, шунингдек, Бутунжаҳон геодезия координаталари тизимига (WGS-84) боғланган ягона давлат манзил реестрининг шакллантирилишини таъминласин.

III. Соҳа ва тармоқларни рақамлаштириш

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

(а) ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш соҳаларида:

(i) 2026 йил 1 майдан бошлаб ногиронликни белгилаш (болалиқдан ногиронлиги бўлган, I ва II гуруҳ ногиронлари) бўйича давлат хизматини кўрсатишда фуқароларга тиббиёт муассасаларига имтиёзли даволаниш учун бериладиган йўлланмани шакллантириш ва электрон навбатга қўйиш композит шаклда амалга оширилади;

(ii) 2026 йил якунига қадар «Рақамли соғлиқни сақлаш» платформасига интеграциялашган, тиббий кўрик жараёнида шифокор нутқини автоматик равишда баёнлаштирувчи овозли ёрдамчи ҳамда беморларга ташхис қўйишда шифокорга кўмаклашувчи сунъий интеллект технологияларига асосланган «Шифокорнинг рақамли ёрдамчиси» дастури ишга туширилади;

(б) таълим соҳасида:

(i) 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб давлат олий таълим муассасалари талабаларига ойлик ижара тўловининг бир қисмини қайтариш бўйича Ягона портал орқали мурожаат қилиш имконияти яратилади;

(ii) 2026 йил 1 январдан бошлаб ўрта махсус, касбий ва олий таълим ташкилотларида таълим жараёни билан боғлиқ давлат хизматларини Ягона портал орқали кўрсатиш йўлга қўйилади;

(в) сув хўжалиги соҳасида 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб фермер ва деҳқон хўжалиги ҳамда тадбиркорлик субъектларига сув тақсимлаш билан боғлиқ барча маъмурий тартиб-таомиллар «Сув ҳисоби» сув ресурсларини бошқариш ягона тизими орқали фақат электрон шаклда амалга оширилади;

(г) 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб транспорт воситасига газ балони ўрнатилганлигига оид маълумотларни электрон шаклда юритиш орқали транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштириш тартиби бекор қилинади;

(д) 2026 йил 1 январдан бошлаб Ягона портал орқали чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи бўйича бир йилгача бўлган муддатга вақтинча рўйхатга олиш амалиёти жорий этилади.

5. Рақамли технологиялар вазирлиги Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги билан биргаликда 2026 йил 1 декабрга қадар таълим, соғлиқни сақлаш ва суғурта соҳаларида маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиясини жорий этсин.

IV. «Рақамли ҳукумат» экотизимини такомиллаштириш

6. Рақамли технологиялар вазирлиги 2026 йил 1 декабрга қадар, жумладан қуйидаги имкониятларга эга «Рақамли ҳукумат» тизимининг «OASIS» (Ўзбекистон ахборот системаларининг интеграцион сервис) ягона рақамли платформасини ишлаб чиқсин:

(а) давлат ахборот тизимларини яратиш ва ривожлантиришда ягона технологик ёндашувни таъминлаш;

(б) модулларга асосланган технологиялар ёрдамида ахборот тизимларини яратиш жараёнларини мақбуллаштириш;

(в) давлат ахборот тизимларининг мослашувчанлиги, хавфсизлиги ва самарадорлигини ошириш.

7. Белгилансинки:

(а) «Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси «Рақамли ҳукумат» тизимининг «OASIS» ягона рақамли платформасининг оператори ҳисобланади;

(б) «OASIS» ягона рақамли платформасини ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатлар Рақамли технологиялар вазирлиги ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

8. Рақамли технологиялар вазирлигига республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотларда рақамли технологияларни жорий этиш тизимини такомиллаштириш мақсадида IT-аудитни ўтказиш ҳамда тизимни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бўйича қўшимча вазифалар юклансин.

V. Рақамли индустрияни қўллаб-қувватлаш

9. Белгилансинки, 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб:

(а) «Рақамли стартаплар» дастури ва (ёки) Марказий банкнинг «тартибга солиш қумдони»да иштирок этувчи стартап лойиҳаларга «Рақамли ҳукумат» тизимининг Рақамли маълумотлар платформасидан ахборот хавфсизлиги талаблари ва белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда бир йил муддатга қадар бепул фойдаланиш имконияти тақдим этилади;

(б) Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари (консуллик муассасалари) орқали жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини олган IT-парк резидентларининг хорижий мутахассислари учун масофадан туриб банк ҳисобварақлари ҳамда виртуал банк карталарини очишга рухсат берилади.

10. 2026 йил 1 январдан бошлаб IT-парк резидентларига қуйидагиларга рухсат этилсин:

(а) реклама хизматлари ва дастурий таъминотдан фойдаланишга бўлган обуналар учун корпоратив банк карталари орқали тўловларни календарь йил давомида экспорт тушумлари доирасида, бироқ 500 минг АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда амалга ошириш. Бунда:

(i) реклама Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилган 100 миллиондан ортиқ аудиторияга эга ахборот ресурслари ва тизимлари (шу жумладан, веб-сайтлар, платформалар, ресурслар, мессенджерлар ва ижтимоий тармоқлар)да жойлаштирилиши талаб этилади;

(ii) реклама хизматлари ва дастурий таъминотдан фойдаланиш обунаси бўйича оммавий оферта ва инвойслар, шунингдек, тўловлар тўғрисидаги маълумотлар «E-contract» ташқи савдо ахборот тизимига киритилади;

(iii) умумий суммаси 5 минг АҚШ долларигача бўлган оммавий оферта, инвойс ва тўловлар тўғрисидаги маълумотлар «E-contract» ташқи савдо ахборот тизимига киритилиши талаб этилмайди ҳамда ушбу харажатлар дебиторлик қарз сифатида ҳисобга олинмайди;

(б) яратган дастурий маҳсулоти обунаси учун хорижий давлатлардан келиб тушадиган тўловларни «E-contract» ташқи савдо ахборот тизимига киритмаган ҳолда оммавий оферта орқали қабул қилиш.

VI. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

11. Қуйидагилар:

(а) 2025-2026 йилларда ҳудудларни рақамли трансформация қилиш бўйича устувор лойиҳалар рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

(б) 2025-2026 йилларда соҳа ва тармоқларни рақамлаштириш бўйича устувор лойиҳалар рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

(в) 2025-2026 йилларда «Рақамли ҳукумат» тизимини янада ривожлантириш бўйича «йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ;

(г) Давлат органлари ахборот тизимлари билан интеграция қилиш орқали Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жорий этиладиган хизматлар рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

(д) Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳаётий вазиятлар юзага келганда фойдаланувчиларга автоматик тарзда юбориладиган электрон хабарномалар рўйхати 5-иловага* мувофиқ;

(ж) Ягона интерактив давлат хизматлари порталида янги жорий этиладиган, шунингдек, композит шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхати 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 7-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Рақамли технологиялар вазирлиги уч ой муддатда қонунчилик ҳуж-

* 1 — 7-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов белгилансин.

15. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 16 сентябрь,
ПҚ–286-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

550 **Ерга оид муносабатларда коррупциявий омилларни бар-
гараф этиш механизмларини янада такомиллаштириш
бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Ер участкаларидан самарали фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш, ерлар, айниқса, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар талон-торож қилинишининг ҳамда ер соҳасидаги коррупцион омилларнинг олдини олиш чоралари натижадорлигини ошириш, соҳада назоратни амалга оширишда инсон омилини камайтириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар ушбу қарорни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб белгилансин:

(а) ер участкаларидан самарали фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш, ерлар, айниқса, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар талон-торож қилинишининг олдини олиш, мазкур жараёнларга ахборот технологияларини кенг жорий қилиш орқали соҳада рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш;

(б) ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳамда бундай ерларда ноқонуний қурилмалар қуришнинг олдини олиш борасида рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш орқали ягона назорат тизимини жорий этиш ҳамда ваколатли идоралар ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш;

(в) ерлардан самарали фойдаланиш, улар ўзбошимчалик билан эгаллаб олиншининг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш.

II. Янги тартиб-таомиллар

2. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

(а) давлат ер назорати Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — «Ўзагроинспекция»), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда — Кадастр агентлиги), Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (кейинги ўринларда — Экология вазирлиги), Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда — Қурилиш вазирлиги), Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — махсус ваколатли давлат органлари) томонидан амалга оширилиши;

(б) «E-YER NAZORAT» автоматлаштирилган ахборот тизимига (кейинги ўринларда — «E-YER NAZORAT» тизими) ер муносабатларига оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида киритиш ва ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида маълумотларни

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 19 сентябрда эълон қилинган.

жойлаштириш учун Кадастр агентлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, «Ўзагроинспекция», Экология вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси, Мажбурий ижро бюроси ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари масъул ҳисобланиши.

3. Белгилансинки:

(а) Кадастр агентлигининг «E-YER NAZORAT» тизими давлат ер назоратини юритишнинг ягона электрон платформаси ҳисобланади;

(б) 2026 йил 1 январь санасидан бошлаб махсус ваколатли давлат органларининг ер қонунчилигига риоя қилмаслик, жумладан, ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш, ўзбошимчалик билан бино ва иншоотларни қуриш ҳолатларини барвақт аниқлаш, уларга тегишли чоралар кўришга оид вазифа ва функциялари фақатгина «E-YER NAZORAT» тизими орқали амалга оширилади;

(в) космик суратларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш орқали аниқланган ерга оид қонунбузарлик эҳтимоли юқори бўлган ҳолатлар бўйича маълумотлар «Рақамли ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали «E-YER NAZORAT» тизимига юборилади.

Бунда «Ўзбеккосмос» агентлиги давлат космик мониторингини амалга ошириш бўйича тасдиқланган лойиҳалар доирасида ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш, бундай ерларда ноқонуний қурилмалар қуриш ҳолатларини бир йилда икки маротаба Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан аэрокосмик мониторинг орқали аниқлайди;

(г) манфаатдор вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қўшимча аэрокосмик мониторинг ўтказилиши мумкин;

(д) аэрокосмик мониторингни амалга ошириш учун зарур маълумотлар тегишли вазирлик ва идоралар томонидан белгиланган тартибда «Ўзбеккосмос» агентлигига беғараз тақдим этилади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимликлари ва Кадастр агентлигининг ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш, ўзбошимчалик билан бино ва иншоотларни қуриш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик даражасига қараб қуйидагича ҳудудларга бўлиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

(а) «қизил» тоифадаги ҳудуд — ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳамда ўзбошимчалик билан бино ва иншоотларни қуриш эҳтимоли юқори ҳудудлар;

(б) «сарик» тоифадаги ҳудуд — ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳамда ўзбошимчалик билан бино ва иншоотларни қуриш эҳтимоли ўрта ҳудудлар;

(в) «яшил» тоифадаги ҳудуд — ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳамда ўзбошимчалик билан бино ва иншоотларни қуриш эҳтимоли паст ҳудудлар.

Кадастр агентлиги махсус ваколатли давлат органлари билан биргаликда

уч ой муддатда ҳудудларни «қизил», «сарик» ва «яшил» тоифаларга бўлиш мезонлари ва уларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда «қизил» тоифадаги ҳудудларда махсус дронлардан фойдаланган ҳолда ҳар чорақда камида бир маротаба, «сарик» тоифадаги ҳудудларда махсус самолёт ёрдамида ҳар олти ойда камида бир маротаба мониторинг кузатувлари олиб борилиши, аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари бартараф этилгунга қадар махсус ваколатли давлат органларининг асосий куч ва воситалари сафарбар этилиши назарда тутилсин.

5. «Ўзбеккосмос» агентлиги томонидан амалга ошириладиган космик мониторинг натижаларида аниқланган ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳамда ўзбошимчалик билан бино ва иншоотларни қуриш эҳтимоли юқори бўлган ҳолатларга оид дастлабки маълумотлар «E-YER NAZORAT» тизими орқали қўйидагича:

(а) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифаси бўйича — «Ўзагроинспекция»га;

(б) муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган ерлар, устувор равишда экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш мақсадларида фойдаланиладиган ерлар, ўрмонлар, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ташкил этилган зоналар, табиий сув ҳавзалари, хавfli чиқиндилар кўмилган ҳамда сақланаётган махсус омбор ва чиқинди полигонларига мўлжалланган ерлар бўйича — Экология вазирлигига;

(в) биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга тақиқлар (чекловлар) белгиланган зоналарда ушбу ишларни бажариш ёки аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларига, уларни режалаштириш ва қуриш лойиҳаларига зид равишда (бош режаларда назарда тутилмаган) бинолар ва иншоотларни лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш ва қуриш ҳолатлари бўйича — Қурилиш вазирлигига;

(г) кўп квартирали уйдаги жойларнинг мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилган кўп квартирали уйга туташ ер участкалари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси рухсатномаси талаб этиладиган қурилиш объектлари бўйича — Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясига;

(д) қолган барча тоифалар бўйича — Кадастр агентлигига манзилли тақдим этиб борилади.

Бунда келиб тушган маълумотлар махсус ваколатли давлат органлари томонидан ўрганилиб, ваколат доирасида тегишли чоралар кўрилади ёки ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ваколатига эга органга юборилади.

«E-YER NAZORAT» тизимига келиб тушган маълумотлар махсус ваколатли давлат органлари томонидан асоссиз қайтарилишига йўл қўйилмайди.

6. Кадастр агентлиги махсус ваколатли давлат органлари билан биргаликда уч ой муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи давлат ер назоратини юритишда «E-YER NAZORAT» тизимидан фойдаланиш тартиби ҳақидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин:

(а) ерга оид қонунбузилиш ҳолатларини давлат космик мониторинг натижаларини қайта ишлаш орқали аниқлаш ҳамда маълумотларни «E-YER NAZORAT» тизими орқали махсус ваколатли давлат органларига электрон шаклда манзилли юбориш тартибини;

(б) махсус ваколатли давлат органлари томонидан «E-YER NAZORAT» тизимида ерга оид қонунбузилиш ҳолатлари тўғрисидаги ишларни юритиш, давлат ер назорати ҳужжатларини расмийлаштириш, кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш ёки «E-YER NAZORAT» тизими орқали ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ваколатига эга органга юбориш тартибини. Бунда давлат ер назорати тўғрисидаги ишларни планшет ва компьютер ёрдамида расмийлаштириш назарда тутилсин;

(в) «E-YER NAZORAT» тизимига юборилган маълумотларни махсус ваколатли давлат органларига тегишлилиги бўйича автоматик тарзда тақсимлаш имкониятларини;

(г) ерга оид қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш ва улар юзасидан ўтказилган давлат ер назорати тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни (ёзма кўрсатма, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, жарималарни қўллаш тўғрисидаги қарорлар ва суд қарорлари ва ҳоказо) тўплаш, сақлаш ва таҳлил қилиш қондаларини;

(д) давлат ер назорати тўғрисидаги маълумотларнинг ягона марказлаштирилган электрон тизимини юритиш тартибини.

7. «E-YER NAZORAT» тизимини тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан тўғридан-тўғри интеграция қилиш бўйича «Йўл харитаси» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Махсус ваколатли давлат органлари ерга оид ҳуқуқбузарликларни аниқловчи инспекторларнинг фаолиятини тўлиқ рақамлаштириб, махсус планшетлар ва ёнкамералар билан жиҳозланишини таъминласин.

9. «E-YER NAZORAT» тизимини сифатли ва узлуксиз фаолият кўрсатишини ҳамда махсус ваколатли давлат органларининг тизимдан самарали фойдаланишларини таъминлаш бўйича масъул орган этиб Кадастр агентлиги, «E-YER NAZORAT» тизимининг оператори этиб «Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази» давлат муассасаси белгилансин.

2026 йил 1 январдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ махсус ваколатли давлат органларининг ер қонунчилигига риоя қилмаслик, жумладан, ерлардан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳамда ўзбошимчалик билан бино ва иншоотларни қуриш ҳолатларини барвақт аниқлаш, уларга тегишли чоралар кўриш доирасида аниқлаган ҳуқуқбузарликлар бўйича ундирилган жарималарнинг 2 фоизи «E-YER NAZORAT» тизими операторига йўналтирилади.

10. Кадастр агентлиги Рақамли технологиялар вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Мажбурий ижро бюроси билан биргаликда «E-YER NAZORAT» тизимини Ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими (edo.ijro.uz), «E-ma'muriy ish», «Adolat», «E-material» аҳо-

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рот тизимлари, Ижро иши юритувлари ягона электрон базаси билан интеграция қилишни таъминласин.

11. Белгилансинки:

(а) «E-YER NAZORAT» тизимини юритишда давлат ер назорати тўғрисидаги ишлар бўйича гувоҳ, жабрланувчи, холис ва ҳуқуқбузар уларнинг электрон рақамли имзосидан (бармоқ изи ёки график имзо) фойдаланган ҳолда идентификация қилинади ҳамда ишни кўриб чиқаётган махсус ваколатли давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан назорат тадбири натижаси тўғрисидаги ишлар ва ишга тааллуқли ҳужжатлар QR код билан тасдиқланади;

(б) давлат ер назорати тўғрисидаги ишлар бўйича электрон шаклдаги маълумотлар архивини (иш ҳужжатларининг электрон шаклини) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақлаш Кадастр агентлиги томонидан амалга оширилади;

(в) «E-YER NAZORAT» тизимидаги маълумотлар махсус ваколатли давлат органларининг мансабдор шахслари фойдаланадиган маълумотлар ҳисобланади ҳамда мазкур мансабдор шахслар «E-YER NAZORAT» тизимидаги маълумотлар билан фақат қонунчилик ҳужжатлари асосида зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун танишиши ва фойдаланиши мумкин.

12. Кадастр агентлиги махсус ваколатли давлат органлари билан бирга-лиқда икки ой муддатда ерга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида:

(а) жисмоний ва юридик шахслар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари, ҳоким ёрдамчиларига қурилиши бошланган ҳар қандай бино ёки иншоотларнинг қонунийлигини аниқлаш, ерлардан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳамда ўзбошимчалик билан бино ва иншоотларни қуриш бўйича махсус ваколатли давлат органларига «E-YER NAZORAT» тизими орқали хабар ва сўров юбориш имкониятларини яратсин ва бундай имкониятлар ҳақида аҳолига оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишларини амалга оширсин;

(б) ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, ажратилган ер участкасига туташ бўлган ва туташ бўлмаган ер участкаларида қурилиш ишларини амалга ошириш, суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаганлик ҳолатлари бўйича ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича тузилган баённомани «E-YER NAZORAT» тизими орқали махсус ваколатли давлат органига юбориш имкониятини яратсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари:

(а) ҳар чоракда ерга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, бартараф этиш ва барвақт олдини олиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини муҳокама қилган ҳолда тегишли чора-тадбирлар белгилаб борсин;

(б) ҳар бир туман (шаҳар)нинг «қизил» ва «сарик» тоифадаги маҳалла-

ларида камида иккитадан маҳаллани ерга оид ҳуқуқбузарликлардан холи худудга айлантириш чораларини кўриб борсин.

14. Ер майдонларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш, ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаш ва бундай ерларда ноқонуний қурилмалар қурилишининг олдини олиш ҳамда бу борада коррупцион омилларга барҳам бериш, самарали мониторингни амалга ошириш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзагроинспекция» ва Кадастр агентлигининг электрон дастур ва платформалари прокуратура органларининг электрон дастурлари билан интеграция қилинсин. Бунда:

(а) прокуратура органларига Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзагроинспекция» ва Кадастр агентлигининг ахборот тизимлари ва ресурсларига мөнеликсиз кириш, улардаги электрон маълумот, ҳужжат ва материалларни кўриш, мониторинг қилиш, ўрганиш учун электрон ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олиш имкониятлари яратилсин;

(б) ушбу идораларнинг ахборот тизимлари орқали бажариладиган ишларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлашга прокуратура органлари масъул этиб белгилансин ҳамда бу борада аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари бўйича ўз вақтида таъсир чораларининг кўрилиши ва прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиши таъминлансин.

III. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

15. Кадастр агентлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги директори Ф. Пулатов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агротранспорт мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғи А. Вахабов, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А. Абдухакимов, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Ш. Хидоятлов, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси раҳбари С. Эшқувватовлар белгилансин.

17. Қарор ижросини ҳар чорак муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Ш. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 18 сентябрь,
ПҚ-287-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

551 Коррупцияга қарши курашиш соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини янада кенгайтириш ва илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида*

Жамиятда коррупция ҳолатларига сабаб бўлаётган омилларни аниқлаш ва илмий жиҳатдан тадқиқ этиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини янада кенгайтириш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси қоидаларини ҳамда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш, шунингдек, 2025 йил 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг кенгайтирилган йиғилишида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Устувор вазифалар

1. Қуйидагилар коррупцияга қарши курашишни илмий асосда ташкил этиш, соҳада фуқаролик жамияти институтлари иштирокини янада кенгайтириш ва илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлашнинг устувор вазифалари этиб белгилансин:

(а) коррупцияга қарши курашиш фаолиятида илмий ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш;

(б) коррупцияга қарши курашиш ишларининг натижадорлиги ва самарадорлигини ҳар бир соҳа ва ҳудуд кесимида таҳлил қилиш тизимини жорий этиш;

(в) коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тадқиқотларга маҳаллий ва хорижий етакчи олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот ташкилотларини кенг жалб этиш, қўшма илмий тадқиқотлар олиб бориш, илғор тажриба алмашиш борасида ҳамкорликни йўлга қўйиш;

(г) коррупцияга қарши курашишнинг энг долзарб масалалари бўйича комплекс социологик, илмий ва амалий тадқиқотларни тизимли асосда, шу жумладан, миллий ва халқаро грантларни жалб этган ҳолда амалга ошириш;

(д) коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тадқиқотлар натижаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг амалиётга жорий этилишига кўмаклашиш, соҳада фаолият юритувчи олимлар, экспертлар ва тадқиқотчилар фаолиятини илмий-услубий таъминлаш.

II. Асосий чора-тадбирлар

2. Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 20 сентябрда эълон қилинган.

нинг иштирокини янада кенгайтиришга қаратилган қўйидагиларни назарда тутувчи янги тартиб жорий этилсин:

(а) БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси қоидаларининг бажарилишини мониторинг қилишга нодавлат нотижорат ташкилотларни жалб этиб, улар томонидан муқобил баҳолаш тизимини йўлга қўйиш;

(б) нодавлат нотижорат ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги лойиҳаларига ҳар йили 10 млрд сўм миқдорида грантлар ажратиш ва ижтимоий буюртмалар бериш.

Бунда ушбу мақсадлар учун маблағлар Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига ажратилган маблағларнинг йил давомида иқтисод қилинган қисми ҳамда коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан ташкил этиладиган рейтинг баҳолаш натижаларига кўра «қониқарсиз» деб топилган давлат органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ажратиб борилади;

(в) Агентликнинг ижтимоий буюртмаси асосида соҳалар ва ҳудудлар кесимида маиший коррупция ҳолатларини келтириб чиқарадиган омиллар ва унга фуқароларнинг муносабатини ўрганиш мақсадида ижтимоий сўровлар ўтказиш.

3. Белгилансинки, Агентлик:

(а) нодавлат нотижорат ташкилотлар учун коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини янада кенгайтиришнинг устувор вазифалари доирасида тизимли равишда тренинглар ташкил этади, улар билан ҳамкорликда лойиҳаларни амалга оширади;

(б) ҳар йили 1 апрелга қадар Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашга (кейинги ўринларда — Миллий кенгаш) қўйидагиларни кириштириб боради:

(i) нодавлат нотижорат ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги лойиҳалари ва уларни тегишли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан молиялаштириш юзасидан таклифлар;

(ii) коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки, жумладан, уларнинг давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлиги, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилишида таклиф ва ташаббуслари, шунингдек, улар томонидан амалга оширилган лойиҳалар, тадқиқотлар ва ўрганишлар тўғрисида ахборот.

4. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, «Юксалиш» ҳаракати ва «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш марказининг улар муассислигида муассаса шаклидаги «Коррупцияга қарши курашиш муаммолари бўйича минтақавий тадқиқот маркази» нодавлат нотижорат ташкилотини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш ва унинг асосий вазифалари этиб қўйидагиларни белгилаш ҳақидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин:

(а) аҳолининг, айниқса, ёшларнинг, фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашишдаги фаоллигини ошириш, жамиятда ушбу

иллатга қарши мурасасиз муносабатни шакллантириш масалаларини тадқиқ этиш;

(б) давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ҳалоллик стандартларини жорий этишга кўмаклашиш, давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларга илмий-услубий ёрдам кўрсатиш;

(в) халқаро ва минтақавий долзарб аҳамиятга эга бўлган коррупцияга қарши курашиш муаммоларини, коррупциянинг, шу жумладан, маиший коррупциянинг ҳолатини, хусусиятини, миқёсларини, ўзгаришларини ҳамда уни келтириб чиқараётган асосий омилларни комплекс ўрганиш ва тадқиқ қилиш;

(г) коррупциянинг олдини олиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни камайтиришга қаратилган илмий-амалий таклифларни ишлаб чиқиш, Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши курашишга оид халқаро рейтингларда муносиб ўрин эгаллаши учун амалий чоралар кўриш;

(д) коррупцияга қарши курашиш муаммоларини тадқиқ этишда маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

(ж) коррупцияга қарши курашиш соҳасида хорижий давлатларнинг қонунчилиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шу жумладан, илғор тажрибасини жорий этиш самарадорлигини прогноз қилиш, бу борада тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

(з) Ўзбекистон Республикаси томонидан БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа халқаро шартномалар қоидаларининг бажарилиши юзасидан ўрганишлар ўтказиш ҳамда муқобил ҳисоботларни тайёрлаш.

5. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини янада кенгайтириш ва Коррупцияга қарши курашиш муаммолари бўйича минтақавий тадқиқот марказининг фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан «йўл харитаси» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Миллий кенгаш «йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

III. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат қилиш

6. Агентлик:

(а) коррупцияга қарши курашиш масалаларини тадқиқ этиш соҳасида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг Марказ билан яқин ҳамкорлиги ўрнатилишига кўмаклашсин;

(б) Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳар йилги миллий маърузани тайёрлашда Марказ томонидан ўтказилган ўрганишлар ва таҳлилларнинг натижаларидан фойдалансин.

7. Ташқи ишлар вазирлиги ва Агентлик:

(а) Марказга хорижий тадқиқот муассасалари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишда, тажриба алмашиш ҳамда замонавий услуб ва ёндашувлар асосида коррупцияга қарши курашиш муаммоларини ўрганишни ташкил

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

этиш ва таҳлил қилиш кўникмаларини такомиллаштириш учун уларнинг ма-лакали мутахассисларини жалб этишда;

(б) Марказ фаолиятига жалб этиладиган хорижий мутахассисларга ўрна-тилган тартибда кириш визаларини расмийлаштиришда кўмаклашсин.

8. Белгилансинки, Марказ Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси ҳамда бошқа вазирлик ва идоралардан коррупцияга қарши кура-шишга оид статистик ва бошқа таҳлилий маълумотларни сўраб олиши мум-кин, давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар бундан мустасно.

9. Миллий кенгаш:

(а) коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари ва жамоатчилик вакиллари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиб, уларнинг имкониятларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратсин;

(б) ҳар йили нодавлат нотижорат ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги лойиҳалари ва уларни тегишли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан молиялаштириш дастурларини тасдиқлаб, улар-нинг ижросини таъминласин;

(в) фуқаролик жамияти институтлари ва Марказ томонидан корруп-цияга қарши курашиш муаммолари бўйича ўтказилган ўрганишлар ҳамда тадқиқотларнинг натижаларини вазирлик ва идоралар масъуллари иштиро-кида мунтазам равишда муҳокама қилиб борсин.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Ўзбекистон Миллий телера-диокомпанияси билан биргаликда фуқаролик жамияти институтлари ҳамда Марказ томонидан ўтказилган ўрганишлар ва таҳлиллар натижалари омма-вий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиб борсин.

11. Марказ Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 8а-уй манзилидаги бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирил-син.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республика-си Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 сентябрь,
ПҚ–288-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**552** Ўзбекистон Республикаси миллий инвестиция жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси миллий инвестиция жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш орқали унинг акцияларини маҳаллий ва халқаро фонд биржаларида бирламчи жойлаштиришга пухта тайёргарлик кўриш ва Жамғарманинг инвестицион жозибadorлигини ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

(а) Ўзбекистон Республикаси миллий инвестиция жамғармасига (кейинги ўринларда — Жамғарма) тегишли:

(i) «Uzbekistan Airports» АЖ, «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ ва «Микрокредитбанк» АТБнинг акциялари Жамғарманинг устав капиталидаги давлат улушини камайтириш ҳисобига Иқтисодиёт ва молия вазирлигига;

(ii) «Ўзбекистон почтаси» АЖнинг акциялари Жамғарманинг устав капиталидаги давлат улушини камайтириш ҳисобига Давлат активларини бошқариш агентлигига;

(б) «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тегишли 30 фоиз акция улуши кейинчалик Жамғармага ўтказиш учун Иқтисодиёт ва молия вазирлигига;

(в) «Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг 20 фоиз, «Ўзбекинвест» АЖнинг 10 фоиз ва «Темирўлинфратузилма» АЖнинг 15 фоиз акция улушларини қўшимча равишда Жамғармага ўтказиш.

2. Қуйидагилар:

(а) Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Ш. Вафаев) «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тегишли 30 фоиз акция улуши;

(б) Давлат активларини бошқариш агентлиги (А. Ортиқов) «Ўзбекинвест» АЖнинг 10 фоиз акция улуши;

(в) «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ (З. Нарзуллаев) устав капиталидаги давлат улушини камайтириш ҳисобига «Темирўлинфратузилма» АЖнинг 15 фоиз акция улуши Иқтисодиёт ва молия вазирлигига икки ҳафта муддатда ўтказилишини таъминласин.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ж. Қўчқоров) бир ой муддатда «Агробанк» АТБ ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли давлат улуши мавжуд бошқа тижорат банкларининг акциялари улуши Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига мазкур қарорнинг 2-банди «а» кичик бандида келтирилган акциялар улушига тенг қийматда ўтказилишини таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Жамғарманинг инвестицион портфелидаги кор-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 сентябрда эълон қилинган.

хоналар ва тижорат банкларининг устав капиталида давлат улуши оширилган тақдирда Жамғармага унинг улушини сақлаб қолиш учун мутаносиб равишда акциялар ўтказиб берилади.

5. Ўзбекистон Республикаси миллий инвестиция жамғармаси акцияларини бирламчи оммавий савдога чиқариш ишларини мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ 1-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

6. Қўйидагилар:

(а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда Жамғарманинг дивидендлар тарзидаги даромадларини дивиденд солиғидан озод этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартириш киритиш;

(б) Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига ишончли бошқарувчига рухсат этилган амалиётларни кенгайтиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 сентябрь,
ПҚ–289-сон

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

553 Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида ислохотларни жадаллаштириш ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида амалга оширилаётган ислохотларни янада жадаллаштириш, соҳани диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш, хомашёни чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар экспортини ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсадлар

1. Қуйидагилар тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида 2026 йил учун асосий мақсадли кўрсаткичлар этиб белгилансин:

(а) ишлаб чиқариш ҳажми 9 фоизга ўсишини таъминлаш ва 146 триллион сўмга етказиш;

(б) соҳага 2 миллиард АҚШ доллари миқдоридида хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

(в) экспортни 3,3 миллиард АҚШ долларига етказиш;

(г) соҳада амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида 50 мингта иш ўринларини яратиш.

II. Пахта-тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарини молиявий соғломлаштиришга қаратилган амалий чора-тадбирлар

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Марказий банкнинг пахта-тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарини молиявий соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилансинки, пахта-тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари доирасида Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали 2022-2023 йиллар пахта ҳосилига ажратилган кредитлардан қарздорлиги мавжуд бўлган пахта-тўқимачилик кластерлари (кейинги ўринларда — кластерлар) бўйича:

(а) гаров таъминотини мол-мулк билан тўлиқ таъминлаган кластерларга 2025 йил 1 августдан бошлаб фақат асосий қарзни тўлашга ҳамда асосий қарз тугагандан кейинги 12 ойда тенг улушларда фоиз тўлашга рухсат этилади. Бунда Жамғарма бюджет ссудаси учун фоиз тўловларини мазкур бандда назарда тутилган тўловларга мутаносиб равишда амалга оширади;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 сентябрда эълон қилинган.

(б) амалдаги тўлов графиги бўйича ҳам асосий қарз, ҳам фоизини ўз вақтида тўлаган кластерларга ушбу кредитлар бўйича Жамғармага жорий йил 1 августдан кейин ундирилган фоиз суммасининг элик фоизи қайтариб берилади;

(в) 2025 йил 1 август ҳолатига тўланмаган фоизларга ҳисобланган пеня суммалари ҳисобдан чиқарилади;

(г) 2025 йил 1 августга қадар тўланмаган фоизлар учун ундирилган пеня суммалари тўлиқ равишда кредит бўйича асосий қарзни камайтиришга, асосий қарз мавжуд бўлмаган тақдирда, амалдаги бошқа кредитларнинг асосий қарзини қоплашга йўналтирилади;

(д) тижорат банклари томонидан 2025 йил 1 августга қадар ундирилган ва асосий қарзни камайтирган ҳолда Жамғармага йўналтирилган пеня суммалари Давлат бюджетидан Жамғармага ажратилган ссуданинг тўлов графигидаги суммани камайтириш ҳисобига чегириб ташланади. Бунда чегириладиган сумма Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан аниқланади.

4. Бош прокуратура ва Солиқ қўмитаси:

(а) бир кун муддатда тўланмаган фоизлар учун пеня ҳисобланган кластерлар ва ип-йигирув корхоналарининг ҳар бирига Давлат молиявий назорати инспекцияси ва Солиқ қўмитасидан масъул ходимларни бириктирсин;

(б) ушбу қарорнинг 3-бандида белгиланган чора-тадбирлар ижроси сўзсиз ва сифатли бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин;

(в) амалга оширилган ишлар юзасидан 2025 йил 10 октябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

5. Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан Жамғарма орқали:

(а) 2025 йил пахта ҳосилини нобуд қилмасдан, ўз вақтида териб олишни таъминлаш мақсадида фермер хўжаликларига улар томонидан қайта ишловчи корхоналарга, шу жумладан, кластерларга биржа савдолари орқали сотилган (электрон ҳисоб-фактура расмийлаштирилган) ҳар бир тонна пахта хомашёси учун бир миллион сўмдан субсидия ажратилсин;

(б) кластерлар ва тармоқ корхоналари ўз маблағи ҳисобидан пахта етиштирса ёки харид қилса, хомашё қийматининг 10 фоизи миқдорида қоплаб берилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, 2026 йилдан бошлаб:

(а) пахта ҳосили учун Жамғармадан бериладиган имтиёзли кредитлар фақат пахта толасини қайта ишлаш қувватлари мавжуд ёки ип-йигирув корхоналари билан кооперация тизимини йўлга қўйган кластерларга ажратилади;

(б) пахта хомашёсини биржа савдолари орқали харид қилишда кластерларнинг ишлаб чиқариш қувватларига мос ҳажмларда шартномалар (фьючерс, форвард ва спот) тузилади;

(в) Жамғарма маблағлари ҳисобидан молия йилидан бир йил аввалги пахта ҳосилининг якуний ҳисоб-китоблари учун ажратилган имтиёзли кредитларни белгиланган муддатларда тўлиқ қайтармаган кластерлар ва тўқимачилик корхоналарининг биржа савдолари орқали фьючерс шартномаси асосида пахта хомашёси харид қилишига йўл қўйилмайди.

7. Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоров, Марказий банк, Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги бир ой муддатда:

(а) тижорат кредитдан мажбурияти мавжуд бўлган кластерлар, тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарини соғломлаштириш бўйича ҳар бир корхона кесимида аниқ чораларни ишлаб чиқсин;

(б) соғломлаштириш имконияти мавжуд деб топилган корхоналарнинг тижорат кредитлари муддатини 7 йилгача узайтириб бериш чораларини кўрсин.

III. Имтиёзлар

8. 2025 йил 1 сентябрдан уч йил муддатга:

(а) кластерлар, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарига ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз этиб белгилансин;

(б) белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган аралаш мато ва газлама маҳсулотлари, чарм ва ипак саноати учун зарур хомашёлар божхона божидан озод этилсин.

9. Меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ходимлари сони 200 нафардан ортиқ бўлган пахта-тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари томонидан ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотларига оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган шартларда Давлат бюджетидан субсидия ажратилиши белгилаб қўйилсин.

IV. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини оширишни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар

10. Ишлаб чиқариш корхоналарида энергия самарадорлигини оширишни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

(а) ишлаб чиқариш корхоналари томонидан қуввати 1 МВтдан ортиқ қуёш панелларида ўз истеъмолидан ортиқ ишлаб чиқарилган электр энергиясини ягона энергетика тизимига қабул қилиш ва сотиб олиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

(б) ишлаб чиқариш корхоналарида қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш мақсадида олинadиган кредитлар бўйича кредит фоизи ставкасининг 10 фоиз бандигача қисми Энергия самарадорлигини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

(в) ишлаб чиқариш корхоналарида қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш ишларини молиялаштириш мақсадида халқаро молия институтлари ҳамда хорижий банкларнинг 200 миллион АҚШ доллари миқдоридagi узоқ муддатли имтиёзли кредит линиялари жалб қилинади.

11. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги:

(а) 2026 йил 1 августга қадар халқаро сертификатга эга тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари сонини 300 тага етказсин;

(б) 2025 йил якуни билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кен-

гаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари билан биргаликда АҚШ ва Европа давлатлари бозорларига тайёр кийим-кечак маҳсулотлари экспорти ҳажмини 200 миллион АҚШ долларига етказиш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга оширсин.

12. Ташқи ишлар вазирлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари билан биргаликда:

(а) бир ҳафта муддатда тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида йиллик айланмаси 1 миллиард АҚШ долларида ошадиган йирик брендлар билан ишлаш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(б) жорий йил октябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказиладиган тўқимачилик кўргазмасида ушбу компаниялар иштирокини таъминласин.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) Андижон вилоятининг Пахтаобод, Қашқадарё вилоятининг Косон ва Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманларида қурилаётган тўқимачилик саноати зоналарида сувни тозалаш иншооти қурилишига давлат-хусусий шериклик асосида хорижий инвесторларни жалб қилиш;

(б) мазкур мақсадларга Савдо-саноат палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 16 январдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида қайта ишлаш занжирини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6-сон Фармони 2-банди «б» кичик бандида назарда тутилган 15 миллион АҚШ долларини ва Тармоқларни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан бўяш ускуналари харидини субсидиялаш учун назарда тутилган маблағнинг қолдиқ қисмини йўналтириш.

V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

14. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Солиқ қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда мазкур қарорнинг 8-бандидан келиб чиқиб, Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Энергия самарадорлиги миллий агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги бир ой муддатда тўқимачилик саноати корхоналарида энергия самарадорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан уларнинг ўз эҳтиёжлари учун қуёш панелларини ўрнатишга ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг 10 фоиз бандигача қисмини компенсация қилиш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда:

(а) компенсациялар тўқимачилик корхоналарида ўтказилган энергия аудити хулосалари асосида «Энергия самарадорлигини ошириш» рақамли платформаси орқали харид қилинган қуёш панелларига нисбатан қўлланиши;

(б) иқтисод қилинган маблағлар мақсадли равишда корхоналарда энер-

гия самарадорлигини ошириш тадбирларига йўналтирилиши назарда тутилсин.

16. Вазирлар Маҳкамаси:

(а) икки ҳафта муддатда мазкур қарорнинг 5-бандида назарда тутилган маблағларни ажратиш тартибини тасдиқласин;

(б) жорий йил 1 ноябрга қадар тўқимачилик саноати корхоналарининг ўз эҳтиёжлари учун қуёш панелларини ўрнатишга ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг 10 фоиз бандигача қисмини компенсация қилиш тартибини тасдиқласин.

17. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида ислохотларни жадаллаштириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастури иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ж.А. Ходжаев белгилансин.

19. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 сентябрь,
ПҚ–290-сон

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

554 Худудларнинг инвестициявий жозибадорлиги рейтингини жорий этиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий ва хорижий инвесторларга берилган преференциялар ва имтиёзларнинг ягона реестрини шакллантириш тўғрисида» 2024 йил 7 февралдаги 77-сон қарорига асосан худудларнинг инвестициявий жозибадорлиги рейтингини ҳисоблаш услубияти ва юритиш тартибини белгилаш ҳамда ушбу жараёни рақамлаштириш, шунингдек, мамлакат иқтисодиётини янада жадал ривожлантириш, хусусан тадбиркорлар ва инвесторларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари самарадорлигини баҳолаш ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини қулай бизнес шароитларини яратишга ундашга имкон берадиган таъсирчан воситани шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2025 йил декабрь ойидан бошлаб мамлакатнинг ички инвестиция муҳити «Худудларнинг инвестициявий жозибадорлиги рейтингини» (кейинги ўринларда — рейтинг) электрон платформа орқали (кейинги ўринларда — электрон платформа) баҳоланиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Рейтинг кўрсаткичлари асосида «Худудларнинг инвестициявий жозибадорлиги рейтингини» баҳолаш регламенти (кейинги ўринларда — регламент) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

электрон платформа орқали рейтинг 2025 йил учун синов тариқасида баҳоланади ҳамда 2026 йилдан бошлаб регламентга мувофиқ белгиланган муддатларда юритилади;

рейтинг тегишли кўрсаткичлар асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) кесимида баҳоланади;

регламентга 2-иловада қайд этилган масъуллар томонидан 2024 йил якуни бўйича тегишли статистик маълумотлар жорий йил 1 ноябрга қадар электрон платформага ҳаққоний киритилиши таъминланади, бунда киритилган статистик маълумотлар очиқ маълумот ҳисобланиб, электрон платформада акс эттирилади;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси тадбиркорлар ўртасида регламентга мувофиқ шаффоф ва ҳолисона сўровлар ўтказиш ҳамда тегишли маълумотларнинг ахборот тизимига 2025 йил 1 ноябрга қадар киритилишини таъминлаш учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 18 сентябрда эълон қилинган.

регламент ва унга 2-иловада қайд этилган масъуллар томонидан электрон платформага ишончсиз ёки нотўғри маълумотларни киритиш, шунингдек, уларни ўз вақтида киритмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда, тегишли республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ташкилотлари раҳбарларига белгиланган тартибда интизомий жавобгарлик чоралари қўлланади;

синов тариқасидаги рейтинг баҳолаш натижалари 2026 йил 1 августга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига киритилади;

рейтинг натижалари 2026 йил 31 августга қадар Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари йиғилишларида танқидий муҳокама қилинади.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига:

электрон платформа оператори сифатида регламент ва унга 2-иловада қайд этилган масъулларнинг рейтинг баҳолашни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклансин;

зарурат бўлганда қарор билан тасдиқланаётган регламентга, жумладан, рейтинг кўрсаткичлари тизими ҳамда уларни ҳисоблаш усулларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

5. Ушбу қарор ижросини ташкил этишнинг қўйидаги тартиби белгилансин:

а) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги:

мазкур қарор ижросини сифатли таъминласин, белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда регламент ва унга 2-илоvasида қайд этилган масъулларнинг самарали фаолиятини ташкил этсин ва мувофиқлаштира син, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

электрон платформага киритилган статистик кўрсаткичлар ва сўров натижаларини ўз вақтида умумлаштира син ҳамда рейтингни аниқласин;

ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларига эришиш, шунингдек, баҳолаш мезонлари ва таҳлил усулларини аниқлаш мақсадида Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти, «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази, Миллий статистика қўмитаси, Бошқарув самарадорлиги агентлиги билан биргаликда давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг масъул ходимлари учун даврий семинарлар ташкил этсин;

2026 йил 1 сентябрга қадар йирик халқаро рейтинг агентлигини жалб қилган ҳолда регламентни такомиллаштира син;

б) регламент ва унга 2-иловада қайд этилган масъуллар — электрон платформага маълумотларнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлақонли киритилиши ҳамда сўровлар ўтказилиши учун барча зарур чораларни кўрсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги Инвести-

циялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда электрон платформани модернизация қилиш, техник қўллаб-қувватлаш ва белгиланган тартибда ваколатли органлардан экспертизадан ўтказишни таъминласин;

г) Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси, Марказий банк, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Солиқ қўмитаси тегишлилиги бўйича ўзининг ахборот тизимларини уч ой муддатда электрон платформага АРІ даражасида интеграция қилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 15 сентябрь,
580-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 15 сентябрдаги 580-сон қарорига
ИЛОВА

**Рейтинг кўрсаткичлари асосида «Худудларнинг инвестициявий
жозибadorлиги рейтинги»ни баҳолаш
РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент рейтинг кўрсаткичлари асосида худудларнинг (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар) инвестициявий жозибadorлиги рейтингини баҳолаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

баҳолаш иштирокчилари — баҳолаш жараёнида иштирок этувчи, жумладан, худуд (туман/шаҳар) инвестиция салоҳиятини ҳисоблашда статистик маълумотларни электрон платформага киритиш, бошқарув самарadorлигини баҳолашда туман (шаҳар) тадбиркорлари ўртасида сўровларни ўтказиш ҳамда рейтинг балларини ҳисоблаш учун масъул ташкилот;

баҳолаш оператори — баҳолаш жараёнини умумий мувофиқлаштириш, электрон платформани бошқариш ва натижаларни тақдим этиш учун масъул ташкилот;

бизнесга қўмаклашувчи институт ва ташкилотлар — худуд (туман/шаҳар)да тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, тартибга солувчи органлар, институтлар ва бошқа ташкилотларни ҳуқуқий ва маъмурий қўл-

лаб-қувватлашни таъминлайдиган, бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга ёрдам берадиган кўрсаткичлар мажмуи;

бошқарув самарадорлиги — туман (шаҳар) тадбиркорлари сўрови натижалари асосида тартибга солиш муҳити, бизнесни қўллаб-қувватлаш институтлари ва инфратузилмадан қаноатланиш даражасини баҳоловчи кўрсаткичлар мажмуи бўлган рейтинг баҳолаш йўналиши;

инвестиция салоҳияти — ҳудуд (туман/шаҳар)нинг меҳнат, табиий, ер, молиявий, технологик ва инновацион ресурслари, шунингдек, инфратузилма ва рақобатбардошлик жиҳатидан ривожланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар мажмуи бўлган рейтинг баҳолаш йўналиши;

инфратузилма — ҳудуд (туман/шаҳар)нинг инфратузилма билан таъминлангани (транспорт, коммунал тармоқ ва алоқанинг ривожлангани), шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) ва кичик саноат зоналари (КСЗ)ни баҳоловчи кўрсаткичлар мажмуи;

инфратузилмадан қаноатланиш — ҳудуд (туман/шаҳар)нинг иқтисодий фаолияти самарадорлиги ва рақобатбардошлигини таъминловчи транспорт, коммуникация ва энергетика тармоқларининг ривожланиш даражасини, шунингдек, ишчи кучининг малакаси ва оммабоплигини тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуи;

меҳнат ресурслари — ҳудуд (туман/шаҳар) аҳолисининг меҳнат фаолияти учун зарур бўладиган жисмоний ривожланиш ва интеллектуал қобилиятга эга бўлган қисмини, шу жумладан, ишсизлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар мажмуи;

молиявий ресурслар ва қўллаб-қувватлаш — ҳудуд (туман/шаҳар) да ўзлаштирилган инвестициялар, ҳудуддаги кредит ва депозитлар ҳажми ҳамда банк инфратузилмаси ривожланишини акс эттирувчи кўрсаткичлар мажмуи;

омил — рейтингга алоҳида таъсир кўрсатувчи кўрсаткичлар мажмуи;

омиллар вазни — рейтингни баҳолашда ҳар бир омилнинг нисбий аҳамиятини кўрсатган ҳолда уларга белгиланувчи улуш ёки фоиз;

рақобатбардошлик — ички бозордаги товар унумдорлиги, ҳудуд (туман/шаҳар)нинг товар айланмаси, шунингдек, корхоналар демографияси кўрсаткичлари мажмуи;

рейтинг — кўрсаткичлар асосида ҳудуд (туман/шаҳар)нинг инвестициявий жозибадорлиги бўйича республикадаги ўрнини аниқлаш натижаси;

рейтинг кўрсаткичлари — ҳудуд (туман/шаҳар) инвестициявий жозибадорлиги даражасини баҳолаш учун статистик маълумотлар, сўров натижалари ҳамда миқдорий ёки сифат кўрсаткичлари тизими;

субкўрсаткичлар — ҳудуд (туман/шаҳар) рейтинг кўрсаткичларига таъсир кўрсатувчи кичик миқдорий ёки сифат кўрсаткичлари;

табиий ресурслар ва ер ресурслари — ҳудуд (туман/шаҳар) табиий ресурслари ва фойдали қазилмаларининг асосий турлари баланс захиралари билан таъминлангани, суғориладиган ерлар, шунингдек, саноат учун ерлар тақсимотини ифодаловчи кўрсаткичлар мажмуи;

тартибга солиш муҳити — ҳудуд (туман/шаҳар)да мулк ҳуқуқини

рўйхатдан ўтказиш, кадастр ҳисоби, қурилиш учун рухсатномалар, лицензиялар ва сертификатлар бериш, шунингдек, муҳандислик коммуникацияларига уланиш тартиб-таомиллари самарадорлигини акс эттирувчи кўрсаткичлар мажмуи;

технологик ва инновацион ресурслар — ҳудудда илмий-тадқиқот соҳасидаги ходимлар сони, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар учун молиявий харажатлар, шунингдек, инновацион фаолликни ифодаловчи кўрсаткичлар мажмуи;

электрон платформа — маълумотларни йиғиш, сақлаш, таҳлил қилиш ва рейтингни ҳисоблаш учун махсус платформа.

3. Кўрсаткичлар асосида «Худудларнинг инвестициявий жозибadorлиги рейтинги»ни баҳолашнинг мақсади инвесторлар учун қулай муҳит яратиш, худудлар рақобатбардошлигини ошириш ва инвестиция фаолиятини рағбатлантириш учун худудларнинг инвестициявий жозибadorлигини аниқлаш ҳамда уларнинг рейтингини шакллантириш ҳисобланади.

4. Худудларнинг инвестициявий жозибadorлиги рейтинги кўрсаткичлар асосида ушбу Регламентга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ юритилади.

2-боб. Рейтинг баҳолаш йўналишлари, омиллари ва кўрсаткичлари

5. Рейтинг икки йўналишда баҳоланади:

а). Инвестиция салоҳияти. Мазкур йўналишда ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ статистик кўрсаткич ва субкўрсаткичлардан иборат бўлган устувор омиллар ва уларнинг вазнлари асосида ҳудуд (туман/шаҳар)лар инвестиция салоҳияти баҳоланади.

Худудлар кесимида 6 та устувор омил ва уларнинг вазнлари асосида инвестиция салоҳияти баҳоланади:

меҳнат ресурслари (омил вазни — 10 фоиз);

табiiй ресурслар ва ер ресурслари (омил вазни — 20 фоиз);

молиявий ресурслар ва қўллаб-қувватлаш (омил вазни — 20 фоиз);

технологик ва инновацион ресурслар (омил вазни — 10 фоиз);

инфратузилма (омил вазни — 20 фоиз);

рақобатбардошлик (омил вазни — 20 фоиз).

Туман (шаҳар)лар кесимида 5 та устувор омил ва уларнинг вазнлари асосида инвестиция салоҳияти баҳоланади:

меҳнат ресурслари (омил вазни — 10 фоиз);

табiiй ресурслар ва ер ресурслари (омил вазни — 22,5 фоиз);

молиявий ресурслар ва қўллаб-қувватлаш (омил вазни — 22,5 фоиз);

инфратузилма (омил вазни — 22,5 фоиз);

рақобатбардошлик (омил вазни — 22,5 фоиз).

б). Бошқарув самарадорлиги. Мазкур йўналишда ҳудуд (туман/шаҳар)ларда тадбиркорларнинг сўров натижалари орқали ушбу Регламентга 3-ило-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

вага мувофиқ кўрсаткич ва субкўрсаткичлар асосида бошқарув самарадорлиги баҳоланади.

Худуд (туман/шаҳар)лар кесимида сўров натижалари орқали 3 та устувор омил ўртача арифметик қиймати асосида бошқарув самарадорлиги баҳоланади:

тартибга солиш муҳити;

бизнесга кўмаклашувчи институт ва ташкилотлар;

инфратузилмадан қаноатланиш.

6. Ҳар бир туман (шаҳар)даги тадбиркорлик субъектлари сўровда иштирок этишида сўровномаларни тўлдириш ва тўлиқ маълумот йиғиш юзасидан қуйидаги махсус формула асосида сўровда иштирок этувчи тадбиркорларнинг минимал сони аниқланади ҳамда фаолият тури (ОКЭД-2) ва ҳажми (микро (кичик), ўрта, йирик) мезонларининг тенг улушларида намунавийлик таъминланади:

$$n = \frac{Z^2 pq}{\Delta^2}$$

бунда:

n — тадбиркорларнинг минимал сони; Z — ишонч интервали, 99 фоиз Z коэффицент 2,58 га тенг; p — 0,5; q — 0,5; Δ — хатолик чегараси 0,01 га тенг.

Бунда 50 фоиз тадбиркорлик субъектлари сўровномаларни тўлдирмаслиги ва 10 фоиз тадбиркорлик субъектлари анкеталарни тўлиқ тўлдирмаслиги эҳтимоли инобатга олиниб, сўров ўтказиладиган тадбиркорлик субъектлари минимал сони мос фоизлар асосида оширилади.

7. Тадбиркорлар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан танланади ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан тасдиқланади.

3-боб. Баҳолаш оператори ва иштирокчиларининг вазифалари

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги рейтингни баҳолаш оператори бўлиб, қуйидаги вазифаларни бажариш учун масъул ҳисобланади:

баҳолаш жараёнини умумий мувофиқлаштириш;

электрон платформани бошқариш;

натижаларни тақдим этиш.

9. Қуйидагилар баҳолаш иштирокчиларининг вазифалари ҳисобланади:

а) Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси:

инвестиция салоҳияти кўрсаткичлари учун статистик маълумотларни йиғиш ва тақдим этиш;

маълумотларни электрон платформага ўз вақтида киритиш;

маълумотлар сифатини таъминлаш;

б) ушбу Регламентга 2-иловага* мувофиқ масъул вазирлик ва идоралар: инвестиция салоҳияти кўрсаткичлари учун статистик маълумотларни йиғиш ва тақдим этиш;

маълумотларни электрон платформага ўз вақтида киритиш;
маълумотлар сифатини таъминлаш.

Бунда Миллий статистика қўмитаси асосий масъул бўлган кўрсаткич ва субкўрсаткичлар қўмита томонидан, қолган кўрсаткичлар масъул вазирлик ва идоралар томонидан киритилади;

в) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси:

туман(шаҳар)лар тадбиркорлари ўртасида сўровларни ташкил қилиш ва ўтказиш;

сўров маълумотларининг электрон платформага киритилишини таъминлаш;

сўров жараёнининг шаффофлигини таъминлаш.

10. Баҳолаш жараёнини мувофиқлаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қуйидаги таркибда ишчи гуруҳлар тузилади:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимининг биринчи ўринбосари — ишчи гуруҳ раҳбари;

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги вакили — ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари;

Миллий статистика қўмитаси вакили;

Савдо-саноат палатаси вакили;

ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ масъул вазирлик ва идоралар вакиллари.

4-боб. Электрон платформага маълумотларни киритиш тартиби

11. Баҳолаш маълумотлари электрон платформа орқали йиғилади ва сақланади. Электрон платформа баҳолаш оператори томонидан бошқарилади.

12. Баҳолаш оператори томонидан ҳар бир баҳолаш иштирокчиси (ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ масъул вазирлик ва идоралар ҳамда Савдо-саноат палатаси) учун алоҳида логин ва пароль берилади.

Логин ва пароль иштирокчиларга махфийлиги таъминланган электрон почта ёки расмий хат орқали юборилади.

13. Электрон платформага маълумотларни киритиш тартиби:

статистик маълумотларни — Миллий статистика қўмитаси ва ушбу Регламентга 2-иловада қайд этилган масъул вазирлик ва идоралар электрон платформага тегишли кўрсаткич ва субкўрсаткичлар бўйича ушбу Регламентга 1-иловада белгиланган муддатларда киритади.

сўров маълумотлари — Регламентга мувофиқ танланган тадбиркорлик субъектлари томонидан ушбу Регламентга 1-иловада белгиланган муд-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

датларда электрон платформа орқали тўлдирилиши Савдо-саноат палатаси томонидан таъминланади.

14. Баҳолаш иштирокчилари электрон платформага маълумотлар тўғри ва сифатли киритилишига масъул ҳисобланади, нотўғри маълумотларни киритиш ёки баҳолашни амалга ошириш белгиланган тартибда жавобгарликка асос бўлиши мумкин.

5-боб. Рейтинг кўрсаткичлари хусусиятлари ва уларни баҳолаш босқичлари

15. Рейтинг кўрсаткичлари қуйидаги хусусиятларга эга:

кўрсаткичлар ва субкўрсаткичлар моҳияти, мақсади ва таъсирига қараб тўғридан-тўғри ва тескари муносабатда бўлади.

Тўғридан-тўғри муносабатдаги кўрсаткич ёки субкўрсаткичлар рейтинг-га ижобий таъсир кўрсатади. Бунда кўрсаткич қиймати қанчалик катта бўлса, рейтинг балли шунчалик катта бўлади, тескари муносабатда эса аксинча бўлади.

Тегишли статистик кўрсаткич ва субкўрсаткичларнинг ўлчов бирлиги ҳамда тўғридан-тўғри ёки тескари муносабатдалиги ушбу Регламентга 2-иловада кўрсатилган.

Сўров натижалари асосидаги кўрсаткич ва субкўрсаткичларнинг ўлчов бирлиги ва тўғридан-тўғри ёки тескари муносабатдалиги ушбу Регламентга 3-иловада кўрсатилган.

16. Рейтинг баллари 4 та босқичда электрон платформа орқали ҳисобланади:

1-босқичда:

статистик маълумотларни баҳолаш иштирокчилари, жумладан, ушбу Регламентга 2-иловада қайд этилган масъул вазирлик ва идоралар электрон платформага киритади.

Электрон платформага сўровнома маълумотлари тадбиркорлик субъектлари томонидан киритилади.

2-босқичда:

рейтинг кўрсаткичларининг қийматлари турлича бўлгани сабабли улар қуйидаги формулалар ёрдамида нормаллаштирилади:

$$X_{\text{norm}} = \frac{X_{ij} - X_{\text{min}}}{X_{\text{max}} - X_{\text{min}}} * 100 \quad \text{— рейтинг кўрсаткичи ижобий бўлса;}$$

$$X_{\text{norm}} = 100 - \frac{X_{ij} - X_{\text{min}}}{X_{\text{max}} - X_{\text{min}}} \quad \text{— рейтинг кўрсаткичи салбий бўлса;}$$

бунда:

X_{ij} — «j» ҳудуддаги «i» рейтинг кўрсаткичи.

Маълум чегаралари бўлмаган кўрсаткичлар учун муайян ҳудуднинг рейтингини аниқлашда:

кўрсаткичнинг энг кичик қиймати (X_{min}) мамлакат миқёсидаги энг ки-

чик қиймат сифатида белгиланади. Туман ёки шаҳар учун ҳам энг кичик қиймат бутун мамлакат бўйича кўрсаткичлар асосида;

кўрсаткичнинг энг катта қиймати (X_{\max}) мамлакат миқёсидаги энг катта қиймат сифатида аниқланади. Туман ёки шаҳар учун ҳам энг катта қиймат бутун мамлакат бўйича кўрсаткичлар асосида қабул қилинади.

3-босқичда:

кўрсаткич балли тегишли субкўрсаткичларнинг ўрта арифметик қиймати;

омилларнинг балли тегишли кўрсаткичларнинг ўрта арифметик қиймати;

йўналишларнинг бали бу тегишли омилларнинг:

а) инвестиция салоҳияти йўналиши бўйича — белгиланган вазнига мувофиқ ўртача тортилган қиймати;

б) бошқарув самарадорлиги йўналиши бўйича — ўртача арифметик қиймат сифатида аниқланади.

4-босқичда:

ҳудуд (туман/шаҳар)лар якуний рейтинг балли қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\text{якуний рейтинг балли} = 0,7 * IP + 0,3 * AE$$

бунда:

IP — ҳудуд (туман/шаҳар)нинг инвестиция салоҳияти йўналиши бўйича тўплаган балли;

AE — ҳудуд (туман/шаҳар)нинг бошқарув самарадорлиги йўналиши бўйича тўплаган балли.

6-боб. Баҳолаш натижаларини тақдим этиш ва улардан фойдаланиш

17. Баҳолаш оператори рейтинг баҳолаш натижалари бўйича таҳлилий маълумотнома тайёрлайди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этади.

18. Умумий рейтинг натижалари Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ҳудуд (туман/шаҳар) рейтинги натижалари тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг йиғилишларида муҳокама қилиб борилади.

7-боб. Якунловчи қоида

19. Ушбу регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**555** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 21 апрелдаги ПФ–68-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 21 апрелдаги ПФ–68-сон Фармони билан:

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази (кейинги ўринларда — Марказ) Вазирлар Маҳкамаси бўйсунувига ўтказилганлиги ва унинг қўшимча вазифалари белгиланганлиги;

Марказ исломшунослик йўналишидаги илмий тадқиқотларни ҳамда дин билан боғлиқ жараёнлар бўйича таҳлилларни амалга оширувчи илмий-тадқиқот муассасаси этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг устави 2-иловага мувофиқ;

2025 — 2028 йилларда Имом Мотуридийнинг илмий мероси ва мотуридийлик таълимотини ўрганишни қўллаб-қувватлаш бўйича «йўл харитаси» 3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

Марказ Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, тузилган шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Марказ директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Марказ фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш бўйича Васийлик кенгаши Марказ фаолиятини мувофиқлаштиради, унга юкланган вазифаларни амалга оширишга қўмаклашади ҳамда Марказ фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

** 1, 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Диний-маърифий соҳада таълим, фан ва илмий-тадқиқотга оид фаолиятни мувофиқлаштирувчи кенгаш Марказнинг таълим ва илмий-тадқиқотга оид фаолиятини мувофиқлаштиради.

4. Марказ директорига:

зарур ҳолларда, Марказ тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Имом Мотуридий номидаги халқаро стипендияси ғолибларига Ўзбекистонга кириш визасини расмийлаштиришда масъул вазирлик ва идораларга тўғридан-тўғри мурожаат қилиш ҳуқуқи берилсин.

5. Марказ Дин ишлари бўйича қўмита билан биргаликда Марказ кутубхонасини республика ҳамда хорижий давлатларда нашр этилган ислом илмлари ва мотуридийлик таълимотига оид замонавий нашрлар ҳамда қўлёзма ва тошбосма асарлар билан доимий бойитиб борсин.

6. Дин ишлари бўйича қўмита бир ой муддатда Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясига қарашли Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 11а-уй манзилида жойлашган бинога Марказни маъмурий биноларга ходимларни жойлаштириш меъёрларидан келиб чиққан ҳолда текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси раиси С.Д. Тошбоев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 15 сентябрь,
583-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 15 сентябрдаги 583-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг
УСТАВИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг (кейинги ўринларда — Марказ) асосий вазифалари ва функцияларини, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Марказ давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида шахсий ғазна ҳисобварақларига, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрлар, штамплар, рамзлар ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа реқвизитларга эга бўлади.

3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Уставга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

4. Марказ ўз фаолиятини Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти (ICESCO), Ислом тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ қилиш маркази (IRCICA), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот маркази ва хорижий мамлакатлардаги исломшуносликка ихтисослашган илмий-тадқиқот марказлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Марказнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази;

қисқартирилган номи — Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Международный научно-исследовательский центр Имама Матуриди при Кабинете Министров Республики Узбекистан;

қисқартирилган номи — Международный научно-исследовательский центр Имама Матуриди.

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи — Imam Maturidi International Scientific Research Center under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan;

қисқартирилган номи — Imam Maturidi International Scientific Research Center.

г) араб тилида:

тўлиқ номи — *مدىة علم علأ شوح بلل ىل و دلا ىد ىر تامل المامل زكرم ناس كبزوأ*
ة ىر و هم جل ءارزولا سل جم

қисқартирилган номи — *مدىة علم علأ شوح بلل ىل و دلا ىد ىر تامل المامل زكرم*

6. Марказнинг жойлашган ери (почта манзили): Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 11а-уй, 100011.

2-боб. Марказнинг асосий вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ақида ва калом илми ривожига беқиёс ҳисса қўшган Имом Мотуридий ва унинг издошлари бўлган алломаларнинг улкан илмий, диний-маънавий меросини чуқур ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш, халқ ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб қилиш, ушбу мавзуларга доир илмий тадқиқотларни тизимли ташкил этиш;

ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, маърифий-маданий роли ва ривожланиш йўналишларини илмий асосда ўрганиш ва кенг афкор оммага, жумладан, халқаро жамоатчиликка етказиш;

Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий каби алломаларнинг калом илми ривожига қўшган ҳиссаси ва унинг тараққиётида тутган ўрнини чуқур тадқиқ этиш, ёш авлодни миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, тинчлик-тотувлик каби ислом динининг асл қадриятлари руҳида тарбиялаш;

мамлакатда ҳамда хорижий давлатларнинг кутубхоналари ва архив фондларида сақланаётган буюк алломаларнинг калом илмига оид мероси ҳамда ислом дунёси учун муҳим илмий аҳамиятга эга бўлган қўлёзма, тошбосма асарларнинг асл ҳамда электрон нусхаларини тўплаш ва келажак авлодга етказиш учун тизимли илмий тадқиқотларни ташкил этиш;

исломий илмлар, хусусан, калом илми тарихи ва унинг бугунги кундаги аҳамиятини илмий тадқиқ этиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида илмий-назарий ва услубий масалаларга бағишланган анжуман, конференция, симпозиум, кўргазма, илмий маъруза, семинар-тренинг ва танловлар ҳамда бошқа маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш;

тадқиқот натижалари юзасидан қомуслар, каталоглар, альбомлар, илмий-оммабоп ҳужжатли фильмлар, ахборот-ресурс базасини тайёрлаш ва

оммавий ахборот воситалари, хусусан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида эълон қилишни ташкил қилиш;

ислом тарихи ва калом илми йўналишидаги янги тадқиқотлар натижаларидан илмий жамоатчиликни кенг хабардор этиш;

«жаҳолатга қарши маърифат» ғояси асосида ислом динининг илм-маърифат, маънавий поклик, тинчлик-осойишталик, тараққиёт ва бунёдкорликка чақирувчи ғояларини халққа, айниқса, ёшларга етказиш, мутаассиблик, экстремизмнинг мақсадлари, ғоявий негизлари, замонавий кўринишлари ва фаолият услубларини ўрганиш ҳамда уларга қарши курашишнинг илмий-маърифий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш учун тавсия этиш;

Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий каби буюк аллома аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросни ўрганиш, жаҳон илм-фани ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини халқимиз, айниқса, ёшларга етказиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш, мамлакатимиз ҳудудида рўй берган Биринчи ва Иккинчи Ренессанснинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш ҳамда Янги Ўзбекистон тараққиётининг маънавий пойдеворини яратишда иштирок этиш;

ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, маърифий-маданий роли ва ривожланиш йўналишларини илмий асосда ўрганиш ва кенг оммага, жумладан, халқаро жамоатчиликка етказиш;

диний таълим муассасаларига илмий-тадқиқот ва ўқув-услубий масалаларда ҳамда педагог кадрлар ва диний ходимларнинг малакасини ошириб боришда амалий ёрдам кўрсатиш;

ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлаш, ёшларни ёт ғоялар таъсиридан асрашга қаратилган стратегик аҳамиятга эга лойиҳа ва ташаббусларни ишлаб чиқиш.

8. Марказ ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий ва уларнинг издошлари томонидан ёзилган ақида ва калом илмларига оид асарларнинг тадқиқига оид илмий лойиҳаларни амалга оширади;

ислом дунёсининг буюк мутафаккири, калом илми пешвоси Имом Мотуридий ва унинг издошларининг ибратли ҳаёти ва бой илмий-маънавий меросини аҳоли, айниқса ёшлар орасида кенг тарғиб қилади;

мотуридийлик таълимотига оид ақидавий манбаларнинг илмий-танқидий матни ҳамда уларнинг замонавий шарҳларини тайёрлайди, халқчил рисолаларни нашр қилади;

ислом динининг илм-маърифат, бунёдкорлик ва инсонийликка асосланган мазмун-моҳиятини очиб беришга бағишланган тадқиқотларни амалга оширади, динлараро бағрикенглик ўзаро аҳиллик ва ҳамжихатлик ғояларини кенг оммага етказишга кўмаклашади;

мотуридийлик таълимотидаги инсонийлик, бағрикенглик, мўътадиллик ва маърифатпарварлик тамойилларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида фильмлар, видеороликлар, инфографикалар ва бошқа материалларни тайёрлайди ҳамда кенг оммалаштиришда иштирок этади;

ислом илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк аллома аждодларимизнинг ислом илмлари, жумладан, калом илми бўйича диний-маънавий меросини чуқур тадқиқ этишга оид лойиҳаларни амалга оширади;

юртимиз алломаларининг Биринчи ва Иккинчи Ренессансга қўшган ҳиссасини кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган илмий лойиҳалар, медиа ва тарғибот ишларини амалга оширади;

хорижий мамлакатлар, хусусан, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларда сақланаётган ислом динига оид нодир ёзма илмий меросни оммалаштиришга бағишланган лойиҳаларни амалга оширади;

хорижий мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланаётган Имом Мотуридий ва унинг издошлари қаламига мансуб қўлёзмаларни аниқлайди, уларнинг каталогларини яратади ҳамда электрон нусхаларини Марказга олиб келиш чораларини кўради;

жойларда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида ислом динининг бунёдкорлик, илм-маърифат ва одоб-ахлоққа йўғрилган таълимотини тарғиб этишга қаратилган тадбирларда иштирок этади;

Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тарғиб қилинаётган радикал мазмундаги маълумотларни мониторинг ва таҳлил қилиш асосида экстремизмнинг замонавий тенденцияларини аниқлайди ҳамда олдини олишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқади;

республика миқёсида диний вазиятга салбий таъсир кўрсатаётган омилларни ўрганиш, баҳолаш, шу асосда уларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва ташаббусларни ишлаб чиқади;

ижтимоий сўровлар, дала тадқиқотлари, мониторинг хулосалари асосида дин ниқобидаги бузғунчи ғояларга қарши илмий асосланган чора-тадбирларни тайёрлайди;

бой маданий ва маънавий мерос, дунёвий ҳамда диний илмлар уйғун равишда тадқиқ этилишини ташкил қилиш орқали унинг натижаларини таълим-тарбия жараёнида қўллаш ва кенг жамоатчиликка етказишда ташкилий-амалий ёрдам кўрсатади;

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси ҳузуридаги Диний-маърифий соҳада малака ошириш ва қайта тайёрлаш институти тингловчиларига долзарб мавзулар юзасидан маъруза ва семинар дарсларини ташкил этишда иштирок этади;

диний таълим муассасаларининг ўқув-услубий фаолиятини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, фан дастурлари мавзуларини шакллантириш ҳамда уларнинг изчиллиги ва узвийлигини таъминлаш юзасидан таклифлар тайёрлайди.

3-боб. Марказнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

9. Марказ ўзига юкланган асосий вазифалар ва функцияларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда хорижий ташкилотлар,

таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш ва ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартномалар ва бошқа ҳужжатларни имзолаш;

жаҳондаги нуфузли илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасаларининг илмий, диний-маънавий қадриятларни тадқиқ этиш йўналишидаги тажрибасини ўрганиш, илмий-тадқиқот ишларини замон талаблари даражасида ташкил этиш юзасидан семинар-тренинглар ўтказиш;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлардан Марказ ваколатига таллуқли масалалар бўйича маълумотларни сўраб олиш;

Имом Мотуридий ва бошқа мутафаккирларнинг фаолиятини ўрганиш бўйича илмий ва эксперт ишларини амалга ошириш ҳамда долзарб илмий лойиҳаларни бажаришда ҳамкорлик қилиш учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлардан, шу жумладан, чет эллардан юқори малакали мутахассисларни шартнома асосида ишга таклиф этиш;

Марказнинг бюджетдан ташқари маблағларини Марказ томонидан ўтказиладиган тадбирларни ташкил этишга йўналтириш;

ижтимоий ташаббуслар билан чиқиш ва ушбу масалада тегишли давлат органларига таклифлар киритиш;

ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш ва белгиланган тартибда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан матбаа ва ноширлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда мультимедиа маҳсулотларини чиқариш;

конференциялар, симпозиумлар, семинар-тренинглар, сайёр мажлислар ташкил қилиш;

илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш мақсадида ўз фаолиятини Марказ директори томонидан тасдиқланадиган низом асосида олиб борадиган илмий ҳайъат тузиш.

Марказ қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Марказ қўйидагиларга мажбурдир:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлаш;

ўз фаолияти тўғрисида ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаш; қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли давлат органларига ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар тақдим этиш.

Марказга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

4-боб. Марказ фаолиятини ташкил этиш

11. Марказ фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш бўйича Васийлик кенгаши Марказ фаолиятини мувофиқлаштиради, унга юкланган вазифаларни амалга оширишга кўмаклашади ҳамда Марказ фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди.

Васийлик кенгашининг асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади:

бой маданий ва маънавий мерос, дунёвий ҳамда диний илмларни уйғун

равишда тадқиқ этиш орқали унинг натижаларини таълим-тарбия жараёнида қўллаш ва кенг жамоатчиликка етказишда ташкилий-амалий ёрдам кўрса-тиш;

жаҳондаги нуфузли илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасаларининг илмий, диний-маънавий кадриятларни тадқиқ этиш йўналишидаги тажрибасини ўрганиш ҳамда халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш ва илмий ҳамкорликни йўлга қўйишда ёрдам бериш, илмий-тадқиқот ишларини замон талаблари даражасида ташкил этиш юзасидан амалий тавсиялар бериш;

концептуал тадқиқотлар дастурлари ҳамда илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қўллаб-қувватлаш, ҳомийлар маблағлари, шунингдек, чет эллик мутахассис олимларни тадқиқотлар жараёнига жалб этишда кўмаклашиш;

илмий-тадқиқот натижалари асосида таълим муассасалари ўқув дастурларини такомиллаштириш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, илмий-тадқиқот олиб бораётган кадрларнинг маҳаллий ва хорижий мамлакатлардаги нуфузли илмий тадқиқот ва таълим муассасаларида тажриба ортиришини ҳамда малака оширишини ташкил этиш, юқори натижага эришган ва фаол тадқиқотчиларни рағбатлантириш чора-тадбирларини кўриш.

Мажлис бир йилда камида бир марта чақирилади. Марказ Васийлик кенгаши мажлисининг чақирилиши ҳамда унинг кун тартиби ҳақидаги маълумотлар мажлис чақириладиган санадан бир ой олдин эълон қилинади.

12. Васийлик кенгашининг мажлиси ўз ваколатлари доирасида:

қонунчилик ҳужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ вазифаларни амалга оширади.

Васийлик кенгашининг мажлиси кенгашнинг камида тўртдан уч қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Мажлис қарори иштирокчиларнинг ярмидан кўпининг овози билан қабул қилинади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 21 апрелдаги ПФ–68-сон Фармони билан тасдиқланган Диний-маърифий соҳада таълим, фан ва илмий-тадқиқотга оид фаолиятни мувофиқлаштирувчи кенгаш Марказнинг таълим ва илмий-тадқиқотга оид фаолиятини мувофиқлаштиради.

14. Марказнинг кундалик фаолиятига Марказ директори раҳбарлик қилади. Марказ директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

15. Марказ директори ўз ваколатлари доирасида:

Марказ фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

Марказ номидан буйруқлар чиқаради, ишончномалар беради;

Марказга юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши, тақдим этиладиган таҳлилий материаллар ва ҳужжатларнинг тўлиқлиги учун шахсан жавоб беради;

таркибий бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштиради, бўлимлар ходимлари ўртасида функционал вазифаларни тақсимлайди, юкланган топшириқлар бажарилиши учун ҳар бир ходимнинг жавобгарлиги даражасини белгилайди;

Марказ директорининг ўринбосари ҳамда ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади;

белгиланган тартибда Марказ ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади;

Марказ ходимларининг лавозим маошларига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда устамалар белгилайди;

Марказ фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва Васийлик кенгаши мажлиси муҳокамасига киритади;

Марказ директори қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

16. Марказ директорининг илмий-тадқиқот ишлари бўйича бир нафар ўринбосари бўлади. Марказ директори бўлмаган тақдирда унинг функциясини директор ўринбосари бажаради.

5-боб. Марказ фаолиятини молиялаштириш

17. Марказ ўзининг кўчмас ва кўчар мулкига, пул маблағларига, шу жумладан, чет эл валютасидаги пул маблағларига, қимматли қоғозлари ва бошқа мол-мулкига эга бўлиши мумкин.

18. Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;
жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
адабиёт материалларини чоп этишдан тушадиган тушумлар;
хўжалик, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятдан, стартап лойиҳаларини амалга оширишдан олинадиган маблағлар;
халқаро ташкилотларнинг грантлари ва техник кўмаклари;
қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6-боб. Яқунловчи қоида

19. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 15 сентябрдаги 583-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматнинг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 6 ноябрдаги 693-сон қарориди:

а) номидаги «Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази (кейинги ўринларда — Марказ) директориغا, зарур ҳолларда, Марказ тузилмасига ходимларнинг белги-ланган умумий чекланган сони ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин»;

в) 7-банддаги «Академиянинг» сўзи «Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 24 февралдаги 100-сон қарорининг 6-бандидаги «Ўзбекистон халқаро ислом академияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**556** Маҳалла фуқаролар йиғини ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига пенсия тайинлаш бўйича кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 31 октябрдаги ПҚ–353-сон қарори ижросини таъминлаш, маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартиришнинг барқарор мезонларини белгилаш ҳамда маҳаллалар ягона реестрини шакллантириш ва юритиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига пенсия тайинлаш бўйича кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 31 октябрдаги ПҚ–353-сон қарорига мувофиқ Маҳалла фуқаролар йиғини ягона реестри (кейинги ўринларда — Реестр) ишлаб чиқилгани ҳамда синов тарихида ишга туширилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилиши, қайта ташкил этилиши ва (ёки) тугатилиши билан боғлиқ маҳаллага оид маълумотларни Реестр орқали онлайн юритиш ҳамда ундан фойдаланиш тартибини назарда тутувчи Маҳалла фуқаролар йиғини ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қўйидагилар:

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (кейинги ўринларда — Уюшма) Реестрни юритиш бўйича масъул орган ҳисобланиши;

Реестр Уюшманинг «Рақамли маҳалла» ахборот тизимида (кейинги ўринларда — ахборот тизими) шакллантирилиши ва юритилиши;

Реестрнинг маълумотлар базасини ташкил этиш, амалиётга жорий қилиш ва юритиш Уюшманинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан молиялаштирилиши;

Реестр давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан идоралараро электрон ҳамкорлик учун зарур бўлган маҳаллага оид ягона маълумот манбаи ҳисобланиши;

Реестр «Рақамли ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали электрон ҳамкорлик асосида «Электрон ҳукуматнинг маълумотномалар ва классификаторлар регистри» ахборот тизимида жойлаштирилиши ва янгилаб борилиши;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик бирлашмаларининг ахборот тизимлари ва ресурсларида маҳаллага оид маълумотлар Реестрга асосан шакллантирилиши инobatга олинсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 18 сентябрда эълон қилинган.

4. Уюшмага Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Солиқ қўмитаси билан биргаликда 2025 йил 1 ноябрга қадар Реестрга киритиладиган маҳаллага оид маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва долзарблигини таъминлаш бўйича маҳаллаларни хатловдан ўтказиш тавсия этилсин.

5. Рақамли технологиялар вазирлиги, Уюшма Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 декабрга қадар Реестрни тўлиқ ишга туширсин.

6. Адлия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги 2025 йил 1 ноябрга қадар мазкур қарорга мувофиқ Реестрни юритиш тартибини инобатга олган ҳолда, ўзларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

7. Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик бирлашмалари 2026 йил 1 январга қадар ўзларининг ахборот тизимларидаги маҳаллага оид маълумотларни Реестрга мослаштириш чораларини кўрсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сон қарори билан тасдиқланган Шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 15 сентябрь,
586-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 15 сентябрдаги 586-сон қарорига
1-ИЛОВА

Маҳалла фуқаролар йиғини ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Маҳалла фуқаролар йиғини ягона реестрини (кейинги ўринларда — Реестр) шакллантириш ва юритиш, шунингдек, ундан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Реестр давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан идораларро электрон ҳамкорлик учун зарур бўлган маҳалла фуқаролар йиғинига (кейинги ўринларда — маҳалла) оид ягона маълумот манбаи ҳисобланади.

3. Реестр:

маҳаллага оид тўлиқ маълумотларни шакллантириш;

жисмоний шахсларнинг манзил маълумотлари, юридик шахслар ва кадастр объектлари маълумотларини маҳалла кесимида шакллантириш;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик бирлашмалари томонидан ўзларининг ахборот тизимларида шаклланадиган маҳалла кесимидаги маълумотларни «Электрон ҳукумат» тизимининг ягона инфратузилмасига бирлаштириш мақсадида иловага* мувофиқ схема асосида шакллантирилади ва юритилади.

2-боб. Реестрни шакллантириш ва юритиш

4. Реестр Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари (кейинги ўринларда — Кенгаш) қарорига асосан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (кейинги ўринларда — Уюшма) томонидан маҳаллага берилган маҳалла кодидан фойдаланган ҳолда шакллантирилади ва янгиланади.

5. Реестр Уюшма томонидан «Рақамли маҳалла» ахборот тизимида (кейинги ўринларда — «Рақамли маҳалла» АТ) юритилади.

Уюшма Реестрдаги маълумотларнинг асослилиги ва тўлиқлигини таъминлайди.

6. Реестрда қуйидаги маълумотлар шакллантирилади:

маҳалланинг тўлиқ ва қисқача номи;

маҳалла коди;

солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

Кенгаш қарори санаси ва рақами;

маҳалла ҳисобга олингани ёки қайта ташкил этилганда ҳисобга олингани тўғрисидаги маълумотлар;

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

маҳалла жойлашган ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ёки Тошкент шаҳри);

маҳалланинг ҳудудий чегараси геомаълумотлари.

7. Маҳаллани ташкил этиш ва қайта ташкил этиш (маҳаллаларни тузиш ва бирлаштириш) тўғрисида Кенгаш қарори қабул қилинганда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизими» (кейинги ўринларда — «E-qarog» тизими) орқали ўзаро электрон ҳамкорлик асосида маҳалланинг тўлиқ ва қисқача номи, маҳалла жойлашган ҳудуд, Кенгаш қарори санаси ва рақами ҳамда маҳалланинг ҳудудий чегараси геомаълумотлари «Рақамли маҳалла» АТга юборилади.

8. Маҳаллалар ташкил этилганда ёки қайта ташкил этилганда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобга олинади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш модули» (кейинги ўринларда — «birdarcha.uz» ахборот тизими) орқали электрон ҳамкорлик асосида маҳалла ҳисобга олингани тўғрисидаги ҳамда маҳаллага берилган СТИР маълумотлари «Рақамли маҳалла» АТга юборилади.

9. Маҳалланинг ҳисобга олингани тўғрисидаги маълумотлар асосида янги ташкил этилган маҳаллаларга «Рақамли маҳалла» АТ орқали маҳалла коди автоматик тарзда берилади ҳамда маҳалла маълумотлари Реестрга киритилади.

10. Маҳаллалар бирлаштирилганда янги ташкил этилган маҳалла ҳисобга олинади, мазкур Низомнинг 9-бандига асосан янги ташкил этилган маҳаллага код берилади ва Реестрга киритилади.

Бошқа маҳаллаларга бирлаштирилган ва тугатилган маҳаллалар Реестрдан чиқарилади.

11. Реестрга маълумотлар Кенгаш қарори ҳамда маҳаллалар ҳисобга олингани ёки маҳаллалар қайта ташкил этилганда ҳисобга олингани тўғрисидаги маълумотларга асосан Уюшма томонидан киритилади ва янгиланади.

12. Реестрга маълумотлар қатъий равишда «Электрон ҳукумат»нинг маълумотномалар ва классификаторлар регистрига киритилган маълумотномалар ва классификаторлардан фойдаланган ҳолда киритилади ва янгиланади.

3-боб. Маҳаллани Реестрдан чиқариш

13. Маҳалла тугатилгани тўғрисида Кенгаш қарори қабул қилинганда, «Рақамли маҳалла» АТ ҳамда «birdarcha.uz» ахборот тизимига «E-qarog» тизими орқали ўзаро электрон ҳамкорлик асосида маҳалла тугатилгани тўғрисидаги Кенгаш қарори маълумотлари (маҳалланинг СТИРи, тугатиш сабаби, Кенгаш қарори санаси ва рақами) юборилади.

14. Маҳаллани тугатиш тўғрисидаги Кенгаш қарори асосида «birdarcha.uz» ахборот тизими орқали маҳалла тугатилгани тўғрисидаги маълумот «Рақамли маҳалла» АТга юборилади.

Ушбу маълумотга асосан маҳалла Реестрдан чиқарилади.

4-боб. Маҳалла номи ўзгарганда Реестрни янгилаш

15. Маҳалла номи ўзгарганда маҳалла номини ўзгартириш тўғрисидаги Кенгаш қарорига асосан «Рақамли маҳалла» АТга «Е-қаоғ» тизими орқали ўзаро электрон ҳамкорлик асосида маҳалланинг янги номи юборилади.

16. Маҳалла номи ўзгарганда, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳалла қайта ҳисобга олинади.

Бунда «birdarcha.uz» ахборот тизими орқали электрон ҳамкорлик асосида маҳалла қайта ташкил этилганда ҳисобга олингани тўғрисидаги маълумотлар ҳамда маҳалланинг янги номи «Рақамли маҳалла» АТга юборилади.

17. Реестрда маҳалланинг қайта ташкил этилганда ҳисобга олингани тўғрисидаги маълумотлар асосида маҳалла номи янгиланади.

5-боб. Реестрдан фойдаланиш тартиби

18. Реестр қуйидагиларни таъминлашга қаратилган:

Реестр дастурий-техник мажмуасининг ишлашини техник таъминлаш ва уни янада такомиллаштириш;

Реестрда маълумотларнинг сақланиши ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича белгиланган тартибда чоралар кўриш;

Реестрда мавжуд бўлган маълумотларнинг тўлиқлигини таъминлаш.

19. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан Реестрга тақдим этиладиган маълумотлар асосли ва тўлиқ бўлиши керак.

20. Маълумотлар Реестрдан маҳалла коди ёки маҳалла СТИРидан фойдаланиш орқали олинади.

21. Идоралараро электрон ҳамкорликда бошқа идентификаторлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

22. Идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликда Реестр маълумотларидан фойдаланиш «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграция платформаси ёрдамида амалга оширилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

23. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

24. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 15 сентябрдаги 586-сон қарорига
2-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сон қарори билан тасдиқланган Шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида низомга киритилаётган қўшимчалар

1. 31-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда маҳалла ҳудудий чегаралари геомаълумотлари Адлия вазирлигининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизими»га электрон шаклда киритилади.»

2. 1-илованинг 4-босқичи «Тадбирлар» устуни қуйидаги мазмундаги 3-банд билан тўлдирилсин:

«3. Маҳалла ҳудудий чегаралари геомаълумотларини Адлия вазирлигининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизими»га киритади.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

557 Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни етиштириш бўйича питомник ва плантацияларнинг давлат ҳисобини юритиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2025 йил 30 январдаги ПФ–16-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни етиштириш бўйича питомниклар ва плантацияларнинг давлат ҳисобини юритиш тартибини янада такомиллаштириш, соҳани рақамлаштириш орқали жисмоний ва юридик шахсларга қулайликлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни етиштириш бўйича питомниклар ва плантацияларни барпо этиш ва уларнинг давлат ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2019 йил 25 майдаги 430-сон қарорига иловага мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилсин:

Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг экиш материаллари ҳақиқатда экилганлигини тасдиқлаш ҳамда уларни етиштирувчи питомник ва плантацияларни давлат ҳисобига олиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш;

ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг экиш материаллари ҳақиқатда экилганлигини тасдиқлаш ҳамда уларни етиштирувчи питомник ва плантацияларни (кейинги ўринларда — питомник ва плантациялар) давлат ҳисобига олиш бўйича давлат хизматини Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) ва Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиш;

ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни етиштириш бўйича питомник ва плантацияларни давлат ҳисобига олиш бўйича бериладиган аризаларнинг кўриб чиқиш муддатларини мақбуллаштириш.

2. Белгилансинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ҳамда ўсимлик етиштирувчилар Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Фанлар академияси ва бошқа илмий муассасаларнинг мутахассисларини жалб қилган ҳолда, питомник ва плантацияларни мониторинг қилади. Бунда:

мониторинг питомник ва плантацияларда ўсимликлар экилган йилда, кейинчалик эса ҳар уч йилда бир маротаба уларнинг турларидан келиб чиқиб, вегетация даврида ўтказилади;

мониторинг натижаси бўйича питомник ва плантациялардаги ўсимликлар дунёсининг ҳолати, турли антропоген ва табиий омиллар таъсири остида

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 17 сентябрда эълон қилинган.

уларнинг вегетация давридаги ўзгаришлари аниқланади, баҳоланади ҳамда прогноз қилинади.

3. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги икки ой муддатда:

Рақамли технологиялар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорга мувофиқ давлат хизматининг ЯИДХП орқали кўрсатилишини таъминласин ҳамда унинг ҳар бир босқичида мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин;

Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни етиштириш бўйича питомник ва плантациялар реестрининг расмий веб-сайтда эълон қилинишини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва расмий веб-сайтларда кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 16 сентябрь,
588-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 16 сентябрдаги 588-сон қарорига
ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни етиштириш бўйича питомниклар ва плантацияларни барпо этиш ва уларнинг давлат ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2019 йил 25 майдаги 430-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг экиш материаллари ҳақиқатда экилганлигини тасдиқлаш ҳамда уларни етиштирувчи питомник ва плантацияларни давлат ҳисобига олиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш ҳақида».

2. 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг экиш материаллари ҳақиқатда экилганлигини тасдиқлаш ҳамда уларни етиштирувчи питомник ва плантацияларни давлат ҳисобига олиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансин».

3. Илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг экиш материаллари ҳақиқатда экилганлигини тасдиқлаш ҳамда уларни етиштирувчи питомник ва плантацияларни давлат ҳисобига олиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг экиш материаллари ҳақиқатда экилганлигини тасдиқлаш ҳамда уларни етиштирувчи питомник ва плантацияларни давлат ҳисобига олиш бўйича давлат хизматини (кейинги ўринларда — давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизмати Қорақалпоғистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари (кейинги ўринларда — ваколатли орган) томонидан Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) ва Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатилади.

3. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар — маданийлаштирилмаган ва таби-

ий муҳитда ўсадиган дарахтлар, буталар, ўтсимонлар, қирққулоқсимонлар, йўсинсимонлар, сув ўтлари, лишайникалар ва замбуруғлар, шунингдек, уларнинг ноёб ҳамда йўқолиб бораётган турлари;

питомник — табиатни муҳофаза қилиш ёки фойда олиш мақсадида дарахт, бута ёки ёввойи ҳолда ўсувчи ўтсимон ўсимликларни сунъий яратилган шароитларда экиш, етиштириш ва кўпайтиришга мўлжалланган кичик ва ўрта ҳажмдаги ер участкаси;

плантация — саноат, ишлаб чиқариш ёки фойда олиш мақсадида дарахт, бута ёки ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни сунъий яратилган шароитларда экиш, етиштириш ва маҳсулот олишга мўлжалланган катта ҳажмдаги ер участкаси;

экиш материали — питомник ва плантациялар ташкил этиш мақсадида ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни экиб кўпайтириш ва етиштириш учун фойдаланиладиган уруғ, ниҳол, қаламча, кўчат, пиёз, тўғанак, илдиз (қорабош), тўқима;

ўсимликларни етиштирувчи — дарахт, бута ёки ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг экиш материалларини экиб, питомник ва плантациялар барпо этиш фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ёки юридик шахс ва унинг вакили.

4. Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни етиштириш бўйича питомник ва плантациялар ўсимликларни етиштирувчиларнинг ер участкаларида ташкил этилади.

Бунда сув муҳофазаси зоналарида плантациялар ташкил этилишига йўл қўйилмайди, шунингдек, сунъий равишда шароитлар яратилмаган табиий муҳитда инсон омилсиз ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар жойлашган ер участкалари питомник ва плантациялар ҳисобланмайди.

5. Питомник ва плантацияларни ташкил этиш учун ер участкалари ўсимлик етиштирувчиларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади.

6. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар турларининг уруғлари, кўчатлари ҳамда ниҳоллари питомникларда ва плантацияларда етиштирилиб, табиий муҳитга экилганидан кейин уч йил ўтмасдан аввал уларнинг уруғларини йиғиш ёки ҳосилини олиш тақиқланади.

7. Питомник ва плантацияларда етиштириладиган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар турлари ҳамда уларнинг маҳсулотлари ўсимликларни етиштирувчиларнинг мулки ҳисобланади.

8. Питомник ва плантацияларда етиштирилган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш (тайёрлаш) учун тўлов ундирилмайди ва рухсатнома олиш талаб этилмайди.

9. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, фақат электрон шаклда амалга оширилади.

10. Давлат хизматини кўрсатганлик учун тўлов ундирилмайди.

11. Давлат хизмати ушбу Регламентга 1-иловадаги* схемага мувофиқ кўрсатилади.

2-боб. Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг экиш материаллари ҳақиқатда экилганлигини тасдиқлаш тартиби

12. Ўсимлик етиштирувчи ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг экиш материаллари ҳақиқатда экилганлигини тасдиқлашни сўраб, Давлат хизматлари марказига шахсан келиб мурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон шаклда фойдаланиш учун ЯИДХП орқали рўйхатдан ўтади.

13. Ўсимлик етиштирувчи Давлат хизматлари марказига шахсан келиб мурожаат этганда, ушбу Регламентга 2-иловага* мувофиқ шаклдаги сўровнома (кейинги ўринларда — сўровнома) Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, ўсимлик етиштирувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг барча ҳужжатлар ўн дақиқа ичида ваколатли органга электрон шаклда юборилади, ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

Сўровномага экиш материалнинг келиб чиқиш асосини тасдиқловчи қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари PDF, PNG ёки JPEG форматда илова қилинади:

Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун рухсатнома;

Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар ва уларнинг қисмларини олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома;

экиш материали етказиб берилган тақдирда, питомник ёки плантациянинг Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни етиштириш бўйича питомник ва плантациялар реестрида давлат ҳисобига олинганлиги тўғрисида хабарнома ҳамда экиш материални етказиб бериш ҳақида шартнома.

Ер участкасининг ўсимлик етиштирувчига тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (мулк ёки ижара, текин фойдаланиш) ваколатли орган томонидан «Рақамли ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали мустақил равишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигидан олинади.

Ўсимлик етиштирувчидан ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа ҳужжатлар ва маълумотларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Сўровномалар ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда сўровномалар иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунларида тушганда, календарь бўйича навбатдаги иш куни аризаларнинг ваколатли органга тушган ва ваколатли орган томонидан қабул қилинган кун деб ҳисобланади.

14. Сўровнома тўлдирилганидан сўнг ўсимлик етиштирувчи маълумотлар тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг замонавий воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Мобил-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

* 1-2-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўсимлик етиштирувчи ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

15. Ваколатли орган сўровномани бир иш кунда кўриб чиқади ҳамда ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг экиш материаллари ҳақиқатда экилганлигини жойига чиққан ҳолда ўрганиш вақти кўрсатилган хабарномани Давлат хизматлари марказига (шахсан келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ўсимлик етиштирувчига (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон шаклда юборади.

16. Ваколатли орган хабарномада кўрсатилган муддатда, бироқ сўровнома юборилган кундан бошлаб ўн беш иш кундан ортиқ бўлмаган муддат ичида ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг экиш материаллари ҳақиқатда экилганлиги ҳолатини ўсимлик етиштирувчи иштирокида ўрганиб чиқиб, натижаси бўйича икки нусхада далолатнома тузади ҳамда унинг бир нусхасини ўсимлик етиштирувчига тақдим этади. Бунда далолатномага фото ва видео лавҳалар илова қилинади.

Далолатнома шакли ҳамда фото ва видео лавҳаларга қўйиладиган талаблар ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

17. Ваколатли орган тузилган далолатнома асосида шу куннинг ўзида ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг экиш материаллари ҳақиқатда экилганлигини тасдиқлайди ёки рад этади ва бу ҳақидаги хабарномани Давлат хизматлари марказига (шахсан келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ўсимлик етиштирувчига (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон шаклда юборади.

18. Ваколатли орган қўйидаги ҳолларда ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг экиш материаллари ҳақиқатда экилганлигини тасдиқлашни рад этади:

сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатлардаги маълумотлар нотўғри ёки ёлғон бўлганда;

ваколатли орган вакилининг далолатнома тузиш учун ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг экиш материаллари экилган ҳудудга киришига қаршилик кўрсатилганда;

ўсимликларни етиштирувчи ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг экиш материаллари экилган ҳудудда бўлмаганда;

ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг экиш материаллари ҳақиқатда экилмаганда;

ўсимлик етиштирувчи далолатномани имзолашдан бош тортганда.

Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг экиш материаллари ҳақиқатда экилганлигини тасдиқлашни бошқа асосларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

3-боб. Питомник ва плантацияларни давлат ҳисобига олиш тартиби

19. Ўсимлик етиштирувчи ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар униб чиққандан ёки улар ҳосил беришни бошлагандан сўнг питомник ва плантацияларни давлат ҳисобига олишни сўраб Давлат хизматлари марказига шахсан келиб

мурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон шаклда фойдаланиш учун ЯИДХП орқали рўйхатдан ўтади.

20. Ўсимлик етиштирувчи Давлат хизматлари марказига шахсан келиб мурожаат этганда, сўровнома Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, ўсимлик етиштирувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг барча ҳужжатлар ўн дақиқа ичида ваколатли органга электрон шаклда юборилади, ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

21. Ваколатли орган сўровномани беш иш кун ичида кўриб чиқиб, питомник ва плантацияларни Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни етиштириш бўйича питомник ва плантациялар реестрида давлат ҳисобига олади.

22. Ваколатли орган питомник ва плантациялар давлат ҳисобига олингани тўғрисидаги хабарномани шу куннинг ўзида Давлат хизматлари марказига (шахсан келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ўсимлик етиштирувчига (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон шаклда юборади.

23. Ваколатли орган томонидан давлат хизматини кўрсатиш рад этилган тақдирда, ўсимлик етиштирувчига беш иш кун ичида камчиликларни бартараф этиш имконияти берилади.

24. Давлат хизматини кўрсатиш қуйидаги ҳолатларда рад этилади:

ушбу Регламентнинг 23-бандида белгиланган муддатда ўсимлик етиштирувчи томонидан камчиликлар бартараф этилмаганда;

ўсимлик етиштирувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар нотўғри ёки ёлғон бўлганда;

питомник ва плантацияларни мониторинг қилиш натижасида ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар кўкармаганлиги аниқланганда.

Давлат хизматини кўрсатишни бошқа асосларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

25. Давлат хизматини кўрсатиш рад этилган ёки ўсимлик етиштирувчининг маълумотлари ўзгарган тақдирда, ўсимлик етиштирувчи давлат хизматидан фойдаланиш ёхуд питомник ва плантацияларни қайта давлат ҳисобига олиш учун ушбу бобда белгиланган тартибда мурожаат қилиши мумкин.

4-боб. Якунловчи қоидалар

26. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлардан фойдаланиш ҳажмларини назорат қилиш учун ваколатли органнинг сўровига мувофиқ ўсимлик етиштирувчилар ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар етиштириладиган питомник ва плантациянинг ер участкаси, тайёрланган ўсимликларнинг ҳажмлари ва турлари тўғрисида ҳисобот йили якуни бўйича ахборот тақдим этади.

27. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

558 Умумий овқатланиш корхоналарида ҳосил бўладиган озиқ-овқат чиқиндиларидан самарали фойдаланиш ва уларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш ҳамда ортиқча исрофгарчиликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2025 йил 30 январдаги ПФ–16-сон Фармони ҳамда «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 31 майдаги ПҚ–171-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, умумий овқатланиш корхоналарида ҳосил бўладиган озиқ-овқат чиқиндиларидан самарали фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг атмосфера ҳавосига салбий таъсирини камайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Умумий овқатланиш соҳасида озиқ-овқат чиқиндилари ҳосил бўлишини камайтириш ва ортиқча исрофгарчиликларнинг олдини олишга қаратилган «Оқилона истеъмол» («Save food») дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида» Қонунининг 31-моддасига мувофиқ:

белгиланган нормадан (йўл қўйиладиган энг юқори кўрсаткичлардан) юқори даражада ифлосланган ишлаб чиқариш оқова сувларини оқизиб юборувчи юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар оқова сувларни локал тозалаш иншоотларида бирламчи тозалаш ишларини бажариши кераклиги;

янги истеъмолчиларни, шу жумладан, мавжуд истеъмолчиларнинг янгитдан ишга тушириладиган, товарларни ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) жараёнида белгиланган нормадан юқори даражада ифлосланган оқова сувларни ҳосил қилувчи объектларини оқова сувлар тармоқларига улашга фақат оқова сувларнинг белгиланган нормага қадар тозаланишини таъминлайдиган локал тозалаш иншоотлари мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Белгилансинки, 2026 йил 1 июлдан бошлаб:

«Ўзсувтаъминот» АЖ томонидан оқова сувлардаги ёғ-мой маҳсулотлари ажратиб олинишини таъминлайдиган ёғ-мой тутгич ускуналари мавжуд бўлган умумий овқатланиш корхоналарига марказлашган оқова сув тизимларига уланишга рухсат берилади;

умумий овқатланиш корхоналарида ҳар ойда камида бир маротаба ёғ-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 17 сентябрда эълон қилинган.

** Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мой тутгич ускуналарининг техник хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни чиқинди ёғ-мойлардан тозалаш, ушбу чиқинди ёғ-мойларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш таъминланади;

умумий овқатланиш корхоналарида озиқ-овқат маҳсулотларини пишириш учун газ таъминоти, улар бўлмаганда, ёғоч ёки тайёр кўмрдан фойдаланишда атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддалар ва ҳидларни ушлаб қолувчи қурилмаларни ўрнатиш чоралари кўрилади.

4. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2026 йил 1 январдан бошлаб:

озиқ-овқат чиқиндиларини компостлаш орқали қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда органик ўғитларни қўллаш тизимини кенгайтириш;

умумий овқатланиш корхоналаридаги оқова сув тизимларига ёғ-мой тутгич ускуналарини ўрнатиш орқали чиқинди ёғ-мойлардан иккиламчи хомашё (хўжалик совунлари, ҳайвон озукалари ва бошқалар) ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикасида 2026 — 2030 йиллар «Долзарб озиқ-овқат хавфсизлиги даври» деб эълон қилинсин. Бунда:

тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар белгиланган тартибда ўтказилиши қатъий назоратга олинади;

аҳоли эҳтиёжига етарли даражада ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ҳамда ортиқча исрофгарчиликларнинг олдини олиш чоралари кўрилади;

аҳоли орасида ўртача кунлик рационал овқатланиш нормативлари асосида тўғри овқатланиш бўйича тушунтириш тадбирлари ўтказилади;

озиқ-овқат маҳсулотларидан ҳосил бўлган чиқиндилар қайта ишлаш корхоналарига топширилиши таъминланади.

6. 2026 йил 1 январга қадар:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан биргаликда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларида умумий овқатланиш корхоналарининг атмосфера ҳавосига салбий таъсирини камайтиришга оид талаблар белгила-нишини;

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига умумий овқатланиш корхоналарида ўрнатиладиган вентиляция ва ҳаво филтрлаш қурилмалари учун алоҳида талаблар киритилишини таъмин-ласин.

7. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт ва молия ва-зирлиги билан биргаликда умумий овқатланиш корхоналарида ҳосил бўла-

диган озиқ-овқат чиқиндиларини йиғиб олиш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш учун инвестиция маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

8. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уч ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Ж. Рамамов ҳамда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 16 сентябрь,
589-сон

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**559 Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш ҳақида***

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш тартибларини соддалаштириш, ушбу йўналишда давлат хизматини кўрсатиш ҳамда деградацияга учраган, унумсиз, захарли саноат чиқиндилари ва радиоактив моддалар билан ифлосланган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳолатини яхшилаш учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

консервация қилинадиган қишлоқ хўжалиги ерларини аниқлаш ва хатловдан ўтказиш тартиби;

давлат хизмати кўрсатилишини Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали ташкил этиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш лойиҳаси ва хулосасини ишлаб чиқиш, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш ҳамда тасдиқлаш тартиби;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш лойиҳасида белгиланган муддат тугагандан сўнг ушбу ерларни қишлоқ хўжалигида фойдаланишга қайтариш тартиби;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш тадбирларини молиялаштириш манбаларини белгилаш.

2. Белгилансинки:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш бўйича мурожаатлар ЯИДХП орқали қабул қилинади ҳамда «Е-іјага» ахборот тизимида (кейинги ўринларда — «Е-іјага» АТ) кўриб чиқилади;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан келишилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) Адлия вазирлиги ва Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 ноябрга қадар:

давлат хизматини кўрсатиш «Е-іјага» АТ ҳамда ЯИДХП орқали жорий этилишини таъминласин;

«Е-іјага» АТда ҳамда ЯИДХПда давлат хизмати кўрсатилишининг ҳар

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 18 сентябрда эълон қилинган.

бир босқичида мурожаатлар кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин;

б) Адлия вазирлиги билан биргаликда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан мазкур қарорга мувофиқ давлат хизмати кўрсатилишининг белгиланган тартиби бажарилиши устидан тегишлилиги бўйича «Е-іјага» АТ ҳамда ЯИДХП орқали назорат ўрнатсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 17 сентябрь,
590-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 17 сентябрдаги 590-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация
қилиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент деградацияга учраган, унумсиз, заҳарли саноат чиқиндилари ва радиоактив моддалар билан ифлосланган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

«Е-іјага» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Е-іјага» АТ) — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш бўйича материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ҳамда тегишли ташкилотлар билан келишиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш лойиҳалари ва хулосаларни шакллантириш ва тасдиқлашда фойдаланиладиган автоматлаштирилган ахборот тизими;

ариза берувчи — ўзига ижара (умрбод эгалик қилиш ёки доимий фойдаланиш) ҳуқуқи асосида бириктирилган ер майдони мавжуд бўлган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш (товар ишлаб чиқариш) билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахс (фермер хўжалиги, агрокластер, кооперация, деҳқон хўжалиги ва бошқа тадбиркорлик субъектлари), шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимликлари;

ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги ва-зирлиги;

деградацияга учраган ерлар — табиий ва антропоген омиллар, хўжалик ва бошқа фаолиятнинг салбий таъсирлари натижасида тупроқ сифати ёмонлашган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар;

ерларни консервация қилиш — деградацияга (шўрланишга, чўлланишга, ботқоқлашишга ҳамда яйлов ва пичанзорларда тупроқ-ўсимлик қоплами жиддий таназзулга) учраган, унумсиз, ҳосилдорлиги жуда пасайган ва табиий хусусиятлари бўйича салбий тавсифларга эга тупроқлар, юқори даражада захарли саноат чиқиндилари, радиоактив моддалар, оғир металллар ва бошқа кимёвий элементлар билан ифлосланган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг унумдорлик ва табиий хусусиятларини тиклаш, бузилган ерларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини ва деградация суръатларини пасайтириш ҳамда унинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга мақсадли фойдаланишдан чиқариш;

ишчи органлар — ер участкасининг тупроқ ҳолатини ва сифат кўрсаткичларини аниқлаб берадиган Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти ҳамда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш лойиҳасини ва хулосасини тайёрлаш, ер участкасини жойида кўрсатиб берадиган «Ўздаверлоиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институти;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун фойдаланиладиган ер участкалари (суғориладиган ва лалми — ҳайдалма ерлар, бўз ерлар, кўп йиллик мевали-резавор дов-дарахтлар, тоқзорлар ва бошқа дарахтлар билан банд бўлган ерлар, яйлов ва пичанзорлар);

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш лойиҳаси — ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган консервация қилиш муддатлари тўғрисида комплекс маълумотлар ҳамда консервация қилиш ишлари акс эттириладиган лойиҳа;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш тўғрисида хулоса — қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш мақсадга мувофиқлиги (ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги) тўғрисида ваколатли органнинг тасдиқланган, QR — коди туширилган электрон хулосаси.

унумсиз ерлар — мақсадли фойдаланиш учун экологик хавfli ва иқтисодий жиҳатдан самарасиз деб топилган, тупроқ унумдорлиги жуда паст ва табиий хусусиятлари бўйича салбий тавсифланадиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлари;

3. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қуйидаги ҳолларда консервация қилинади:

экологик талаблар бузилиши натижасида тупроқ кучли эрозияга, шўрланишга, чўлланишга, ботқоқлашишга учраганда ҳамда яйлов ва пичанзорларда тупроқ-ўсимлик қоплами жиддий таназзулга учраганда;

тупроқнинг инсон саломатлиги учун хавfli даражада кимёвий моддалар ва бошқа турдаги ифлослантирувчилар билан зарарланиши ёки шўрланиши

ёки ишқорлилик даражасининг ошиши натижасида ерларнинг бузилиши юзга келганда;

тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлиги жуда пасайганда (унумсиз) ҳамда табиий хусусиятлари бўйича салбий тавсифларга эга бўлганда;

ерлар йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий концентрациялардан юқори даражада заҳарли саноат чиқиндилари, радиоактив моддалар, оғир металлар ва бошқа кимёвий элементлар билан ифлосланганда;

ер участкалари собиқ қишлоқ хўжалиги аэродромлари сифатида фойдаланилган ерлар бўлганда.

4. Табиий-қишлоқ хўжалиги минтақаларидаги деградацияга учраган, кам маҳсулдор ҳамда заҳарли саноат чиқиндилари ва радиоактив моддалар билан ифлосланган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилишда ушбу Регламентга 1-иловада* келтирилган тупроқ таркибини тавсифловчи тахминий кўрсаткичлардан фойдаланилади.

5. Ер участкаси жисмоний ва юридик шахслар фойдаланишида ёки эгалигида бўлса, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларини консервация қилиш ер участкасидан фойдаланувчи (эгалик қилувчи) ташаббусига кўра амалга оширилади.

Агар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга нисбатан фойдаланиш ёки эгалик ҳуқуқи расмийлаштирилмаган бўлса, ерларни консервация қилиш туман ҳокимликлари ташаббусига кўра амалга оширилади.

6. Консервация қилинган ерларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланганлиги бўйича тури консервация қилинган барча даврда ўзгармайди ва статистика ҳисоботларида алоҳида сатрда кўрсатилади.

7. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларининг бузилишга олиб келган шахсларни аниқлаш ва етказилган зарарни қоплаш Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларига етказилган зарарлар, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларига, шунингдек, ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

8. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш бўйича давлат хизмати мазкур Регламентга 2-иловага* мувофиқ схема бўйича кўрсатилади.

2-боб. Консервация қилинадиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни аниқлаш ва хатловдан ўтказиш

9. Консервация қилинадиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан ер ресурсларини хатловдан ўтказиш, тупроқ, агрокимёвий

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ва геоботаник тадқиқотлар ва мониторинг (кузатув) натижаларини таҳлил қилиш асосида аниқланади.

Бунда, Сув хўжалиги вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги ўзлари ўтказган тадқиқот ва мониторинг натижалари асосида шакллантирилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларини консервация қилиш бўйича таклиф ва маълумотларини Ишчи органга тақдим этади.

10. Ишчи орган ер ресурсларини хатловдан ўтказиш, тупроқ, агро-кимёвий ва геоботаник тадқиқотлар ва мониторинг (кузатув) натижаларига кўра қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш тавсия этилаётган майдонлар тўғрисидаги маълумотларни ердан фойдаланувчига ва туман (шаҳар) ҳокимлигига тақдим этади.

11. Ердан фойдаланувчи ёки туман (шаҳар) ҳокимлиги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш жараёнини бошлаш учун Ишчи орган томонидан тақдим этилган маълумотлар асос бўлади.

3-боб. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартиби

12. Ариза берувчи Ишчи орган томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида ёки ўз ташаббусига кўра ўзига тегишли бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш учун Давлат хизматлари марказларига шахсан мурожаат қилади ёки давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда — ЯИДХП) рўйхатдан ўтади.

Шахсан мурожаат қилганда Давлат хизматлари марказлари ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, ариза берувчи ушбу Регламентга 3-иловадаги* шаклга мувофиқ давлат хизматидан фойдаланиш учун аризани электрон шаклда мустақил тўлдиради.

Ариза берувчи Давлат хизматлари марказларида давлат хизматидан фойдаланиш учун ваколатли вакили орқали ариза тўлдириши мумкин.

Бунда ваколатли вакил ўзининг ваколатли эканлигини тасдиқловчи ишончномани Давлат хизматлари марказлари ходимига тақдим этиши лозим.

Аризалар ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин. Бунда аризалар иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунлари тушганда, навбатдаги иш куни аризаларнинг ваколатли органга тушган ва ваколатли орган томонидан қабул қилинган кун ҳисобланади.

Ариза берувчидан ушбу Регламентга 3-иловада кўрсатилмаган маълумотларни ҳамда бошқа ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

13. Зарур маълумотлар аризага киритилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Мобил-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ариза берувчи ЯИДХП орқали давлат хизматидан фойдаланганда, аризани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

14. Давлат хизмати кўрсатилгани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Агар ариза «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган шахс ёки I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс томонидан берилган бўлса, бундай шахсларнинг аризалари бўйича ушбу банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида кўрсатилган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида чегирма қўлланади (тадбиркорлик фаолияти мақсадларида ёки юридик шахслар вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар бундан мустасно).

Давлат хизмати учун йиғим ундирилгани ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

15. Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

18 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

0,5 фоизи — Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигининг «Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

қолган маблағларнинг:

20 фоизи — Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

20 фоизи — Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтининг шахсий ҳисобварағига;

45 фоизи — Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Ўздаверлоиҳа» давлат илмий лойиҳалаш институтининг шахсий ҳисобварағига;

15 фоизи — «Агросаноатни рақамлаштириш маркази» масъулияти чекланган жамиятнинг шахсий ҳисобварағига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини кўрсатишни ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

11,75 фоизи (шундан 0,5 фоизи — Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатилганда) — Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигининг «Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

қолган маблағларнинг:

20 фоизи — Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжа-

лигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

20 фоизи — Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтининг шахсий ҳисобварағига;

45 фоизи — Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Ўздаверлойиха» давлат илмий лойиҳалаш институтининг шахсий ҳисобварағига;

15 фоизи — «Агросаноатни рақамлаштириш маркази» масъулияти чекланган жамиятнинг шахсий ҳисобварағига ўтказилади.

16. Ариза берувчи қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тўғрисидаги маълумотлар ишчи орган томонидан «Е-іјага» АТга киритилгунига қадар давлат хизматидан фойдаланишни рад этиш ҳуқуқига эга.

Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишни рад этганда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасининг шахсий ҳисобварағига ўтказилади.

17. Ариза берувчи Давлат хизматлари марказларига шахсан мурожаат қилганда, ариза тўлдирилган пайтдан бошлаб реал вақт режимида ишчи органлар томонидан «Е-іјага» АТ орқали кўриб чиқиш учун юборилади.

ЯИДХП орқали ариза топширилганда ариза автоматик равишда «Е-іјага» АТ орқали ишчи органларга юборилади.

18. Ишчи органлар ариза берувчининг аризасини олган кундан бошлаб:

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти беш иш куни давомида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни жойига чиқиб ўрганади, унинг тупроқ ҳолати ва сифат кўрсаткичларини аниқлайди ҳамда маълумотларни «Е-іјага» АТга киритади;

«Ўздаверлойиха» давлат илмий лойиҳалаш институти ўн иш куни давомида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни жойига чиқиб ўрганади, контур рақами, ер тури бўйича маълумотларни шакллантиради, тупроқ ҳолати ва сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни инobatга олган ҳолда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш лойиҳасини ишлаб чиқади ҳамда хулоса тайёрлайди, лойиҳа ва хулосани келишиш учун «Е-іјага» АТ орқали Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига юборади.

19. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш лойиҳаси мазкур Регламентга 4-иловага*, хулоса эса 5-иловага* мувофиқ тайёрланади.

20. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан ўн иш куни давомида кўриб чиқилади ҳамда «Е-іјага» АТ орқали келишилади.

Бунда:

Сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг

* 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мелиоратив ҳолати, ирригация ва мелиорация тизимларининг ишчи ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўрганати ва келишади;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг заҳарли саноат чиқиндилари ва радиоактив моддалар билан ифлосланганлик даражасини аниқлайди, шунингдек, (ўрмон хўжалиги ерларида) ўрмон фонди таркибидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳолатларини ўрганати ҳамда маълумотларни киритади.

Зарур ҳолларда тупроқ сифати (ифлосланиши ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш лойиҳасига ва хулосасига киритилади.

Ерлар деградацияси даражасини пасайтириш, бузилган ерларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш ҳамда келгусида деградацияга учрашининг олдини олиш мақсадларига эришиш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш бўйича назарда тутилган тадбирларнинг етарлилиги ва асосланганлиги лойиҳани келишиш предмети ҳисобланади.

21. Агар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш лойиҳаси ва хулосаси Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан ўн иш куни давомида кўриб чиқилмаса, лойиҳа ва хулоса келишилган деб ҳисобланади.

22. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш лойиҳаларини техник лойиҳалар (дастурлар) экспертизасидан ўтказиш талаб этилмайди.

23. Ишчи органлар уч иш куни давомида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан келишилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш лойиҳасини ва хулосасини кўриб чиқади ҳамда тасдиқлаш ёки рад этиш учун «Е-йага» АТ орқали ваколатли органга юборади.

24. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш ишларини амалга ошириш муддати хулосада кўрсатилади ва ушбу муддат беш йилдан йигирма йилгача белгиланади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш бўйича консервация қилиш лойиҳасини амалга оширишда муаллифлик назоратини амалга оширишга рухсат этилади.

25. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш лойиҳаси ва хулосаси уч иш куни ичида ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган лойиҳа ва хулоса «Е-йага» АТ орқали «Ўздаверлоиҳа» давлат илмий лойиҳалаш институтига юборилади.

26. Ишчи органлар уч иш куни давомида тасдиқланган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш лойиҳасини ва хулосасини ариза берувчига тақдим этиш учун Давлат хизматлари марказларига ёки ЯИДХПга юборади;

жойига чиққан ҳолда ариза берувчига консервация қилинган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг чегараларини белгилаб беради ҳамда ер участкаси чегарасига ушбу ернинг консервация қилингани тўғрисида белги қўяди.

27. Ариза берувчи қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш лойиҳасини ва хулосасини олгандан сўнг ушбу ерларни консервация қилиш чораларини кўради.

28. Қўйидагилар ваколатли орган томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш лойиҳасини ва хулосасини тасдиқлашни рад этиш учун асос бўлади:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш лойиҳасида назарда тутилган тадбирлар ерлар деградацияси даражасини пасайтириш, атроф-муҳитга салбий таъсирларни ва ерларнинг кейинчалик деградациясининг олдини олиш мақсадларига эришишни таъминламаса;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш лойиҳасида кўрсатилган ер участкалари консервация қилиш талабларига номувофик бўлса;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш лойиҳасининг «Тушунтириш» бўлимида ишончсиз ва шубҳали маълумотлар мавжуд бўлса;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш даврида ушбу ерлардан белгиланган ва рухсат этилган мақсадда фойдаланиш бузилишига тааллуқли тадбирлар белгиланган бўлса.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш лойиҳасини ва хулосасини тасдиқлашни юқорида келтирилганлардан бошқа асосларга кўра рад этиш қатъиян тақиқланади.

29. Ариза берувчи рад жавобини олган кундан бошлаб бир ой муддат ичида ер участкасини консервация қилишни рад этиш учун асос бўлган камчиликларни бартараф этган ҳолда, давлат хизматини кўрсатганлик учун тўловни тўламасдан қайта ариза топширишга ҳақли.

Бунда ариза мазкур Регламент талаблари асосида такроран кўриб чиқилади.

30. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш лойиҳасида кўрсатилган ерлар консервация қилиш талабларига номувофик бўлса, лойиҳа қайта келишиш учун қабул қилинмайди.

31. Консервация даврида ер участкасидан фойдаланувчининг ерга нисбатан ижара (эгалик) ҳуқуқлари сақлаб қолинади ва ер участкалари қишлоқ хўжалиги фойдаланишидан чиқарилади.

Ер участкасидан фойдаланувчининг (эгалик қилувчининг) хоҳишига кўра консервация қилинаётган ерлар захира ерлар таркибига ўтказилиши мумкин.

32. Консервация қилинган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ҳосил олиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва экишга рухсат этилмайди.

Тупроқ унумдорлигини ошириш ва тупроқни озуқа моддалар билан бо-

йитиш учун экинларни яшил масса ҳолатида тупроққа ишлов беришда фойдаланиш ҳолатлари бундан мустасно.

33. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш лойиҳасида белгиланган муддат тугагандан сўнг бир ой муддат ичида ишчи органлар томонидан консервация қилинган ер участкаси жойига чиқиб ўрганилади.

Ўрганиш натижасига кўра ишчи органлар ер участкасини аввалги мақомига қайтариш, консервация муддатини узайтириш ёки ундан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликка йўналтирилган бошқа таклифлар тўғрисида хулоса тайёрлайди ҳамда «Е-іјага» АТ орқали ваколатли органга ва ариза берувчига тақдим этади.

4-боб. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш тадбирларини молиялаштириш

34. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари, ер участкасидан фойдаланувчи (эгаллик қилувчи) маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

35. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қуйидагилар молиялаштирилади:

тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларида назарда тутилган ерларни консервация қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

захирадаги ер ва тупроқларни консервация қилиш учун изланишлар ўтказиш ҳамда алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерларни консервация қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш доирасидаги илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

консервация қилинган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг мониторингини олиб бориш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилишни рағбатлантириш тадбирлари.

36. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан қуйидагилар молиялаштирилади:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурларда назарда тутилган ерларни консервация қилиш тадбирлари;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурларда назарда тутилган ерларни консервация қилишни рағбатлантириш тадбирлари.

37. Ер участкасидан фойдаланувчи (эгаллик қилувчи) маблағлари ҳисобидан қуйидагилар молиялаштирилади:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилишгача бўлган ҳужжатларни тайёрлаш;

ер участкасидан фойдаланувчининг (эгалик қилувчининг) айби билан ушбу Регламентнинг 3-бандида белгиланган ер бузилиши ҳолатлари юзага келганда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни консервация қилиш бўйича барча тадбирлар.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

38. Давлат хизматлари марказлари, ишчи органлар ўз фаолияти натижа-сида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

39. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқар-малари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари бажар-рилиши бўйича давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг фаолияти устидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

40. Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимла-рининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

41. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қо-нунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 17 сентябрдаги 590-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим ҳужжатлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ерларини консервация қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 17 декабр-даги 791-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Респуб-ликасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрел-даги ЎРҚ–682-сон Қонуни)» 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илова-нинг 960-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**560** Телекоммуникация бозорини босқичма-босқич либераллаштириш ҳамда рақобат бозорини шакллантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислохотларини янада жадаллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2024 йил 3 июндаги ПФ–85-сон Фармонида асосан телекоммуникация операторларининг инвестицион фаоллигини рағбатлантириш, халқаро Интернет тармоқларига уланиш тартибini ахборот ва миллий хавфсизликни тўлиқ таъминлаган ҳолда такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислохотларини янада жадаллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2024 йил 3 июндаги ПФ–85-сон Фармонида мувофиқ 2025 йил 1 январдан бошлаб мобиль ва (ёки) симли телекоммуникация тармоқларига эга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритадиган телекоммуникация операторларига тезкор-қидирув фаолияти, ахборот ва киберхавфсизлик тизимлари талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда синов тариқасида халқаро Интернет тармоқларига ўз тижорат эҳтиёжлари учун тўғридан-тўғри уланиш ҳуқуқи берилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мобиль ва (ёки) симли телекоммуникация тармоқларига эга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритадиган ва халқаро Интернет тармоқларига тўғридан-тўғри уланиш ҳуқуқига эга бўлмаган телекоммуникация операторларига (кейинги ўринларда — телекоммуникация операторлари) 2030 йил 1 январгача синов тариқасида (кейинги ўринларда — синов) фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш мақсадида халқаро Интернет тармоқларига ўз тижорат эҳтиёжлари учун тўғридан-тўғри уланиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги «Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази» ДУК, «Киберхавфсизлик маркази» ДУК, Электрон технологияларини ривожлантириш маркази, Давлат хавфсизлик хизмати ва бошқа ваколатли органлар билан биргаликда 2028 йил 1 июлга қадар Жаҳон савдо ташкилоти талабларини ҳамда замонавий телекоммуникация технологияларининг ривожланишини инобатга олган ҳолда телекоммуникация операторларининг халқаро Интернет тармоқларига тўғридан-тўғри уланишини такомиллаштириш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги халқаро Интернет тармоқларига уланишни мувофиқлаштириш бўйича масъул давлат ташкилоти, «Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 19 сентябрда эълон қилинган.

республика маркази» ДУК унинг ишчи органи (кейинги ўринларда — Ишчи орган) этиб белгилансин.

4. Белгилансинки, синовда иштирок этишни истаган телекоммуникация оператори:

ушбу қарорга иловада келтирилган Интернет тармоқларига ўз тижорат эҳтиёжлари учун тўғридан-тўғри уланиш бўйича синовда иштирок этиш учун вақтинча талаб ва шартларни (кейинги ўринларда — талаб ва шартлар) бажариши;

Ишчи орган билан халқаро Интернет тармоқларига ўз тижорат эҳтиёжлари учун тўғридан-тўғри уланиш бўйича синовда иштирок этиш талаб ва шартларининг бажарилиши ҳамда мониторинг қилиниши, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартнома шартларини бузганлик учун кўриладиган чоралар билан боғлиқ масалаларни акс эттирувчи ёзма келишувга эришган (шартнома имзолаган) бўлиши лозим.

5. Ишчи органга халқаро Интернет тармоқларига уланишни мувофиқлаштириш бўйича синовни ўтказиш даврида қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

халқаро Интернет тармоқларини ривожлантириш дастурларини ва мазкур йўналишда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

халқаро Интернет тармоқлари операторлари фаолият кўрсатиши учун тенг шароитлар яратиш;

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, «Киберхавфсизлик маркази» ДУК билан биргаликда халқаро Интернет тармоқларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлиги таъминланишида иштирок этиш;

синовда иштирок этиш учун шартнома тузиш бўйича телекоммуникация операторларининг мурожаатларини Рақамли технологиялар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Электрон технологияларини ривожлантириш маркази, «Киберхавфсизлик маркази» ДУК билан биргаликда бир ой муддатда ўрганиб чиқиш, шунингдек, шартномани имзолаш ёки имзолани асослан-тирган ҳолда рад этиш.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 18 сентябрь,
592-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 18 сентябрдаги 592-сон қарорига
ИЛОВА

Интернет тармоқларига ўз тижорат эҳтиёжлари учун тўғридан-тўғри уланиш бўйича синовда иштирок этиш учун ВАКТИНЧА ТАЛАБ ВА ШАРТЛАР

1-боб. Умумий талаб ва шартлар

1. Телекоммуникация операторлари томонидан халқаро Интернет тармоқларига ўз тижорат эҳтиёжлари учун тўғридан-тўғри уланишни вақтинча талаб ва шартлар асосида халқаро Интернет тармоқларига уланиш марказлари (кейинги ўринларда — ХИМ) орқали ташкил этиш.

2. Халқаро Интернет тармоқларига синов тариқасида ўз тижорат эҳтиёжлари учун тўғридан-тўғри уланувчи телекоммуникация операторлари республика ҳудуди бўйлаб, шу жумладан, олис ва чекка ҳудудларда магистрал оптик толали алоқа тармоқлари 50 фоиздан кам бўлмаган қамровга эга бўлиши, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш орқали рақамли тафовутни камайтириш ва аҳолининг кенг полосали телекоммуникация хизматларидан фойдаланиши учун ўз телекоммуникациялар тармоқларига эга бўлиши лозим.

3. Халқаро Интернет тармоқларига ўз тижорат эҳтиёжлари учун тўғридан-тўғри уланишда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи телекоммуникация операторлари томонидан телекоммуникация операторининг телекоммуникация тармоғи ва халқаро уланишлар схемаси, тармоқнинг умумий тавсифи, ХИМни қуриш лойиҳаси, техник схемаси ва унинг тавсифи, телекоммуникация операторининг халқаро Интернет тармоғига уланишидан келиб чиқиб, ўз тармоғини истиқболда ривожлантириш режасини ўз ичига олувчи лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни «Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази» ДУК Халқаро Интернет тармоқларига уланишни мувофиқлаштириш бўйича Ишчи органга топшириш.

Ишчи орган томонидан ҳужжат лойиҳаларини ушбу вақтинча талаб ва шартларга иловада* белгиланган тартибда ҳамда муддатларда Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Электрон технологияларини ривожлантириш маркази, «Киберхавфсизлик маркази» ДУК (кейинги ўринларда — ваколатли органлар) билан келишиш ва эксперт хулосаларини олиш.

2-боб. Халқаро Интернет тармоғига ўз тижорат эҳтиёжлари учун тўғридан-тўғри уланишда телекоммуникация оператори томонидан Ишчи органга тақдим этиладиган ҳужжатлар

1. Телекоммуникация операторининг халқаро Интернет тармоғига ула-

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ниш, ХИМни ташкил этиш, маълумотларни узатиш тармоқлари схемаси ва уларнинг тавсифи.

2. Тезкор-қидирув тадбирлари тизими фойдаланувчиси томонидан халқаро Интернет тармоғига уланиш учун телекоммуникация операторига қўйилган ташкилий ва техник талабларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумот.

3. Ваколатли органлар томонидан операторнинг ўз тармоғи орқали халқаро Интернет тармоғига уланиши учун ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича талабларнинг бажарилиши тўғрисида маълумотлар, жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг «Бутунжаҳон Интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори талабларининг бажарилиши тўғрисида маълумот.

4. Ташкил этилиши режалаштирилган ХИМнинг раҳбар ва муҳандис-техник лавозимларига номзодлар (шу жумладан, ХИМ раҳбари ўринбосари, бош администратор, администраторлар, навбатчи муҳандислар, энергетика мутахассислари ва ХИМни эксплуатация қилувчи ходимлар) тўғрисидаги маълумот.

3-боб. Телекоммуникация операторларининг ХИМ ходимларига тааллуқли алоҳида талаблар

1. Телекоммуникация операторлари томонидан ташкил этиладиган ХИМ раҳбари ва асосий муҳандис-техник ходимлари Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши шарт.

2. Ҳар бир ХИМ бўйича телекоммуникация оператори томонидан Ишчи орган билан келишган ҳолда, муҳим лавозимлар (шу жумладан, ХИМ раҳбари, муҳандис-техник ходимлар ҳамда тезкор-қидирув тадбирлари тизими, ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик йўналиши бўйича мутахассислар) номенклатураси тасдиқланади.

3. ХИМларга хизмат кўрсатувчи ходимларнинг сони телекоммуникация оператори томонидан ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб аниқланади. Шунингдек, ХИМларга хизмат кўрсатувчи ходимлар таркибида фаолияти телекоммуникация оператори томонидан молиялаштириладиган, ваколатли органларнинг тўрттадан кам бўлмаган вакиллари (телекоммуникация тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизими, ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича мутахассислар ҳамда раҳбар) бўлиши шарт.

4-боб. Ваколатли органлар билан ҳамкорликка қўйиладиган талаблар

1. Телекоммуникация операторлари томонидан ҳар бир ХИМ бўйича кундалик тартибда, фавқулодда ҳолат ва вазиятларда ваколатли органлар билан ўзаро ахборот алмашиш ва ҳамкорликда тезкор ишлаш юзасидан белгиланган тартибда йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни бажариш.

Бунда кечиктириб бўлмайдиган фавқулодда ҳолат ва вазиятларда ёки

зарурат юзага келганда, ХИМлар фаолияти ваколатли органлар томонидан назорат қилинади ва мувофиқлаштирилади.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудда юзага келадиган фавқуллодда ҳолат ва вазиятларда телекоммуникация тармоқларини ва хизматларини қонунчиликда белгиланган тартибда чеклаш ёки тўхтатиш.

5-боб. Халқаро Интернет тармоқларига ўз тижорат эҳтиёжлари учун тўғридан-тўғри уланиш учун техник талаблар

1. Халқаро Интернет тармоқларига уланиш учун республикада камида иккита ХИМни ташкил этиш ва уларни табиий ва техноген офатлар (сув тошқинлари, кўчки, техноген авариялар ва бошқалар) хавфи минимал бўлган, географик жиҳатдан бир-биридан узоқ ҳудудларда (турли вилоятларда) жойлаштириш.

2. Хавфсизлик бўйича тоифаланган объектлар сифатида қўриқланиши ва ҳимояга олиниши, шунингдек, хавфсизлик бўйича тоифаланган объектларга белгиланадиган ташкилий ва техник талабларнинг (периметрал деворлар, сигнализация, видеокузатув, қўриқлаш ва режим) бажарилиши.

3. Телекоммуникация тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизими, ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича қонунчилик ҳужжатлари талабларига тўлиқ жавоб бериши.

4. Халқаро уланиш нуқталари ва асосий боғламалар ускуна даражасида ва мантиқий жиҳатдан ўзаро захираланган бўлиши, жумладан, халқаро уланишлар ва ички магистрал тармоқлар барча даражада асосий ва захира магистрал тармоқлари орқали ташкил этилиши лозим.

5. Халқаро уланиш нуқталари ва асосий боғламаларида ўрнатиладиган техник ускуналар камида иккита турли давлатнинг ҳамда халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулоти бўлиши.

6. Ўрнатиладиган ускуналар замонавий технологияларни тўлиқ қўллаб-қувватлаши, мустақил тизимига (AS) ҳамда ҳудудий Интернет регистраторлари (Regional Internet Registry) томонидан ажратилган IP-манзиллар блокларига эга бўлиши.

7. Интернет хизматининг сифат кўрсаткичларини таъминлаш ва халқаро Интернет каналларида техник кўрсаткичлар ёмонлашувининг олдини олиш мақсадида ушбу каналлар ташкил этилган қурилмалардаги портларнинг кириш-чиқиш юкланишлари даражасининг 70 фоизлик тавсиявий миқдордан ошмаслигини таъминлаш.

8. Ўз эҳтиёжларини тўлиқ таъминлай оладиган қувватдаги асосий ва захира генераторлар ёки бошқа муқобил энергия манбалари ўрнатилиши, шу жумладан, иккитадан алоҳида подстанциядан келувчи юқори кучланишли линиялар орқали электр энергияси билан таъминланиши, бунда электр манбаларини ташкил этишда «яшил технология»ларга асосланган ечимларнинг устуворлигини таъминлаш.

9. «Давлат сирлари ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ахборотни ишловдан ўтказиш учун мўлжалланган, шунингдек, киберхавфсизликни таъ-

минлаш учун қўлланадиган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотларнинг республика ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талаблари»га мувофиқ сертификатланиши.

10. Халқаро Интернет тармоқлари орқали бўладиган турли киберхужумлар, жумладан, DDoS хужумлардан ҳамда пакетларни циркуляр айланишлардан ҳимояловчи воситаларнинг мавжуд бўлиши.

11. ХИМларда электрон ва бошқа хабарлар сир сақланишини ҳамда абонентлар ва уларнинг телекоммуникация тармоқларидаги ҳаракатлари тўғрисида маълумотларнинг белгиланган тартибда ҳимояланиши.

12. Шартноманинг амал қилиш ва уни бекор қилиш тартиби шартномада белгиланади. Шартнома лойиҳаси Ишчи орган томонидан ишлаб чиқилади ва ваколатли органлар билан келишилади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I**

561 “Budjet tashkilotlarida ishlovchi ayollarga homiladorlik va tug‘ish bo‘yicha nafaqa, fuqarolarning ayrim toifalariga uy-joy-kommunal xizmatlar haqini to‘lash bo‘yicha imtiyozlar o‘rniga qonunchilik hujjatlarida nazarda tutilgan oylik kompensatsiya pul to‘lovlari hamda bola tug‘ilganida beriladigan bir yo‘la nafaqani to‘lash bo‘yicha xarajatlarni moliyalashtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
18-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2080-1*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 1-iyundagi PF–82-son “Aholiga sifatli ijtimoiy xizmat va yordam ko‘rsatish hamda uning samarali nazorat tizimini yo‘lga qo‘yish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi, 2024-yil 14-noyabrdagi PF–185-son “Bolalarni ijtimoiy himoya qilish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmonlari hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 24-avgustdagi 506-son “2020 — 2024-yillarda O‘zbekiston Respublikasi davlat moliyasini boshqarish tizimini takomillashtirish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi va 2024-yil 4-martdagi 110-son “O‘zbekiston Respublikasi Hukumatining ayrim qarorlariga ba’zi ijtimoiy nafaqalarni to‘lash tartibini takomillashtirishga qaratilgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qarorlariga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2010-yil 5-fevraldagi 10-son “Budjet tashkilotlarida ishlovchi ayollarga homiladorlik va tug‘ish bo‘yicha nafaqa, fuqarolarning ayrim toifalariga uy-joy-kommunal xizmatlar haqini to‘lash bo‘yicha imtiyozlar o‘rniga qonunchilik hujjatlarida nazarda tutilgan oylik kompensatsiya pul to‘lovlari hamda bola tug‘ilganida beriladigan bir yo‘la nafaqani to‘lash bo‘yicha xarajatlarni moliyalashtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘iga (ro‘yxat raqami 2080, 2010-yil 23-fevral) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 8-son, 64-modda) ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 19-sentabrda e‘lon qilingan.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

J. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 12-avgust,
278-son

O'zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
12-avgustdagi 278-son buyrug'iga
ILOVA

“Budjet tashkilotlarida ishlovchi ayollarga homiladorlik va tug'ish bo'yicha nafaqa, fuqarolarning ayrim toifalariga uy-joy-kommunal xizmatlar haqini to'lash bo'yicha imtiyozlar o'rniga qonunchilik hujjatlarida nazarda tutilgan oylik kompensatsiya pul to'lovlari hamda bola tug'ilganida beriladigan bir yo'la nafaqani to'lash bo'yicha xarajatlarni moliyalashtirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqqa kiritilayotgan o'zgartirishlar

1. Buyruq muqaddimasi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“O'zbekiston Respublikasining Budjet kodeksi va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2009-yil 22-dekabdagi PQ–1245-son “O'zbekiston Respublikasining 2010-yilgi asosiy makroiqtisodiy ko'rsatkichlari va Davlat byudjeti parametrlari to'g'risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**”.

2. Nizomda:

1) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom budjet tashkilotlarida ishlovchi ayollarga homiladorlik va tug'ish bo'yicha nafaqa, fuqarolarning ayrim toifalariga uy-joy-kommunal xizmatlar haqini to'lash bo'yicha imtiyozlar o'rniga qonunchilik hujjatlarida nazarda tutilgan oylik kompensatsiya pul to'lovlari hamda bola tug'ilganida beriladigan bir yo'la nafaqani to'lash bo'yicha xarajatlarni moliyalashtirish tartibini belgilaydi.”;

2) 1-bandning to'rtinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Bunda:

a) fuqarolarning ayrim toifalariga uy-joy-kommunal xizmatlar haqini to'lash bo'yicha imtiyozlar o'rniga qonunchilik hujjatlarida nazarda tutilgan oylik kompensatsiya pul to'lovlari bo'yicha xarajatlar:

respublika budjeti hisobidan pensiya oluvchilarga — pensiya tayinlangan tashkilot orqali;

O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi budjetdan tashqari Pensiya jamg'armasi (bundan buyon matnda Jamg'arma deb yuritiladi) hisobidan pensiya oluvchilarga — Pensiya jamg'armasi orqali;

nafaqa oluvchilarga — O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi orqali;

pensiya yoki nafaqa olmaydigan uy-joy-kommunal xizmatlar haqini to'lash bo'yicha kompensatsiya pul to'lovlarini olish huquqiga ega bo'lgan shaxslarga — Pensiya jamg'armasi orqali;

b) bola tug'ilganida beriladigan bir yo'la nafaqa to'lash bo'yicha xarajatlar O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi orqali;

v) budjet tashkilotlarida ishlovchi ayollarga homiladorlik va tug'ish bo'yicha nafaqani to'lash bo'yicha xarajatlar ushbu budjet tashkilotlari orqali amalga oshiriladi.”;

3) 4 va 5-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“4. Fuqarolarning ayrim toifalariga uy-joy-kommunal xizmatlar haqini to'lash bo'yicha imtiyozlar o'rniga qonunchilik hujjatlarida nazarda tutilgan oylik kompensatsiya pul to'lovlari hamda bola tug'ilganida beriladigan bir yo'la nafaqani to'lashga ajratilgan budjet mablag'laridan maqsadli foydalanilishini ta'minlash maqsadida tegishli tashkilotlar “UzASBO” dasturiy majmuasi orqali belgilangan tartibda xarajatlar smetasini taqdim etadi.

5. Budjet tashkilotlarida ishlovchi ayollarga homiladorlik va tug'ish bo'yicha nafaqa, fuqarolarning ayrim toifalariga uy-joy-kommunal xizmatlar haqini to'lash bo'yicha imtiyozlar o'rniga qonunchilik hujjatlarida nazarda tutilgan oylik kompensatsiya pul to'lovlari hamda bola tug'ilganida beriladigan bir yo'la nafaqani to'lash bo'yicha xarajatlarni moliyalashtirish uchun budjet mablag'lari har yilgi Davlat budjeti parametrlarida nazarda tutiladi.”;

4) 6, 17, 19, 21-bandlar, 4-bob hamda 1 va 4-ilovalar o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin;

5) 7-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. Budjet tashkilotlari har oyda, hisobot oyidan keyingi oyning 10-sanasiga qadar tegishli iqtisodiyot va moliya organlariga mazkur Nizomning 2-ilovasiga muvofiq elektron shaklda budjet tashkilotlarida ishlovchi ayollarga homiladorlik va tug'ish bo'yicha nafaqani to'lash uchun budjetdan talab qilinadigan mablag'larni aniqlashga buyurtmanomani (bundan buyon matnda buyurtmanoma deb yuritiladi) “UzASBO” dasturiy majmuasi orqali taqdim etadi.”;

6) 8-bandning to'rtinchi xatboshisidagi “tegishli boshqarmalariga” degan so'zlar “tegishli tarkibiy bo'linmalariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

7) 9-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“9. Budjet tashkilotlarida ishlovchi ayollarga homiladorlik va tug'ish bo'yicha nafaqalarni to'lashga xarajatlar:

a) birinchi navbatda budjet tashkilotlarining xarajatlar smetasida O'zbekiston Respublikasi Davlat budjeti xarajatlar tasnifining tegishli moddalari bo'yicha ish haqi hamda unga tenglashtirilgan to'lovlarga ko'zda tutilgan va moliya yilining yakunlangan oy bo'yicha bo'shab qolgan budjet mablag'lari hisobidan amalga oshiriladi. Bunda:

budjet tashkilotlari mustaqil ravishda xarajatlar smetasiga ish haqi hamda unga tenglashtirilgan to'lovlar xarajatlari bo'yicha mablag'larni kamaytirish va tegishlicha ushbu budjet tashkilotlarida ishlovchi ayollarga homiladorlik va tug'ish

bo'yicha nafaqa xarajatlari uchun mablag'larni ko'paytirish yo'li bilan kiritiladigan o'zgartirishlarni "UzASBO" dasturiy majmuasi orqali amalga oshiradi;

tegishli iqtisodiyot va moliya organlari kerakli hisob-kitoblar asosida tegishli mahalliy budjetlarda ortiqcha rejalashtirilganligi aniqlangan mablag'lar, shtat birliklari to'ldirilmaganligi, shuningdek, tarmoq, shtatlar va kontingentlar bo'yicha reja bajarilmaganligi natijasida bo'shab qoladigan mablag'lar hisobiga Qoraqalpog'iston Respublikasi va mahalliy budjetlardan moliyalashtiriladigan budjet tashkilotlarida ishlovchi ayollarga homiladorlik va tug'ish bo'yicha nafaqa xarajatlari uchun mablag'larni ko'paytirish yo'li bilan aniqlik kiritish huquqiga egadirlar;

b) ish haqi xarajatlari bo'yicha bo'shab qolgan budjet mablag'lari mavjud bo'lmagan yoki budjet tashkilotlarida ishlovchi ayollarga homiladorlik va tug'ish bo'yicha nafaqani to'liq ta'minlash uchun yetarli bo'lmagan hollarda, budjet mablag'lari qo'shimcha ravishda mazkur Nizomda belgilangan tartibda budjetdan ajratiladi.”;

8) 10-banddagi “Budjet tashkilotlaridan olingan” degan so'zlar “Budjet tashkilotlaridan “UzASBO” dasturiy majmuasi orqali olingan” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

9) 13-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hisobot oyidan keyingi oyning 20-sanasiga qadar olingan buyurtmanomalar asosida “DMBAT-2” dasturiy majmuasida jamlashni amalga oshiradi va qonunchilikda belgilangan tartibda uch kun muddat ichida:”;

10) 15 va 16-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“15. Har oy, hisobot oyidan keyingi oyning 15-sanasidan kechikmagan holda Jamg'arma fuqarolarning ayrim toifalariga uy-joy-kommunal xizmatlar haqini to'lash bo'yicha imtiyozlar o'rniga qonunchilik hujjatlarida nazarda tutilgan oylik kompensatsiya pul to'lovlarini to'lash uchun talab qilinadigan mablag'larni aniqlaydi.

16. Bola tug'ilganida beriladigan bir yo'la nafaqalar O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligiga tegishli moliya yili uchun budjet parametrlarida nazarda tutilgan mablag'lar doirasida belgilangan tartibda moliyalashtiriladi.”;

11) 20-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“20. Agar yil mobaynida yuqorida ko'rsatilgan to'lov va nafaqa oluvchilar miqdorining o'zgarishi xarajatlar smetasida ko'zda tutilgan xarajatlarning oshishiga (kamayishiga) olib kelsa, tegishli tashkilotlar belgilangan tartibda O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligiga nafaqalarni to'lash bo'yicha xarajatlar smetasiga o'zgartirish kiritish uchun oluvchilarning o'zgargan miqdoriga zarur bo'lgan mablag'larning asoslangan hisob-kitoblarini taqdim qiladi.”;

12) 24-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“24. Budjet tashkilotlarida ishlovchi ayollarga homiladorlik va tug'ish bo'yicha nafaqa, fuqarolarning ayrim toifalariga uy-joy-kommunal xizmatlar haqini to'lash bo'yicha imtiyozlar o'rniga qonunchilik hujjatlarida nazarda tutilgan oylik

kompensatsiya pul to'lovlari hamda bola tug'ilganida beriladigan bir yo'la nafaqani to'lashga ajratilgan budjet mablag'laridan maqsadli foydalanilishini nazorat qilish O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining Davlat moliyaviy nazorati inspeksiyasi tomonidan qonunchilikka muvofiq amalga oshiriladi.”;

13) 2-ilovaning matnidagi “moliya” degan so'z “iqtisodiyot va moliya” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

14) 3-ilovaning matnidagi “moliya” va “Moliya” degan so'zlar tegishli ravishda “iqtisodiyot va moliya” va “Iqtisodiyot va moliya” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY GVARDIYASI QO‘MONDONINING
BUYRUG‘I

**562 O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi bo‘linmalariga
kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga nomzodlarni saralash
tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
18-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3210-5*

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasi fuqarolarini, chet el fuqarolarini hamda fuqaroligi bo‘lmagan shaxslarni yashash joyi va turgan joyi bo‘yicha ro‘yxatdan o‘tkazish to‘g‘risida”gi hamda “Davlat sirlari to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi qo‘mondonining 2019-yil 8-dekabrda 248-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3210, 2020-yil 13-yanvar) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 13.01.2020-y., 10/20/3210/0049-son) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi bo‘linmalariga kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga nomzodlarni saralash tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Qo‘mondon

R. DJURAYEV

Toshkent sh.,
2025-yil 9-sentabr,
268-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 19-sentabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Milliy gvardiyasi qo'mondonining 2025-yil
9-sentabrdagi 268-son buyrug'iga
ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi bo'linmalariga
kontrakt bo'yicha harbiy xizmatga nomzodlarni saralash tartibi
to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. 11-banddagi “doimiy yashash joyi” va “Vaqtincha yashash joyi” degan so'zlar tegishli ravishda “yashash joyi” va “Turgan joyi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. 60-bandning birinchi xatboshisidagi “maxfiy ma'lumotlar bilan ishlash uchun belgilangan shakldagi ruxsatnomaga” degan so'zlar “davlat sirlaridan foydalanishga doir ruxsatnomaga” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. 2-ilova matnidagi “doimiy yoki vaqtinchalik yashash manzili” degan so'zlar “yashash joyi yoki turgan joyi manzili” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

563 Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахслар даволанадиган касалликлар рўйхатига қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3632-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги ПҚ–311-сон «Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2025 йил 9 июндаги 7-сон буйруғи (рўйхат рақами 3632, 2025 йил 19 июнь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.06.2025 й., 10/25/3632/0535-сон) билан тасдиқланган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахслар даволанадиган касалликлар рўйхатига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ХУДАЯРОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 12 сентябрь,
10-сон

Келишилди:

Иқтисодиёт ва молия вазир

Д. КУЧКАРОВ

2025 йил 8 сентябрь

*Рақобатни ривожлантириш ва
истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш қўмитаси раиси*

Ҳ. ТУРАХУЖАЕВ

2025 йил 20 август

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 19 сентябрда эълон қилинган.

*Давлат тиббий суғуртаси
жамғармаси ижро этувчи директори* **З. ЭРМАТОВ**

2025 йил 21 август

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2025 йил
12 сентябрдаги 10-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага
кирувчи шахслар даволанадиган касалликлар рўйхатига
киритилаётган қўшимча ва ўзгартириш**

1. 20-боб қуйидаги мазмундаги позициялар билан тўлдирилсин:

«

Ўтқир ости склерозланувчи панэнцефалит					
Касалликнинг енгил ва ўрта даражаси	0.1	A81.1	+	-	+
Касалликнинг оғир даражаси	0.2		-	+	-

».

2. Изоҳ қисмининг 2-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) туман (шаҳар) даражасидаги марказий шифохоналарда ушбу рўйхатга киритилмаган, шунингдек, етарли моддий техника база ва (ёки) мутахассислар мавжуд бўлган тақдирда ушбу рўйхатга киритилган барча касалликларни қабул қилишга йўл қўйилади;».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

564 Республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3676

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 июндаги ПФ–95-сон «Давлат фуқаролик хизматини янги ёндашувлар асосида ташкил этиш ҳамда профессионал ва натижадорликка йўналтирилган давлат хизматчилари корпусини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2025 йил 7 августдаги ПФ–129-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 июндаги ПФ–95-сон Фармони билан тасдиқланган Республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор в.б.

У. ХУСАИНОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 15 сентябрь,
4-2025-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 19 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Бошқарув
самарадорлиги агентлиги директорининг
2025 йил 15 сентябрдаги
4-2025-сон буйруғига
ИЛОВА

**Республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) даражасидаги давлат
органлари давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат
реестрига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари» бўлими қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари				
45.	Раис/ҳоқим	Сиёсий	Раҳбар кадрлар	2-даражали маслаҳатчи
46.	Раис/ҳоқимнинг биринчи ўринбосари	Бошқарув	Раҳбар кадрлар	3-даражали маслаҳатчи
47.	Раис/ҳоқим ўринбосари	Бошқарув	Раҳбар кадрлар	3-даражали маслаҳатчи
48.	Раис/ҳоқим маслаҳатчиси	Бошқарув	Бошқарув кадрлари	1-даражали хизматчи
49.	Маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси	Бошқарув	Бошқарув кадрлари	1-даражали хизматчи
50.	Девон раҳбари	Бошқарув	Бошқарув кадрлари	1-даражали хизматчи
51.	Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари, ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари, ахборот хизмати раҳбари, ижро интизоми назорати бўлими бошлиғи, котибият мудири, девон раҳбари ўринбосари	Бошқарув	Бошқарув кадрлари	2-даражали хизматчи
52.	Бошқарма бошлиғи	Бошқарув	Бошқарув кадрлари	2-даражали хизматчи
53.	Бўлим бошлиғи, бош ҳисобчи, лойиҳа офиси бошлиғи, ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари ўринбосари	Бошқарув	Бошқарув кадрлари	3-даражали хизматчи
54.	Шўъба мудири, гуруҳ раҳбари, юридик хизмат бошлиғи, бошқарма бошлиғи ўринбосари	Бошқарув	Бошқарув кадрлари	3-даражали хизматчи
55.	Раис (ҳоқим) ёрдамчиси, бўлим бошлиғи ўринбосари	Бошқарув	Бошқарув кадрлари	3-даражали хизматчи
56.	Бош мутахассис (бош юрисконсулт, лойиҳа менежери)	Ёрдамчи	Мутахассислар	4-даражали хизматчи
57.	Етакчи мутахассис (етакчи юрисконсулт, энергия менежери)	Ёрдамчи	Мутахассислар	5-даражали хизматчи
57 ¹ .	Мутахассис (юрисконсулт)	Ёрдамчи	Мутахассислар	5-даражали хизматчи

».

2. «Туман (шаҳар) ҳокимликлари» бўлими қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

Туман (шаҳар) ҳокимликлари				
73.	Ҳоким	Бошқарув	Раҳбар кадрлар	1-даражали хизматчи
74.	Ҳокимнинг биринчи ўринбосари	Бошқарув	Бошқарув кадрлари	2-даражали хизматчи
75.	Ҳоким ўринбосари	Бошқарув	Бошқарув кадрлари	2-даражали хизматчи
76.	Ҳоким маслаҳатчиси, ҳокимнинг чегара бўйича ёрдамчиси	Бошқарув	Бошқарув кадрлари	3-даражали хизматчи
77.	Ижро аппарати раҳбари, ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари, ахборот хизмати раҳбари, котибият мудири	Бошқарув	Бошқарув кадрлари	3-даражали хизматчи
78.	Бўлим бошлиғи, бош ҳисобчи	Бошқарув	Бошқарув кадрлари	3-даражали хизматчи
79.	Гуруҳ раҳбари, шўъба (девонхона) мудири, ҳоким ёрдамчиси	Ёрдамчи	Мутахассислар	4-даражали хизматчи
80.	Бош мутахассис (бош юрисконсулт, лойиҳа менежери)	Ёрдамчи	Мутахассислар	5-даражали хизматчи
81.	Етакчи мутахассис (етакчи юрисконсулт)	Ёрдамчи	Мутахассислар	5-даражали хизматчи
82.	Мутахассис (юрисконсулт)	Ёрдамчи	Мутахассислар	6-даражали хизматчи

».

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI ELEKTR
ENERGIYASI, NEFT MAHSULOTLARI VA GAZDAN
FOYDALANISHNI NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV XO‘JALIGI VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO‘JALIGI VAZIRLIGINING
QARORI

565 Ruxsatnomalar, tarqatish vedomostlari va limit kitobchalari bo‘yicha avtotransport vositalariga yonilg‘i quyish uchun neft mahsulotlari, suyultirilgan va siqilgan tabiiy gazni berish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 18-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2072-2

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 22-fevraldagi 87-son “O‘zbekiston Respublikasi Hukumatining o‘z ahamiyatini yo‘qotgan ayrim qarorlarini o‘z kuchini yo‘qotgan deb hisoblash to‘g‘risida (O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘z ahamiyatini yo‘qotgan qonunchilik hujjatlarini qayta ko‘rib chiqish tizimini joriy etish orqali mamlakatda ishbilarmonlik muhitini yaxshilash chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2020-yil 27-sentabrdagi PF–6075-son Farmoni)”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasi, Qishloq xo‘jaligi vazirligi, Suv xo‘jaligi vazirligi va Transport vazirligi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O‘zbekiston neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish davlat inspeksiyasi, Qishloq va suv xo‘jaligi vazirligi, O‘zbekiston avtomobil va daryo transporti agentligining 2009-yil 25-dekabrda 01/07-1220, 7/2, 1/141-son qarori (ro‘yxat raqami 2072, 2010-yil 23-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 3-4-son, 30-modda) bilan tasdiqlangan Ruxsatnomalar, tarqatish vedomostlari va limit kitobchalari bo‘yicha avtotransport vositalariga yonilg‘i quyish uchun neft mahsulotlari, suyultirilgan va siqilgan tabiiy gazni berish qoidalariga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Raqobatni rivojlantirish va iste‘molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasi va Markaziy bank bilan kelishilgan.

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 19-sentabrda e‘lon qilingan.

3. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

O'zenergoinspeksiya boshlig'i**X. ESHQO'ZIYEV**

Toshkent sh.,
2025-yil 27-avgust,
10-son

Transport vaziri**I. MAXKAMOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 26-avgust,
12-son

Suv xo'jaligi vaziri**Sh. XAMRAYEV**

Toshkent sh.,
2025-yil 25-avgust,
25-4543-son

Qishloq xo'jaligi vaziri**I. ABDURAXMONOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 27-avgust,
36-son

Kelishildi:

Iqtisodiyot va moliya vaziri***D. KUCHKAROV***

2015-yil 21-avgust

***Raqobatni rivojlantirish va
iste'molchilar huquqlarini himoya
qilish qo'mitasi raisi******H. TURAXUJAYEV***

2015-yil 6-avgust

Markaziy bank raisi***T. ISHMETOV***

2015-yil 8-avgust

O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Elektr
energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan
foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasining
2025-yil 27-avgustdagi 10-son, Qishloq xo'jaligi
vazirligining 2025-yil 27-avgustdagi 36-son, Suv
xo'jaligi vazirligining 2025-yil 25-avgustdagi
25-4543-son, Transport vazirligining 2025-yil
26-avgustdagi 12-son qaroriga
ILOVA

**Ruxsatnomalar, tarqatish vedomostlari va limit kitobchalari
bo'yicha avtotransport vositalariga yonilg'i quyish uchun neft
mahsulotlari, suyultirilgan va siqilgan tabiiy gazni berish
qoidalariga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. Muqaddimadan "O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1998-yil 31-dekabrda 542-sonli "Neft mahsulotlari, suyultirilgan va siqilgan gaz sotish tizimini tartibga solish, ulardan foydalanish va avtotransport vositalarining ishlatilishi ustidan nazoratni kuchaytirish to'g'risida"gi qaroriga muvofiq" degan so'zlar chiqarib tashlansin.

2. 28-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"Korporativ bank kartalari asosida berilgan neft mahsulotlari va gaz uchun hisob-kitoblarni amalga oshirish tartibi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-fevraldagi 108-son "Davlat xaridlarini korporativ bank kartalari orqali amalga oshirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori hamda O'zbekiston Respublikasi hududida bank kartalarining chiqarilishi va muomalada bo'lishi qoidalari to'g'risidagi nizomga (ro'yxat raqami 3294, 2021-yil 3-aprel) muvofiq amalga oshiriladi."

3. 33-banddan "Yuridik shaxslar tomonidan kassa operatsiyalarini yuritish qoidalari"ga (ro'yxat raqami 565, 1998-yil, 17-dekabr) muvofiq" degan so'zlar chiqarib tashlansin.

4. 40-banddagi "Buxgalterlik hisobida hujjatlar va hujjatlar aylanuvi to'g'risida"gi nizomga (ro'yxat raqami 1297, 2004-yil 14-yanvar) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2004-yil, 1-2-son, 24-modda)" degan so'zlar "Buxgalteriya hisobida hujjatlar va hujjatlar aylanishi to'g'risidagi nizomga (ro'yxat raqami 3538, 2024-yil 30-iyul)" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOLIQ QO‘MITASINING
QARORI

566 **Budjet tizimi budjetlari daromadlarining kassa ijrosi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirishlar kiritish haqida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
18-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2771-6*

O‘zbekiston Respublikasining Budjet, Soliq va Bojxona kodekslari hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi G‘aznachilik xizmati qo‘mitasi hamda budjetdan tashqari Pensiya jamg‘armasi tomonidan zamonaviy xizmatlarni joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2025-yil 26-iyundagi PF–105-son Farmoni va 2007-yil 28-fevraldagi PQ–594-son “Davlat budjetining g‘azna ijrosi tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Soliq qo‘mitasi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Davlat soliq qo‘mitasi va Davlat bojxona qo‘mitasining 2016-yil 24-martdagi 20, 2016-14, 01-02/8-10-son qarori (ro‘yxat raqami 2771, 2016-yil 30-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 13-son, 124-modda) bilan tasdiqlangan Budjet tizimi budjetlari daromadlarining kassa ijrosi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki bilan kelishilgan.
3. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Iqtisodiyot va moliya vaziri

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 21-avgust,
280-son

Soliq qo‘mitasi raisi

Sh. KUDBIYEV

Toshkent sh.,
2025-yil 14-avgust,
2025-17-son

Kelishildi:

Markaziy bank raisi

T. ISHMETOV

2025-yil 24-iyul

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 20-sentabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Iqtisodiyot va moliya vazirligining
2025-yil 21-avgustdagi 280-son hamda
Soliq qo'mitasining 2025-yil 14-avgustdagi
2025-17-son qaroriga
ILOVA

Budjet tizimi budjetlari daromadlarining kassa ijrosi to'g'risidagi yo'riqnomaga kiritilayotgan o'zgartirishlar

1. 33³-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“33³. Davlat soliq xizmati organi axborot tizimidan “O'RIMV” ATga elektron tarzda yuborilgan mablag'larni qaytarish yoki hisobga olish to'g'risida elektron topshiriqnoma bir ish kuni mobaynida “O'RIMV” ATda inson omilisiz avtomatik ravishda ma'qullanadi va ijroga qabul qilinadi.”.

2. 33⁴-bandda:

birinchi xatboshi chiqarib tashlansin;

ikkinchi xatboshi birinchi xatboshi deb hisoblansin.

3. 34-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Bunda “UzASBO” DMga ulangan soliqlardan tashqari to'lovlarni undirish bo'yicha vakolatli organlar mablag'larni qaytarish yoki hisobga olish uchun topshiriqnomani elektron raqamli imzo bilan imzolagan holda elektron ravishda “O'RIMV” ATga yuborishlari mumkin hamda mazkur topshiriqnoma bir ish kuni mobaynida “O'RIMV” ATda inson omilisiz avtomatik tarzda ma'qullanadi va ijroga qabul qilinadi.”.

4. 34²-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“34². Ma'muriy, iqtisodiy va fuqarolik ishlari bo'yicha sudlarning jismoniy va yuridik shaxslar tomonidan ortiqcha to'langan davlat bojini qaytarish bo'yicha sud qarori (ajrimi, buyrug'i) mavjud bo'lganda, vakolatli organ tomonidan topshiriqnoma elektron raqamli imzo bilan imzolagan holda, elektron ravishda “O'RIMV” ATga yuboriladi hamda mazkur topshiriqnoma bir ish kuni mobaynida “O'RIMV” ATda inson omilisiz avtomatik tarzda ma'qullanadi va ijroga qabul qilinadi.

Elektron topshiriqnoma tuzishning imkoniyati mavjud bo'lmagan hollarda, topshiriqnomalar yoki sud qarori (ajrimi, buyrug'i) vakolatli organing yozma murojaatiga asosan tegishli g'aznachilik xizmati bo'limlariga qog'oz shaklida yuborilishi mumkin.

Bunda, g'aznachilik xizmati bo'limlari topshiriqnoma yoki sud qarori (ajrimi, buyrug'i) qog'oz shaklida taqdim qilinganidan so'ng, bir ish kuni mobaynida ushbu hujjatlarda ko'rsatilgan to'lovchining rekvizitlari va summalarni “O'RIMV” ATdagi ma'lumotlar bilan solishtiradilar. Barcha ma'lumotlar o'zaro muvofiq bo'lganida taqdim etilgan topshiriqnoma yoki sud qarori (ajrimi, buyrug'i) mablag'larni ularda ko'rsatilgan daromad shaxsiy g'azna hisobvarag'idan joriy tushumlar hisobidan qaytarish yoki hisobga olish uchun tegishli g'aznachilik xizmati bo'limlari tomonidan ijroga qabul qilinadi.”.

5. 34³-bandda:

birinchi xatboshi chiqarib tashlansin;
ikkinchi xatboshi birinchi xatboshi deb hisoblansin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

567 O‘zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti
(2-sonli BHS) “Yagona schyotlar rejasi”ga qo‘shimcha va
o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
18-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3078-6*

O‘zbekiston Respublikasi Budjet kodeksi va O‘zbekiston Respublikasining
“Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2018-yil 10-sentabrdagi 125-son
buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3078, 2018-yil 20-oktabr) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari
milliy bazasi, 22.10.2018-y., 10/18/3078/2073-son) bilan tasdiqlangan
O‘zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (2-sonli BHS) “Yagona
schyotlar rejasi”ga ilovaga muvofiq qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 15-avgust,
279-son

O‘zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
15-avgustdagi 279-son buyrug‘iga
ILOVA

**O‘zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti
(2-sonli BHS) “Yagona schyotlar rejasi”ga kiritilayotgan
qo‘shimcha va o‘zgartirishlar**

1. Quyidagi mazmundagi 70¹ — 70³-bandlar bilan to‘ldirilsin:

“70¹. 102 420 “Davlat muassasalari mablag‘lari” subschyotining debetida
davlat muassasalariga pul mablag‘larining kelib tushishi va subschyotning
kreditida pul mablag‘larining hisobdan chiqarilishi aks ettiriladi.

70². 102 421 “Davlat maqsadli va boshqa budjetdan tashqari jamg‘armalarning
mablag‘lari” subschyotida qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda davlat
maqsadli va boshqa budjetdan tashqari jamg‘armalar bo‘yicha daromadlar,
tushumlar va ushbu subschyotlardan amalga oshiriladigan xarajatlar hisobi
yuritiladi.

70³. 102 422 “Boshqa jamg‘armalar mablag‘lari” subschyotida qonunchilik

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 20-sentabrda e‘lon qilingan.

hujjatlarida belgilangan tartibda budjet tashkilotlarining boshqa jamg'armalari bo'yicha daromadlar, tushumlar va ushbu subschyotdan amalga oshiriladigan xarajatlar hisobi yuritiladi.”.

2. 88-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Budjet tashkilotlari tomonidan naqd pul mablag'lari olish uchun tranzit hisobvaraqlariga mablag'lar o'tkazilganda, 111 100 “Budjet hisobidan naqd pul olish uchun tranzit hisobvaraqlariga o'tkazilgan mablag'lar” va 111 300 “Budjet tashkilotlarining budjetdan tashqari mablag'lari hisobidan naqd pul olish uchun tranzit hisobvaraqlariga o'tkazilgan mablag'lar” subschyotlari debetlanadi va tegishli pul mablag'larini aks ettiruvchi schyotlarning subschyotlari kreditlanadi.”.

3. 90-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“90. 111 500 “Hisob-kitob kliring palatasiga o'tkazilgan va tashqi hisob-kitoblar bo'yicha maqsadli mablag'lar” subchyotida budjet tashkilotlarining budjet va budjetdan tashqari mablag'lari hisobidan davlat xaridlari bo'yicha Hisob-kitob kliring palatasining tranzit schyotlariga to'lovlari va tashqi hisob-kitoblar bo'yicha maqsadli mablag'lari hisobi yuritiladi.”;

ikkinchi va uchinchi xatboshilar “o'tkazilgan” degan so'zdan keyin “va tashqi hisob-kitoblar bo'yicha maqsadli” degan so'zlar bilan to'ldirilsin.

4. 133¹-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“133¹. 166 000 “Tovarlar” subschyotida boshqa tashkilotlarga markazlashgan tartibda berilishi uchun mo'ljallangan, tashkilot faoliyatida foydalanishi nazarda tutilmagan tovar-moddiy qiymatliklar hisobga olinadi.”.

5. Quyidagi mazmundagi 133²-band bilan to'ldirilsin:

“133². 170 000 “Tovar-moddiy zaxiralarga xarajatlar” subschyotida tovar-moddiy zaxiralarni xarid qilish va yetkazib berish bilan bog'liq barcha xarajatlar hisobga olinadi.

Ushbu subschyotning debetida tovar-moddiy zaxiralarning qiymati aks ettiriladi va 421 100 “Budjet tashkilotlarining mahsulot yetkazib beruvchilar va pudratchilar bilan hisob-kitoblar bo'yicha uzoq muddatli kreditor qarzlari” yoki 341 900 “Budjet tashkilotlarining boshqa turdagi hisob-kitoblardan kreditor qarzlari” schyotlarining tegishli subschyotlari kreditlanadi.

Tovar-moddiy zaxiralarni xarid qilishning haqiqiy qiymati bo'yicha 170 000 “Tovar-moddiy zaxiralarga xarajatlar” subschyoti kreditlanadi va tovar-moddiy zaxiralarni hisobga oluvchi subschyotlar debetlanadi.”.

6. Quyidagi mazmundagi 275¹-band bilan to'ldirilsin:

“275¹. 504 000 “Davlat maqsadli va boshqa budjetdan tashqari jamg'armalarning mablag'laridan moliyalashtirish” subschyotida davlat maqsadli va boshqa budjetdan tashqari jamg'armalardan moliyalashtirilgan mablag'lar, shuningdek g'azna ijrosiga o'tilgan tashkilotlarda g'aznachilikda ochilgan shaxsiy g'azna hisobvaraqlari orqali amalga oshirilgan to'lovlar summasi hisobga olinadi.”.

7. Quyidagi mazmundagi 299¹-band bilan to'ldirilsin:

“299¹. 760 000 “Davlat maqsadli va boshqa budjetdan tashqari jamg'armalarning mablag'lari hisobidan amalga oshirilgan haqiqiy xarajatlar” subschyotida davlat maqsadli va boshqa budjetdan tashqari jamg'armalarning

mablag'lari hisobidan amalga oshirilgan haqiqiy xarajatlar hisobga olinadi. Davlat maqsadli va boshqa budjetdan tashqari jamg'armalarning mablag'lari hisobidan amalga oshirilgan haqiqiy xarajatlar yil davomida 760 000 "Davlat maqsadli va boshqa budjetdan tashqari jamg'armalarning mablag'lari hisobidan amalga oshirilgan haqiqiy xarajatlar" subschyotining debetida aks ettirilib boriladi, bunda hisob-kitoblar va boshqalarni hisobga oluvchi subschyotlar kreditlanadi."

8. Quyidagi mazmundagi 317¹-band bilan to'ldirilsin:

"317¹. 987 000 "Davlat maqsadli va boshqa budjetdan tashqari jamg'armalarning mablag'lari bo'yicha moliyaviy natija" subschyotida davlat maqsadli va boshqa budjetdan tashqari jamg'armalarning mablag'lari bo'yicha moliyaviy natijalari aks ettiriladi. Ushbu subschyotning debetida yil oxirida hisobdan chiqarilgan mablag'lar bo'yicha amalga oshirilgan haqiqiy xarajatlar aks ettiriladi, bunda 760 000 "Davlat maqsadli va boshqa budjetdan tashqari jamg'armalarning mablag'lari hisobidan amalga oshirilgan haqiqiy xarajatlar" subschyoti kreditlanadi. Xarajatlarning analitik hisobida har bir xarajat turi va moddalari bo'yicha alohida o'tkazma beriladi.

Subschyot kreditida yil mobaynida budjetdan moliyalashtirilgan mablag'larning (amalga oshirilgan to'lovlarni) hisobdan chiqarilishi aks ettiriladi, bunda 504 000 "Davlat maqsadli va boshqa budjetdan tashqari jamg'armalarning mablag'laridan moliyalashtirish" subschyoti debetlanadi.

Har moliya yilining oxirida joriy yil moliyaviy natijalari 987 000 "Davlat maqsadli va boshqa budjetdan tashqari jamg'arma mablag'lari bo'yicha moliyaviy natija" subschyotiga o'tkazilgandan so'ng 504 000 "Davlat maqsadli va boshqa budjetdan tashqari jamg'armalarning mablag'laridan moliyalashtirish" va 760 000 "Davlat maqsadli va boshqa budjetdan tashqari jamg'armalarning mablag'lari hisobidan amalga oshirilgan haqiqiy xarajatlar" subschyotlarida qoldiq qolmaydi."

9. 1-ilovada*:

* I-ilova «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

568 Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод этиш ва идентификация ID-картасини расмийлаштиришда давлат божини қоплаш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда судларга ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3168-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 11 мартдаги ПФ-45-сон «Ўзбекистон Республикасида шахсга доир маълумотларни ҳимоялаш фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 2 майдаги 71-сон буйруғи (рўйхат рақами 3168, 2019 йил 19 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.06.2019 й., 10/19/3168/3304-сон) билан тасдиқланган Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод этиш ва идентификация ID-картасини расмийлаштиришда давлат божини қоплаш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда судларга ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Миграция ва персоналлаштириш департаментига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2025 йил 8 сентябрь,
474-сон

А. ТАШПУЛАТОВ

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 20 сентябрда эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. О‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 12-avgustdagi 278-son “Budjet tashkilotlarida ishlovchi ayollarga homiladorlik va tug‘ish bo‘yicha nafaqa, fuqarolarning ayrim toifalariga uy-joy-kommunal xizmatlar haqini to‘lash bo‘yicha imtiyozlar o‘rniga qonunchilik hujjatlarida nazarda tutilgan oylik kompensatsiya pul to‘lovlari hamda bola tug‘ilganida beriladigan bir yo‘la nafaqani to‘lash bo‘yicha xarajatlarni moliyalashtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2025-yil 18-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2080-1.

2. О‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi qo‘mondonining 2025-yil 9-sentabrdagi 268-son “O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi bo‘linmalariga kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga nomzodlarni saralash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i.

2025-yil 18-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3210-5.

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2025 йил 12 сентябрдаги 10-сон “Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахслар даволанадиган касалликлар рўйхатига қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2025 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3632-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлиги директорининг 2025 йил 15 сентябрдаги 4-2025-сон “Республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2025 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3676.

5. О‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasining 2025-yil 27-avgustdagi 10-son, Qishloq xo‘jaligi vazirligining 2025-yil 27-avgustdagi 36-son, Suv xo‘jaligi vazirligining 2025-yil 25-avgustdagi 25-4546-son, Transport vazirligining 2025-yil 26-avgustdagi 12-son “Ruxsatnomalar, tarqatish vedomostlari va limit kitobchalari bo‘yicha avtotransport vositalariga

yonilg'i quyish uchun neft mahsulotlari, suyultirilgan va siqilgan tabiiy gazni berish qoidalariga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi qarori.

2025-yil 18-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2072-2.

6. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 21-avgustdagi 280-son hamda Soliq qo'mitasining 2025-yil 14-avgustdagi 2025-17-son "Budjet tizimi budjetlari daromadlarining kassa ijrosi to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirishlar.

2025-yil 18-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2771-6.

7. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 15-avgustdagi 279-son "O'zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (2-sonli BHS) "Yagona schyotlar rejasi"ga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

2025-yil 18-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3078-6.

8. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2025 йил 8 сентябрдаги 474-сон "Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод этиш ва идентификация ID-картасини расмийлаштиришда давлат божини қоплаш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда судларга ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги буйруғи.

2025 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3168-3.

